

Мунаввар Қори
Абдурашидхонов

ХОТИРАЛАРИМДАН



ЧЗБ.2

958.4

ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ


А-18

НР 3

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ

**ХОТИРАЛАРИМДАН
(ЖАДИДЧИЛИК ТАРИХИДАН
ЛАВҲАЛАР)**

В 3689



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2001

Нашрагатай ёрловчи
ва изоҳлар муаллифи: тарих фанлари номзоди,
доцент С. Холбоев

Тақризчилар: тарих фанлари доктори, профессор К. Оқилов, тарих фанлари доктори Ҳ. Бобобеков, филология фанлари номзоди, доцент М. Олимов

Мунаввар Қори Абдурашидхонов.

Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар) —
Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2001.— 128 б.

Сиёсий қатағонлик «социализм қуриш» учун коммунистик фирқа олиб борган кураш жараёнидаги энг аянчли фожеа, битмас-тунгимас жароҳат, мудҳиш сиёсат, умуммиллий зулм ва зуфум сифатида тарихда қолди. Унинг мазмуну моҳияти ва сир-асрорлари тўла очилиши учун ҳали кўпгина вақт, илмий-ижодий изланиш, ақлзаковат сарфлашга тўғри келади.

Мухтарам китобхон! Қўлингиздаги «Хотираларимдан» номли рисола ўз вақтида миллатимизнинг маънавий отаси ҳисобланган Мунаввар Қори Абдурашидхонов қаламига мансуб. Унда 20-йилларда миллий-озодлик ва истиқлол учун кураш олиб борган «Иттиҳоди таракқий», «Бирлик», «Миллий иттиҳод» ва «Миллий истиқлол» каби ошкора ва яширин ташкилотлар тарихи ёритилган.

ББК 63.3 (5У)Ўз

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2001 йил.

ҲУРМАТЛИ КИТОБХОН!

Қўлингиздаги рисола буюк миллатпарвар, Ватан истиқоли йўлида шаҳид ўтган Мунаввар Қори Абдурашидхоновдан қолган мерос. У Туркистондаги жадидчилик ҳаракати тарихига оид каттагина асарнинг учинчи қисми бўлиб, «Хотираларимдан» деб номланган.

Муаллифнинг ўзи кўрсатишича, хотиранинг биринчи қисми жадидчиликнинг майдонга келишидан 1917 йил февраль инқилобигача бўлган даврни ўз ичига олади. Иккинчиси 1917 йил февраль-октябрь, учинчиси эса шўро даврини (1917—1929 йиллар) қамраб олган. Биз мана шу учинчи қисмининг русчага таржима қилинган нусхасини қўлга киритдик ва ўзбекчага ағдабиҳ ҳукмингизга ҳавола этишга жазм қилдик.

Дарҳақиқат, унда жадидчиликнинг шўро давридаги бизларга номаълум бўлиб келган маориф ва маданият тараққиётига қўшган ҳиссаси, энг муҳими, МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ учун мустабид комфирқа сиёсатига қарама-қарши олиб борган ошкора ва ноошкора кураши тарихи ёритилган.

Рисола шўро даврида илмий жамоатчилик кўзидан нари сақланган тарихий ҳужжат ва воқеаларга бой. Улар шўро адабиётида фақат бир томонлама мақтov ва улуғлаш билан кўрсатиб келинган коммунистик босқиннинг моҳиятини тўғри кўрсатишга ёрдам беради.

Китобнинг ёзилиш тарихи ва жойи ҳам ўзгача. Мунаввар Қори уни 1929—1930 йилларда қамоқхонада боши устида сиёсий қатағонлик ойболтаси кўтариб қўйилган аянчли бир пайтда ёзган.

Бу рисола миллий-озодлик кураши, миллий уйғонишида маънавий куч-кувват ва илҳом манбаи бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, миллий демократик ҳаракат — жадидчилик ва унинг йирик намояндаси Мунаввар Қори ҳақида анча кенг маълумот беради.

Мунаввар Қорига 1915 йилдаёқ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўз хатларида «Маънавий Қори отамиз... ҳазратларина», — деб мурожаат қилған. «Инқилоб» йилларида эса кўча намойиши ва катта митинг ҳамда йиғи-

лишларда «Яшасин Мунаввар Қори! Яшасин миллат!» деган марш оҳангидага ашула айтилган. Бухорода Фрунзе бошчилигига қизил армия давлат тўнтириши ясаб, манғитлар сулоласи — Амир Олимхон авлодларига тегишли салкам икки асрлик олтин хазинаси ва шаҳар аҳолисининг бойликлари таланиб, коммунистик мустамлака зуғуми бошлангач, Фитрат Мунаввар Қорини кучоқлаб йиглади: «Биз бундай инқилобни хоҳламаган эдик. Биз фақат амири ағдариб адолатли жамият барпо қўлмоқчи эдик...».

Китоб мустабид шўро тузуми даврида аввал бироз муддат улуғланган, кейинроқ эса, қатагон қилинган буюк истиқолчи боболаримизнинг армону ҳасратлари, биз билмаган жасоратга тўла кураш тарихи саҳифаларига бойдир. Шунингдек, ундаги Мунаввар Қорининг бошқа маъруза, шеър ва мақолалари ҳамда замондошларининг унинг ҳақдаги фикр-мулоҳазалари китобхонлар эътиборини ўзига тортади, деган умиддамиз.

Нашрга тайёрловчидан.

«Асоссиз тарзда репрессияларга дучор бўлган кишиларнинг ор-номуси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни, уларга етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўринини қоплашни ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб биламиз».

И. А. КАРИМОВ

МИЛЛАТИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ОТАСИ

1878 йили Тошкент шаҳридаги нуфузли оиласардан бирида учинчи ўғил дунёга келди. Унга яхши ният билан падарибузруквори — мадраса мударриси, элга таниқли Абдурашидхон ва волидаи меҳрибони Хосиятхонлар Мунаввар, яъни нурга тўлган ва нур билан ёритилган деган маънони англатувчи исм қўядилар. Мунаввар етти ёшлигида отаси Абдурашидхон ҳаётдан кўз юмади. Чирқилаб қолган Аъзамхон, Муслумхон ва Мунавварларнинг еб ичишию кийиниши, таълим ва тарбияси Хосиятхон отин елкасига тушади. У ўз даврининг ўқимишли ва фозила аёлларидан бўлиб, жигаргўшаларига дастлабки завод ва бошланғич таълимдан сабоқ беради. Аъзамхон билан Муслумхон ҳаётдан ўз ўринларини ота касби — мадраса мударриси бўлиб етишиш билан топади. Муслумхон (1875—1954) масжидда умр бўйи имомлик қиласи. Аъзамхон 1919 йилда вафот этади.

Мунаввар ёшлигидан ўткир зеҳнли, акалари қатори илмга чанқоқ бўлди. У дастлаб Тошкентда Юнусхон мадрасасида ўқиди. Кейин эса ўн ёшидаёқ, Бухорога бориб, у ердаги мадрасалардан бирида ҳадис ва фикҳ илми таҳсилига берилади. Тошкентга қайтиб, Дархон маҳалла масжидида имомлик қиласи.

У диний, дунёвий ва ижтимоий-сиёсий мазмундаги китобларни, журнал ва газеталарни севиб ўқиди. Айниқса жадидчиликнинг «отаси» Исломилбек Гаспирали Кримда чоп этаётган «Таржумон» (1881—1914) газетаси Мунавварнинг миллатчи ва халқчил бўлиб етишига катта таъсир қиласи.

Мунаввар Қорининг шогирдларидан бири Лазиз Азиззоданинг ёзиг қолдиришича, инқилоб арафасида Туркистонга, жумладан, Тошкентга Ўрусия, Туркия, Миср, Эрон ва бошқа шарқий мамлакатлардан юзлаб турли хил илғор руҳдаги журнал, газета ва тўпламлар

келиб турган. Улар зиёли ва ёшлар орасида, мадрасаларда қўлдан-кўлга ўтиб ўқилган. Булардан Мунаввар ҳам баҳраманд бўлгани шубҳасиз. У туркий тиллардан ташқари, рус, форс тилларини ҳам яхши билган.

Мунаввар ёшлигидан Ватан тақдири, ҳалқнинг ижтимоий турмуши, «оқ пошшо» ва унинг ўлқадаги мустамлакачилик, руслаштириш ва дини исломни бузиш сиёсати ҳақида ўйлай бошлайди. У Ватан озодлиги, иқтисодий ва маданий тараққиётни маорифга боғлиқ эканлигини жуда эрта тушуниб етади. Мунаввар Қори ўтган асрнинг 90-йилларида Исломбек Гаспирали томонидан Кримда асосланган «усули жадид» — «усули савтия» (товуш усули)даги янги мактабни очишга бел боғлади. Аммо унга чор ҳарбий маъмурияти, рус зиёли миссионерлари, маҳаллий мусулмон диний мугаасиблар қаршилик қиласди.

Жуда катта меҳнат ва турли таъқибларга бардош бериш эвазига, Мунаввар Қори 23 ёшида (1901) Туркистонда биринчилар қатори жадид мактабини очишга мұяссар бўлади. Унда болалар ўқиши-ёзишини икки йилда ўрганади. Бунинг учун қадим — эски анъанавий мактабларда эса беш йил вақт сарфланар эди. Ўз меҳнатидан тўла маънавий қониқиши ҳосил қилган ва илғор усулнинг моҳият-оқибатини чукур ҳис этган Мунаввар Қори бутун умрини ҳалқقا маърифат тарқатишга, буюк давлатчилик шовинизмининг хилма-хил найрангларига қарши курашга бағищлайди. Инқилобдан олдин у бу «қўлмиши» учун бир неча бор чор амалдорлари томонидан таъқиб қилинади, сургун қилиниши ҳақида огоҳлантирилди, аммо булар уни сира чўчита олмайди.

Мунаввар Қорининг маданий-маърифиј, ижтимоий-сиёсий фаолияти биринчи (1905—1907 йй.) ва иккинчи (1917 йил февраль) рус демократик инқилоблари даврида янада юксакликка кўтарилади. Бу даврда у фақат жадид мактабларини ташкил этиши ва уларда ёшларни ўқитиши билан чекланмай, фаол адаб, журналист, ношир, олим, сиёсий раҳбар сифатида Туркистондагина эмас, балки Ўрта Осиё ва Россия мусулмонлари орасида катта обрў қозонади.

Мунаввар Қори жадид мактаблари учун янги товуш усулида дарсликлар — «Адиби аввал» («Биринчи адаб», 1907 йил) алифбе ва «Адиби соний» («Иккинчи адаб», 1907 йил) ўқиши китобларини чоп эттиради. Булар ўлқадаги асосий дарсликлар сифатида октябр тўнтаришидан сўнг ҳам кенг қўлланилди.

Мунаввар Қори миллатнинг юксалиш ва уйғониши фақат мактабгагина боғлиқ, деб тушунмайди. У кенг ҳалқ оммасини дунё воқеаларидан, ўз ижтимоий аҳволи ва сиёсий воқеалардан хабардор бўлиши зарурлигини тушуниб, газета-журнал ва бадиий-илмий тўпламлар нашр этишга катта эътибор беради. Дастлаб 1906 йилда Исломбек Гаспирали мұхаррирлиги ва ҳамкорлигига Тошкентда «Тараққий» газетасини нашр эттиришга муваффақ бўлади. Аммо бу газета тез орада чор ҳуқумати амалдорлари томонидан ман этилади. Мунаввар Қори шу йили ҳарбий ҳокимиятдан ўзи газета чиқаришга рухсат олади ва октябрь ойининг бошларида «Хуршид»ни нашр этади. Саккиз бетлик бу газета идораси Тошкентнинг Занжирили маҳалласида макон топган эди. Бу газета ҳам ўз саҳифаларида ислом дини, яъни шариатга оид масалалар билан бир қаторда ҳалқнинг аҳволи, иқтисод ва сиёсат муаммоларини ёритгани учун мусодара қилинади. Ундан сўнг Мунаввар Қори яна ўз дўст ва маслақдошлари Абдулла Авлоний, Аҳмаджон Бектемир, Мұхаммаджон Жалил номларидан газеталар чиқаришга рухсат олади. Мунаввар Қорининг 1908 йили «Ер юзи» география дарслиги, «Тажвид» (Куръони каримни ўқиши усулини ўргатувчи) китоблари босилиб чиқади. Шу йили у яна жадид шоир ва ёзувчилари асарларини тўплаб «Сабзавор» номи билан чоп эттиради. Булар жадид мактабларида дарслик сифатида қўлланилди. Мунаввар Қори бошлаган янги мактаб усули Туркистонга тез ёйлади. Унинг ташаббускор жонкуярлари «тараққийпарварлар» деб ном олади. Мунаввар Қори эса уларни бирлаштирувчи раҳбар ва йўлбошчига айланади. Унинг мактаби эса жадид мактаблари учун илмий-услубий ва амалий тажриба маркази бўлиб хизмат қиласди.

1917 йилда Мунаввар Қорининг матбуот соҳасидаги фаолияти кўзга алоҳида ташланади. Унинг мұхаррирлигига «Хуршид» (1906), «Нажот» (1917) ва «Кенгаш» (1917) каби жадид газеталари нашр этилади. Мунаввар Қори жадидларнинг рус подшоси ҳукмронлиги давридаги газетчиларидаги хизматига баҳо бериб шундай деган эди: «Жадидлар полисанинг кўрқинчи қаттиқ бўлса ҳам, қийинчилкларни ўз устига олиб, газет чиқарди ва уни ҳалқга тарқатди»[1]. Октябрь тўнтаришидан сўнг Мунаввар Қори янги мактаб, ўрга маҳсус ва олий таълим ташкилотчиларидан бири сифатида фаолият кўрсатади. Бу борада унинг ўзи 1927 йилда Тош-

кент округ маданиятчилари қурултойида шундай дейди: «Ўқтабрдан кейин жадидлар... мактабларини ҳукуматга бериб, ўзлари шўро муассасаларида ишлай бошлидилар» [2].

Мунаввар Қори ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети пойдеворини қўйган кишилардан бири. 1918 йил 9 апрелда унинг уйида тўпланган зиёлилар фақат рус тиллклар ўқиши мумкин бўлган Туркестон Ҳалқ дорилфунуни очиш ҳаракати бошлангач, Мусулмон ҳалқ дорилфунунини ташкил этиш мақсадида 9 кишидан иборат ташкилот комиссиясини тузади. Унга Мунаввар Қори (раис), Бурҳон Ҳабиб, Исо Тўхтабоев, Содик Абдусатторов, Муродбек, Муродхўжа, Мухтор Бакир, Абдусами Қори Зиёбоев ва бошқалар кирган эди. Комиссия Мусулмон ҳалқ дорилфунунини ҳам русча Туркестон Ҳалқ дорилфунуни каби уч босқичда ташкил этади: юқори босқич — дорилмуаллимин (ўқитувчилар институти); ўрта босқич — ўрта хунар мактаблари; қуи босқич — бошлангич мактаблардан иборат бўлади. З май куни Мусулмон ҳалқ дорилфунуни раҳбариятига сайлов бўлиб ўтади. Унда Мунаввар Қори раис (ректор), Исо Тўхтабоев ректорнинг биринчи, Бурҳон Ҳабиб иккинчи ўринbosарлари, Абдусами Қори Зиёбоев хазинадор, Мухтор Бакир саркотиб этиб сайланади.

1918 йил 12 май куни эса Эски шаҳар даҳасидаги Викула Морозовнинг собиқ магазини биноси (ҳозирги Ўзбек ёш томошабинлар театри)да Мусулмон ҳалқ дорилфунунининг тантанали очилиш маросими бўлади. Уни Мунаввар Қори қисқача кириш сўзи билан очиб, мусулмонлар чоризм даврида рус йўқсиллари билан биргаликда ярим аср кулликда яшагани, бугунги озодлик ва тантана катта талофатлар билан кўлга киритилганлигини айтди. Шундан сўнг бу курашда ҳалок бўлганларга бағишлиб, Куръони каримдан тиловат ўқилиб, фатво берилади. Мусулмон дорулфунуни Мунаввар Қори раҳбарлигига ўз даврининг катта билим масканига айланади. У 15 демократик маданий-маърифий ташкилот вакилларидан уюшган 45 кишилик кенгаш томонидан бошқарилади. Унда ишловчи муаллимлар сони 180 нафарга етади. Унинг 1918 йил 31 майдан бошлаб, «Ҳалқ дорилфунуни» газетаси чиқади. У дастлаб ҳафтада бир марта, кейин эса (5-сонидан бошлаб) ҳафтада икки марта чиқади. «Ҳалқ дорилфунуни» бутун Туркестон ўлкаси бўйлаб тарқатилар эди.

1918 йил 2 июнь куни Мусулмон ҳалқ дорилфунунинг юқори босқичи дорилмуаллимин (ўқитувчилар институти) ишга тушади. Унда Абдурауф Фитрат она тилидан, Камол Шамси арифметика ва немис тилидан, Раҳимбоев арифметикадан, Абдураҳмон Исмоилов санъатдан, Ризаев маданият тарихи ва сиёсий иқтисоддан, Мунаввар Қори (дорилмуаллимин мудири — ректори ҳам эди) она тилидан дарс беради.

Русча Туркестон ҳалқ дорилфунуни ва унинг бўлими Мусулмон ҳалқ дорилфунуни тўла маънодаги олий ўқув юрти бўла олмаса-да, бўлажак давлат университети ҳозирги — Ўзбекистон Миллий университети учун моддий-техникавий ва илмий-педагогик асос бўлди.

Мунаввар Қори мустамлакачиликка қарши «Чор ҳукуматини йиқитиши жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас» [3], дейди. Мунаввар Қорига рус демократик февраль инқилоби зулматдан ёргуликка чиқиши, жаҳолат устидан адолат тантана қилишидек бўлиб кўринади. У дастлаб октябрь тўнтаришининг номиллий моҳиятини тўла тушуниб етса-да, ҳалқقا берилган эркинликлар ва шиорларни маъқуллайди, ижтимоий-сиёсий фаолиятга берилади. 1917 йил март ойининг бошларида Мунаввар Қорининг катта сайъ-ҳаракати билан Тошкентда мусулмон ҳалқлари шўроси — «Шўрои исломия» ташкил топди. Мунаввар Қори унинг раиси ўринbosари этиб сайланади. Апрелнинг ўрталарида Туркестон мусулмонларининг биринчи умуммусулмон ўлка қурултойи чақирилади. Унда 150 нафар энг фаол вакиллар қатнашади. Мунаввар Қори шу тарихий анжуман раёсатига раис этиб сайланади. Унинг раҳбарлигига қурултой ўша даврининг 16 та энг дол зарб масалаларини мұхокама қилиб, тегишли ижобий қарорлар қабул қиласи. Булар орасида Туркестоннинг сиёсий жиҳатдан ўзини бошқариши, бўлажак ҳукумат, уруш, мардикорликка олинганлар, таъсис қурултойини чақириш, Туркестонда «Шўрои исломия»нинг Бутун Туркестон Миллий марказини тузиш, ер, сув ва бошқа масалалар бор эди. «Шўрои исломия»нинг шу биринчи қурултойида Туркестон мусулмонларининг Миллий маркази сайланади. Унга Мунаввар Қори (раис мувовини), Мустафо Чўқаев (раис), Маҳмудхўжа Беҳбудий ва бошқалар киради.

1917 йил ёзида Тошкент шаҳар-Думасига ўтказилган сайлов олди мавсумида Мунаввар Қори мусулмонлар

митинги ва йигилишларда оташин нутқлар сўзлаб, уларни сиёсий фаолликка чақиради, натижада мусулмонлар катта ютуқни кўлга киритади. Думага сайланган 112 депутатдан 76 нафарини маҳаллий халқ вакиллари ташкил этади. Улар орасида Мунаввар Қори ҳам бор эди.

Мунаввар Қори Думада Тошпўлатбек Норбўтабеков, Миён Бузрук Солиҳов, Султонхўжа Сайдхўжаев ва бошқалар билан ҳамкорликда маҳаллий халқ манфаати, ҳақ-хуқуқини ҳимоя қиласиди. Унинг талаби билан Дума депутатларидан тузилган Тошкентда университет ташкил этиши комиссияси таркибига Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Содиқ Абдулсатторов киритилади.

Мунаввар Қори халқ маъорифини европача замонавий ва шарқона исломий билимлар мажмуи асосида бошлангич, ўрта ва олий таълимдан иборат уч босқичли тизимини ривожлантириш тарафдори бўлди. Унинг ўзи икки босқичли жадид мактабини ташкил этган эди. Унинг биринчи босқичи тўрт йиллик бўлиб, болаларга умумий диний ва дунёвий билимлар асосини беради. Иккincinnisi эса етти йиллик эди [4]. У ўша вақтда яширин ва расмий рухсат билан кўплаб ташкил этилаётган жадид мактаблари учун устоз (муаллим) ва кичик-кичик маҳалла масчигларига имом ҳамда идораларда иш юритувчи ходимлар тайёрлайди. Шунингдек, бу мактабни тутатганлар олий таълим олиш учун мадраса ва европача университетларда ўқишини давом эттириши мумкин бўлди.

Миллат эрки ва Ватан озодлиги фидойиси бўлган Мунаввар Қори фаолиятидаги кўзга кўринарли асосий томонлардан яна бири унинг жадид олий таълимига асос солиш ва олий малакали кадрлар тайёрлаш учун курашдан иборат бўлди. Бу соҳада у мустамлака сиёсати ва маҳаллий мутаассиблик каби икки томонлама қаршиликка тўғри келади. Шунга қарамай, Мунаввар Қори ўз маслакдошлари билан биргаликда мадраса соҳасидаги ислоҳотда сезиларли ўзгариш қилолмагач, иқтидорли мусулмон фарзандларини Россия, ҳозирги Озарбайжон ва Татаристон, Туркия ҳамда Германияга ўқишига юборищда маълум ютуқларни кўлга киритади.

1909 йилда Тошкентда Мунаввар Қори ўз дўстлари Тошхўжа Туёқбоев, Низом Қори Мулла Ҳусанов, Мулла Абдулла Авлонов (Авлоний), Баширулла Асадуллахўжаевлар билан ҳамкорликда «Кўмак» номли мусулмон хайрия жамиятини ташкил этади. Унинг маҳаллий рус маъмурияти томонидан 1909 йил 26 майда расман

тасдиқланган Уставида кўрсатилган асосий фаолият мазмунидан бири таълим берадиган муассасаларга ёрдам бериш, олий ва ўрта ўқув юргларида таҳсил олувчилар учун стипендиялар ажратишдан иборат бўлган.

Шу йили Бухоро жадидлари ҳам «Тарбия афтол» жамиятини ташкил этади. Бу хайрия жамиятларининг Истамбулда маҳсус бўлими ҳам бўлган. Уни шу ерда ўқиган Фитрат ва бошқалар ташкил этади.

Бу жамиятлар, маълум ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, расмий ва норасмий равища шўро ҳокимиятининг дастлабки беш йиллигигача фаолият кўрсатган. Ҳозиргача топилган ёзма манбаларга кўра, 1911 йилда Туркияда 15 киши, 1912 йилда 30 киши, 1923 йилда Германияда эса 70 кишидан ортиқ Туркистон ва Бухоролик ҳамюртларимиз ўқигани маълум.

Мунаввар Қори шўро ҳокимияти даврида, дастлаб, Тошкентдаги эски шаҳар маорифи бўлими мудири, Туркистон ҳукумати олий органи — Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси аъзоси, Маориф Халқ Комиссарлиги коллегияси аъзоси, Бош Вақф Бошқармасида бўлим мудири, оддий ўқитувчи, газета муҳаррири бўлиб ишлайди. 1919 йил январда Тошкентда ўйроларга қарши Осипов уюштирган исёндан сўнг жуда оғир сиёсий вазият юзага келди. Шу воқеалар муносабати билан уламолар тараққийпарвар жадидлардан ўч олиш мақсадида ҳатто уларни калтаклайдилар. Бунга жавобан Мунаввар Қори ўз сафдошлари билан келишиб, «Бирлик» уюшмасини ташкил этади. Бундан мақсад фирқали ва фирмасиз, зиёли ва оддий фуқаро ҳамда ёшларни бирлаштириш орқали комфириқа таркибида кўпчиликни ташкил этиши эди. Уни ташкил этиши маросимида иштирок этган Тангрикулхўжа Мақсудов шундай ёзди: «Мана шу йигилишда Саъдуллахўжа Мунаввар Қорини кутиб олиш чоғида у билан ўшишиб, ўзини эсер деб таништиради ва Ватан учун ишлашга ҳамиша тайёр эканлигини айтади. Бу йигилишда «Изчилар» номли мусиқа оркестри ҳам бўлиб, мусиқачилар Акмал Икрамов бошқарувида «Яшасин Мунаввар Қори, Яшасин миллат!» деган ашулани айтадилар». Мунаввар Қори инқиlob ва шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида миллатнинг маънавий-мағкуравий отаси, сиёсий раҳбари даражасига кўтарилади. Миллат ва Ватан манфаати йўлида 1918 йилда комфириқа сафига киради. Мусулмон коммунистик ташкилоти ташкил тошишида унинг тасири ҳам кучли бўлди. 1919 йил март ойида РКП(б)

Марказий Кўмитаси розилиги билан II ўлка фирмә конференциясида РКП(б)нинг Мусулмон бюроси — «Мусбюро» тузилди. Унга Т. Рискулов раис, Мунаввар Қори, Н. Хўжаев, А. Муҳитдинов, Ю. Алиев ва Ю. Ибрағимовлар аъзо бўлиб сайланди.

Уларнинг таъсирида Мусбюро туркий ва бошқа мусулмон халқларини бирлаштириш ва улар манфаатини ҳимоя қилиш соҳасида қатор ишларни амалга оширади. Бунинг натижаси ўлароқ Туркистон мусулмон коммунистларининг III конференцияси ва номусулмон Туркистон коммунистларининг V конференцияси (1920 йил, январь) Мусулмон фирмә ташкилотини «Турк коммунистик фирмәси», Туркистон Мухтор республикасини эса «Турк мухтор республикаси» деб номлаш тўғрисида қарорлар қабул қиласди.

Бироқ бунга мустамлакачилик сиёсатини янгича шаклда давом эттираётган Марказий фирмә ва ҳукуматнинг Туркистондаги ишонч ва таянчи Турккомиссия раҳбарлари, аниқроғи, Фрунзе қарши чиқади. Шунинг учун ҳам Турккомиссия маҳсус тузилган комиссия хуласасига кўра мусулмон коммунистларининг хоҳиш-иродаси асосида қабул қилинган юқоридаги қарорларни бекор қиласди. Т. Рискулов бошлиқ мусулмон коммунистик ташкилот раҳбарлари, шу жумладан, Мунаввар Қори ҳам «миллий оғмачилик»да айбланиб бадном қилинади. Бу эса «ленинча миллаторнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» ҳақидаги шиор коммунистик мустамлакачиликнинг ниқоб пардасидан бошқа нарса эмаслигини исбот қиласди.

Бухорога қизил армия бостириб кириб, босиб олгач, Мунаввар Қори Туркистон шўролари Марказий Ижроия Кўмитаси томонидан Бухоро ҳукуматига ёрдамчи ходим сифатида ишга юборилади. Унинг бу ерга келиши билан Бухоро яширин миллий-озодлик ҳаракати марказига айланади. Аҳмад Заки Валидий бошчилигига яширин «Туркистон миллий бирлиги» кўмитаси (Ўрта Осиё Миллий Мусулмон жамиятлари федерацияси) тузилади. Унинг асосий вазифаси Туркистон, Бухоро ва Хоразмни коммунистик босқиндан озод қилиш, «босмачилик уруши»га ташкилий тус беришга қаратилади.

Мунаввар Қори «Туркистон миллий бирлиги» ҳаракатининг асосий фаолларидан бирига айланади. Шунинг учунми, у Бухородан тез орада Тошкентга қарабириб олиниб, 1921 йилда давлат тўнтариши ясашда тұ-

мон қилиниб, бир гуруҳ кишилар қатори қамоққа олинади. Орадан бироз вақт ўтгач, у Туркистон АССР Марказий Ижроия Кўмитасининг авф этиши (амнистияси) асосида қамоқдан озод қилинади.

Мана шундан сўнг унга фирмәвий ва маъмурий тазиқ борган сайн кучайиб боради. Ниҳоят у Коммур фирмә сафидан чиқишига мажбур бўлиб, шундай дейди: «Мен ўзимни ўзбек халқим учун фойдали ҳисоблаганим учун коммунистик партияга кирдим, агар меннинг халқим фойдаси учун қайси бир партияга кириш лозим бўлса, мен ўшанга ўтавераман»[5].

Мунаввар Қори ўзбек миллий театри асосчиларидан бири сифатида ҳам катта обрў ва эътибор топган. У ўз фикрдошлари билан ижодий ҳамкорликда 1914 йилдаёқ «Турон» труппасини тузган эди. Бу труппа беш йил фолият кўрсатади.

Мунаввар Қорининг маданият ва маориф, ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳасидаги хизматларига шоир Тавалло бир шеърида баҳо бериб шундай дейди:

Чўх мунаvvар этди оламни Мунаввар Қоримиз,
Қўрдимиз равшанлиғидин феълимиз, авторимиз.
Ибрат олинг ёшлар, деб тўқди кўздин ёшлар,
Нутқида таҳрир этиб, бизларни йўқу боримиз.
Чин кўнгилдан биз эшитдук, чин экан айтган сўзи,
Шунча бидъатларни билдуқ,вой, биз икроримиз.

Мунаввар Қори илмий-ижодий ёшларни тарбиялашга катта эътибор беради. Уларга маънавий оталик қиласди. Бу ўринда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 1915 йилда унга ёзган хати дикқатга сазовордир: «Ассалому алайкум! Маънавий Қори отамиз ҳазратларина!» Устоз эса ўз шогирди Ҳамзага меҳр ила ёзилган жавоб хатларидан бирида (1916): «Ҳурматли Ҳамза афанди! Эшон ва бойларнинг малъун ва абллаҳликларини очиқдан-очиқ «малъун», «жоҳил», «хоин», «палид», «нобакор» каби сўзлар ила эмас, қилғон ишларининг ёмонлиги ила кўрсатилса яхши бўлур эди», — деб маслаҳат беради.

Бу ўринда Мунаввар Қори бадиий ижодиёт соҳасида Ҳамзага жуда тўғри маслаҳат беришдан ташқари шу нарса аниқ сезилиб турубдики, у динга эмас, балки, диндан ўз манфаати йўлида фойдаланаётган диндорларга қарши бўлган. Мунаввар Қори бутун халқ ва айниқса ёшларни имони бут бўлиш билан бирга ўта хавфли душман — ижтимоий-сиёсий «ялқовлик» ва

«нодонлик»дан сиёсий фаоллик ва миллий уйғоништа чакырган эди. Бунга унинг болаларга қаратса ёзган күйидаги шеъри мисол бўла олади:

ЯЛҚОВЛИК ЁВИМИЗДИР [6]

Кўзголингиз, эй ўртоқлар! Келди бизга ишлаш чоғи,
Биз барчамиз ёш ишчимиз, ишхонамиз мактаб боги.
Туринг тезроқ иш бошлайлик,
Ялқовликини биз ташлайлик!
Кўкдан булут ёмғир сочар, сувлар оқар, ўтлар ўсар,
Кушлар учар, озиқ излар, бутун дунё тинмай ишлар.
Сиз ҳам туринг, эй ўртоқлар,
Юрт обрўсин ёшлар сақлар...
Тирик бўлсанг, кўзғол ўртоқ,
Кўлга ишни тез ол, ўртоқ!
Жаннат каби гўзал юртинг йиглаб, сендан иш кутадир,
Сенда кўргач ишсизликни, ҳасрат чекиб, қон ютадир.
Тур ўрнингдан, оч кўзингни,
Айт ёвингта сўнг сўзингни.
Ёвинг кимдир, биласанми? Нодонликдир, ялқовликдир,
Ёвга қарши курашмаслик — кўрқоқлиқдир, анқовликдир.
Иш қиличин тур, кўлга ол!
Ёвга қарши чиндан кўзғол!

Минг бор афсуски, бу улуғ зот шўро тарихида «халқ душмани», «миллатчи» (бир миллатни иккинчисига қарама-қарши қўйиш маъносига), «маҳаллий буржуазия идеологи» деб таърифлаб келинди. Унга нисбатан ёш авлодда нафрат туйғусини тарбиялашга ҳаракат қилинди.

Мунаввар Қори бор-йўғи 53 баҳорни кўрди. Шундан 39 йили «инқилоб»дан олдинги чоризм мустамлакачилиги азоби остидаги болалик, балоғат ва фаоллик даври бўлса, қолган 14 йили қизил империя ва ленинча қатағонлик сиёсати томонидан маънавий хўрланиш замони бўлди. Умрининг охирги икки йилда у ҳарбийлаштирилган сиёсий бошқарма қамоқхоналарида ўз халқи озодлиги ва мустақиллиги учун ўлимга қарши тик туриб курашди. Бизларга насиб бўлган сиёсий ва миллий мустақиллик нашидаси унинг учун улкан армон бўлиб қолса-да, у бу ёруғ кунларнинг келишигига комил ишонч билан шаҳид ўтиб жаннати бўлди.

Айтиш мумкинки, Мунаввар Қорининг шўро давридаги кураши ва ҳаёти ойболта остида ўтди. Агар дастлабки икки-уч йили ҳисобга олинмаса, у коммунист

тик мустамлака даврида сира ҳам рўшнолик кўрмади. Доимо таъқиб ва кузатув остида яшади. Унинг ўзи ёзишича, октябрь тўнташидан сўнг комфирқа олиб борган сиёсатга кўшила олмайди.

Аммо у рус халқига нисбатан тўғри муносабатда бўлади. Унинг инқилобдан олдинги рус маърифатпарвар ва демократларининг гояларидан воқиб бўлганлиги шубҳасиз, албатта. Шунинг учун ҳам у 1927 йилда жадидчиликни ҳимоя қилиб, Тошкент округи маданиятчилари қурултойи минбаридан туриб ушбу оташин ва қалб сўзларини айтган эди: «...Бир мажлисда рус мустамлакачилари билан курашамиз деган эдим. Агар борди-ю, рус ўртоқлар шу гапимга араз қилиб, «ол мамлакатингни, ўзинг идора қўй» деса мен уларнинг оёғига ёпишиб, энг аввал айттар эдимки, биз сиз билан эмас, Сизнинг бойингиз, уломойингиз ва мустамлакачиларингиз билан курашамиз, дер эдим» [7].

Шу ерда буюк рус демократлари рус ҳукуматининг бошқа қўшни халқларга нисбатан олиб борган босқинчиллик сиёсати ҳақида айтган доно фикрларини эсламоқ ўринлидир. «Кимларки, — деган эди А. И. Герцен, — рус халқини рус ҳукуматидан ажратса олмас экан, улар ҳеч нимани тушунмай ўтадилар». Ф. М. Достоевский эса ундан ҳам ошириб, «Ҳақиқат Россиядан улуғдир»[8] дейди.

Қўриниб турибдики, Мунаввар Қорининг дунёқараси рус демократлари билан ҳамоҳанг бўлган.

Мунаввар Қорининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги билан 1917 йилдан то 1929 йилгача бир неча ижтимоий-сиёсий миллий ташкилотлар ташкил топади. Мунаввар Қори шўро ҳукумати ва коммунистик фирмә миллий сиёсатининг ёлғончилик, маҳаллий манфаатга зид моҳиятини тушиниб етади. Шунинг учун ҳам у миллий ўзликни сақлаш ва миллий мустақиллик мафкурасини ҳимоя қилиш ҳамда раҳбар фирмә ва ҳукumat органларини «миллийлаштириш» ишларини олиб борувчи расман ошкора ва яширин бир қатор ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий миллий ташкилотларга гоявий раҳбарлик қиласди. Масалан: «Кўмак» (1909—1923), «Иттиҳоди тараққий» (1917—1920), «Шўрои исломия» (1917—1918), «Миллий иттиҳод» (1921—1925), «Миллий истиқол» (1926—1929), «Туркистон миллий бирлиги» (1920—1923). Булар шўро ёзма тарихига киритилмасдан яширин сақланиб келинди, хужжатларда «аксилинқилобий», «аксильтшўравий», «но-

халқчил» ташкилотлар сифатида қайд қилинди. Мунаввар Қорининг қамоқхонада ёзган «Хотираларим» асарида шундай сўзлар бор: «Менинг ёзган китобларим ва мафкурамга нисбатан 1925 йилдан бошлаб матбуотда жуда кучли хужум бошланди... Табиий равишда, мен уларга тоқат қилаолмадим. Шу сабабдан Тошкентни бутунлай тарк этиб кетишга, Москвага бориб, у ерда қолган умримни ўтказишига... азму қарор қилдим». Шуни айтиш керакки, Мунаввар Қоридек элга танилган, халқнинг маънавий отаси ва йўлбошчиси бўлган кишининг ўз Ватанидан безиб кетишга «азму қарор» қилғанлиги осонликча бўлмаган, албатта. Дарҳақиқат, Мунаввар Қори 1926 йили Москвага кетади. У ердаги Шарқ ҳалқдарини ўрганиш институтида ўқиш ва илмий ишга қолишга ҳаракат қолади. Аммо уни «расмий йўлланма билан қабул қилиш» мумкинлигини айтиб, Тошкентга қайтаришади. Акмал Икромов Москванинг ўзида йўлланма беришга вайда ҳам беради. Лекин вайда ваъдалигича қолади. Мунаввар Қори Ўзбекистон халқ маорифи комиссарлигидан «Сизнинг аризангизни рад қилишга қарор қилинди, ўрнингизга бошқа киши юборилади» деган жавоб олгач, Афғонистоннинг Тошкентдаги ваколатхонаси орқали хорижга ўтиб кетишга ҳаракат қолади. Аммо бу амалга ошмайди. 1928 йили ёшларни миллатчилик руҳида тарбиялашда айбланиб Мунаввар Қори мактаб ўқитувчилигидан ҳам ҳайдалади. Озгина вақт Самарқанд шаҳар музейида илмий ходим бўлиб ишлади. Кейин Тошкентдаги Эскилик ва санъат ёдгорликларини сақлаш қўмитаси вакили лавозимиға ўтказилади. Бу охирги иш жойи бўлиб, унда ҳам кўп ишлаш имкони бўлмайди. Уйда ишсиз ўтириб қолади. Унинг ўзи ёзишиб, ҳар куни 9—10 соатлаб уйда қўлқоп ва пайпоқ тўқыйди. Уларни сотиб тириклий ўтказади. Бу даврда унинг хотини Лаъзизахон тиббиёт билим юртида ўқиши сабаб, бирор жойда ишламас эди. 1928 йилнинг бошларида СССР Халқ Комиссарлари кенгаши қошидаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармасининг Ўрта Осиёдаги муҳтор вакили Бельский Мунаввар Қорини чақириб, жадидчилик ҳақида у пайдо бўлганидан бошлаб то ҳозиргача ёзиб келишни талаб қолади. Шундан сўнг у, бир томондан, «бўлиб ўтган воқеаларни тадқиқ қилиш ва тарихий материал қолдириш» мақсадида, иккинчи томондан эса, хукумат олдида ўз «сиёсий мавқеини яхшилаш» умидида «Хотираларим»ни ёзишиб кири-

шади. Унинг Афғонистонга ўтиб кетиш мақсадидан қайтганлигининг сабабларидан бири ҳам мана шу бўлган эди.

Мунаввар Қори жадидчилик ҳақида пайдо бўлганидан бошлаб февраль инқилоби ва октябрь тўнтаришигача ҳамда шўро давридан иборат уч қисмда ёзиш режасини тузиб, Бельский ва Агидуллин (ГПУнинг катта ваколатли вакиллари)га кўрсатади. Уларга режа маъкул бўлади. «Хотираларим»нинг биринчи қисми ёзилиб, иккинчиси ҳам тугай деб қолган бир пайтда ГПУ томонидан Мунаввар Қори қамоқقا олинади.

Ушбу воқеа 1929 йил 6 ноябрга тўғри келди. Бу кун бутун ўзбек зиёлилари учун тарихда қора кун бўлиб қолди. Чунки шу куни бирдан 26 нафар зиёли, ноябрь-декабрь ойларининг ўзида эса, 38 киши қамоқقا олинади. Умуман, 1931 йилнинг бошларигача Мунаввар Қори бошчилигидаги «аксилинқилобий ташкилот» — «Миллий истиқбол» аъзоларидан 87 киши озодликдан маҳрум этилади. Уларнинг ҳаммаси бир жиноий иш — РСФСР жиноий кодексининг 58-моддаси ва ундаги турли хил бандларда белгиланган «аксилинқилобий ҳаракат ва фаолият»да, яъни, бизнингчча, миллий-озодлик ва истиқбол ҳаракати ташкилотчиси ва фаоллари сифатида жиноий жавобгарликка тортилади.

Мунаввар Қорининг қамоқقا олиниши вақтида уйида ўтказилган тинтуб ҳақида унинг жияни (кичик акасининг ўғли) Муҳаммадхон Муслумхон ўғли Абдурашидов шундай эслайди: «Уч ака-ука Аъзамхон, Муслумхон ва Мунаввархон бир ҳовлида жуда иноқ яшашган. Ҳовлимиз жуда катта эди. Амаким унинг ярмида янги усуладаги мактаб очиб, болаларни ўқитган. Бу мактаб шўро даврида бирин-кетин «Мухторият», «Биринчи май» ва «Ленин» мактаби деб аталган. Амакимларнинг катта хотини Муборакхон опоқидан икки ўғли бўлиб, улар ёшлигига вафот этиб кетган экан. Шундан сўнг фарзанд ниятида амаким иккинчи хотини Лаъзизахонга уйланади. Улардан фарзанд бўлмаган.

Эсимда бор, 1929 йили ноябр ойлари бўлса керак, тонг отар чогида ҳовлимизга ГПУнинг қуролланган ходимлари бостириб кирди. Уларнинг бир қисми ҳовлидан ҳеч кимни ташқарига чиқармай, ҳатто ҳожатга боргандар орқасидан ҳам кузатиб турди. Бошқалари эса, уйда тинтуб ўтказиб, жуда кўп китоб, газета, қўлэзма ва расмларни қоплаб олди. Тинтуб эрта тонгдан номози асрографа давом этди. Соқчилардан бири томга чиқиб

тингутув ўтказиш вақтида чийлампа қилиб қўйилган айвон шипига осилиб қолгани эсимда. Унинг танасининг бесўнақайлиги ҳозир ҳам кўз олдимда турибди» [9].

Бу ўша вақтда ўн яшар бўлган, кейин эса коммунистик қатагонлик мавсуми даврида 8 йил қамалиб ундан озод бўлганидан кейин ҳам узоқ йиллар ўз Она шаҳри Тошкентда яшаш хукуқидан маҳрум этилган миллатпарвар ажойиб бир инсоннинг хотираси [10].

Мунаввар Қорига қамоқхонада одатдагидан бошқачароқ тергов усули кўлланилади. Дастилабки пайтларда унга жадидчилик ҳақидаги «Хотираларим»нинг учинчи қисмини ёзib тугатиш учун «қулайлик» яратилади.

Мунаввар Қори ва унинг шерикларини сўроқ қилиш бир йилдан ортиқ давом этади. Ниҳоят Мунаввар Қори бошлиқ 87 қишининг «жиной иши» 1931 йил 25 апрелда Москвада СССР Халқ Комиссарлари хузуридаги Бирлашган сиёсий бошқарманинг (судлов) коллегияси мажлисида кўрилади. Айзенберг деган кимсанинг 20 минутлик маъruzasi бўйича 87 қишидан 15 таси, шу жумладан, Мунаввар Қори ҳам олий жазо — отиб ўлдиришга хукм қилинади. Қолғанлари узоқ муддатли сурунга юборилди. Уларнинг аксарияти сурундан қайтиб келмай, совуқ ўлкаларда ҳалок бўлди.

Мунаввар Қори қачон ва қаерда қатл қилинган? Бу саволга ГПУ ходимларининг ўзлари ҳам кейинчалик аниқ жавоб топа олмаган. 1957 йили коммунистик қатагон даври сирлари очила бошлагач, 87 қиши ҳақидаги тергов ҳужжатлари қайта ўрганилиб, улардан фақат 26 қишигина Ўзбекистон ССР Олий судининг Восиқова раислигига ўтган яширин судлов коллегиясида (5 сентябрда) оқланади. Шу коллегияга тайёрланган хulosा (хужжат)да шундай сўзлар ёзилган: «Абдурашидхонов М. Қ., Тиллахонов С., Икромов Г., Каримов М., Мусабоев Т., Мақсадов Т. Ҳ., Шораҳмедов Н. ва Аҳрорий С. А. ҳақидаги хукм қачон ижро этилганлигини текшириш жараёнида аниқлашнинг иложи бўлмади». Шуни айтиш лозимки, бу хур фикрли зотларнинг тақдиру такомили маълум. Истиқлол қурбони бўлди. Аммо уларнинг шаҳид бўлган куни, муборак қони тўкилган жой — пок хоклари макон топган азиз замин ҳамон аниқ эмас.

Шу нарса маълумки, «Вечерняя Москва» газетасининг 1992 йил 25 май сонида Мунаввар Қори ва яна тўртта ватандошимиз Москвада отилгани ҳақида хабар босилди. Лекин шунга қарамай, бошқа маълумотлар бу тўғрида ҳали жиддий илмий тадқиқот ва изланиш-

лар олиб бориш зарурлигини тақозо этмоқда. Ҳужжатлардан маълумки, кўп кишилар қамоқхонадаёт ҳалок бўлган.

Мустабид ва шовинизм ботқофига ботган коммунистик сиёсат ўз миллати, Ватани озодлиги, мустақил бўлиши учун курашган Мунаввар Қорини ном-нишонсиз йўқотиш, тарихдан ўчириб ташлашта ҳаракат қилди. Аммо бунинг иложи бўлмади. Чунки, у ўз ҳалқи қалби қаърида, тарих саҳифаларида абадийликка муҳрланган эди. Бошқача айтсак, Мунаввар Қорининг ҳаётий фаолияти, тарихий хизмати ҳақиқат ва адолат мисол чописа чопилмас, кўмса кўмилмас, ёқса ёқилмас-дир.

Биз ҳозирги пайтда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг улкан саъй-ҳаракати ва жасорати илиа тобора мустаҳкамланиб бораётган истиқлол, ижтимоий адолат ва демократия шарофати билан Мунаввар Қори «Хотираларим» асарининг учинчи қисмини қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Асар жадидчилик ҳаракати ва унинг кураш фаолияти ҳамда коммунистик фирманинг унга қаратилган сиёсатига бағишланган. Унинг ёзилиши ҳақида Мунаввар Қорининг ўзи асарининг учинчи қисмидаги «Менинг сиёсий бошқармaga берган ваъдам» бўлимида тўла маълумот беради.

Бу ерда азиз китобхонларни масаланинг бошқа бир томони ҳақида олдиндан огоҳ қўлмоқчимиз.

Асарнинг бизнинг қўлимиздаги қисми ўзбекчадан рус тилига таржима. У ўзбекча «Хотираларимдан» деб номланган. Шу боисдан биз унинг тўла номи «Хотираларим» бўлса керак деган тўхтамга келдик.

«Хотираларимдан»да жадидчилик ҳаракати ва жадидларнинг шўро давридаги кураши ҳақида, шу вақтгача бизлар билмаган тарихий воқеа ва ҳужжатлар ўрин олган. Бу ҳужжат 1929 йил ноябрь — 1930 йил июль ойларида қамоқхонада ёзилган ва муаллифнинг устидан қатлиом ҳукми чиқарилиши учун асосий айнома бўлган. Унинг бош қисмida Мунаввар Қори терговчиларни бироз чалғитишига ҳаракат қиласи. Бироқ, бунинг иложи бўлмаслигини англаган ҳолда, дарҳол бор ҳақиқатни очиқ-ойдин ёзади. Буни Мунаввар Қори «сирни» очиб, ўзи ва бошқаларнинг умрига завол бўлган экан, деган маънода тушунмаслик керак, албатта. Чунки, у мустабид коммунистик сиёсат исканжасидан ҳеч ким омон қолиб, чиқиб кетаолмаслигини, шунингдек, коммунистик хукмронлик ҳам узоққа

бормаслигини яхши билган. Шунинг учун миллат ва Ватан озод бўлиб ўз истиқолини қўлга киритишига ишонч ҳосил қилган ҳолда бор ҳақиқатни тарих учун, келажак авлод учун онгли равишда тўғри баён қиласди.

Қамоқхонадаги маҳбусларни ҳам маҳсус мурожаатнома ёзиб, уларни бор ҳақиқатни очиқ-ойдин айтишга даъват қиласди. «Маҳбусларга қаратса ёзган мурожаатнома, — дейди Мунаввар Қори, — уларни менинг йўлимдан бориб терговга тўғри жавоб беришита чакиридим». «Миллий истиқол» ташкилотининг фаолларидан бири Салимхон Тиллахонов эса терговга берган маълумотида шундай дейди: «Мунаввар Қори қамалишидан 2—3 ой олдин ташкилотнинг ҳар хил кишилар қўлида сақланнаётган архивини тўплаш зарурлигини менга айтиб бу архив материалларини эътибордан четроқда бўлган қишлоқларга тарих учун яшириб қўйишни уқтирган эди».

Хозирча, «Хотираларимдан» миллатга маънавий ота бўлиб мустақиллик учун ўзини аямай, ҳалқим деб ҳақ йўлида тик туриб шаҳид бўлган Мунаввар Қори ижодий меросининг бирдан-бир каттагина парчаси, холос.

Биз бу жадидчилик ҳаракатининг шўро давридағи фаолиятига оид топилдик, ҳозир ҳақиқат нуқтаи назаридан қайта тикланаётган она тарихимиздаги «оқ» ва «қора» доғларнинг тугатилишига бироз бўлса ҳам ҳисса қўшади деган умиддамиз. Шунинг учун ҳам уни ўз аслиятида бўлмаса-да, русчадан ўзбекчага ағдариб, азиз китобхонлар билан бирга баҳам кўришга шошилдик. Шунингдек, китобни мутолаа қилиш пайтида у қандай шароит ва сиёсий муҳит ҳамда мақсадда ёзилганини ҳам унутмаслик керак.

Сотимжон Холбоев

ХОТИРАЛАРИМДАН

МЕНИНГ СИЁСИЙ БОШҚАРМАГА БЕРГАН ВАЪДАМ

Бу 1928 йилнинг бошларида бўлган эди. Мени бошлиқ (СССР Бош сиёсий бошқармаси бўлимининг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги бошлиги — С.Х.) ўртоқ Бельский ўз олдига чақириб, жадидимиз пайдо бўлганидан буён бўлиб ўтган воқеаларни кенг ва хужжатлар асосида ёритишими алоҳида огоҳлантириди. Менга саволлар битилган бланка берди. Ўндаги саволларнинг бир қисмига ўзим жавоб беролмасамда, иккинчи қисмига эса бошқаларнинг ёрдамисиз жавоб бериш анча мушкул кўринди.

Унинг таклифини мен катта кувонч билан қабул қилдим, чунки шу баҳонада бўлиб ўтган воқеаларни тадқиқ қилиш ва тарихга молик бирор нарса қолдириш мумкинлиги тугилди. Шу билан бирга бу ишни бажарсан менинг ҳукумат олдидаги сиёсий мавқеми яхшиланармикан деган умид ҳам пайдо бўлди. Афғонистонга кетмаслигимга, биринчидан (у ердаги — С.Х.), Бачи Соқов қўзголони, иккинчидан эса мана шу таклиф сабаб бўлган эди.

Ёзмоқчи бўлгандаримнинг режасини тузиб, ўртоқ Бельскийга кўрсатдим. Бельский ва Агидуллин мен тузган режани мақсадга мувофиқ деб маъкуллади. Режада мен ёзиладиган хотирани уч даврга бўлган эдим. Биринчиси жадидизм пайдо бўлганидан то февраль инқилобигача, иккинчиси февраль инқилобидан октябргача, учинчиси эса октябрь инқилобидан ушбу хотиранинг тугашигача эди.

Мана шу режага кўра ўз хотираларимни ёзишга киришдим. 1929 йилнинг бошида унинг биринчи қисми, яъни 1917 йилгача бўлган хотираларимни ёзиб топширдим. Иккинчи қисмини 1929 йили ёзишга киришдим. Аммо менда ёзиш учун вақт жуда оз эди, сабаби, бу вақтда мен ишсиз эдим. Менинг оиласманда ўзимдан бошқа бирорта ҳам ишлаб пул топадиган киши йўқ эди, хотиним (Лазизахон — С.Х.) эса бу вақтда (тиббиёт билим юртида) ўқир эди. Ҳар куни уйда 9—10 соатлаб ўтириб, пайпоқ ва кўлпоқ тўқиши ва шу билан 2—3 сўм пул топиб оила тебратишга мажбур бўлдим.

Шундай ўта бир чекланган пайтда мен хотиралимни тез орада ёзиг тутата олмаслигим ўз-ўзидан аён эди. Шунинг учун (1929 йилнинг августларида бўлса керак) бу тўғрида Сиёсий бошқарманинг Шарқ бўлими бошлиги ўртоқ Агидуллинга мурожаат қилиб, ўзимнинг оиласиб ахволим ҳақида очик-ойдин сўзлаб бердим.

Агар хотира ёзиши тез орада тутатиш зарур бўлса, менга ёрдам беришлари кераклигини айтдим. Шунда у «Сизга қандай ёрдам бермоқ керак?» — деб сўради. Унга эса мен шундай дедим: «Менга маънавий ёрдам керак. Мен нафақа олиш учун ариза берганман. Агар сизлар томондан бироз таъсир бўлса мен нафақа оламан. Бу билан менинг ҳаётим бирозгина бўлса ҳам таъминланади».

Ўртоқ бошлиқ ёрдам беришга ваъда бериб, ёзганинг оз-оздан бўлса-да, кўрсатиб туришимни талаб қилди. Бу пайтда мен иккинчи қисмни охирлаштириб кўйган эдим. Бошлиқнинг буйруги билан мен бу қисмни тугалланмаган бўлмаса ҳам унга топширдим.

Ўртоқ бошлиқнинг ёрдамини кутиш билан бирга учунчи қисм учун материал излай бошладим. Аммо менинг қамоқقا олинишими сабабли бу амалга ошмай қолди.

Мен октябрь инқилоби арафасида ташкил топган «Иттиҳоди тараққий» (11) (Тараққийпарварлар жамияти) ҳақида ёдимда қолганларини олдин ёзиг берган эдим.

Жамият дастурини Усмонбек билан Ҳайдар Афандилар (12) тузган. Мен уни (туркчадан — С.Х.) ўзбек тилига афдарганман. 1917 йил августининг охирларида бўлса керак, менинг уйимда тараққийпарварларнинг Усмонбек раислигига бўлиб ўтган йиғилишида бу дастур қабул қилинди. Йиғилишда уч кишидан иборат раёсат ҳам сайланди. Унга раис қилиб Усмонбек, раҳбар бўлиб эса Ҳайдар Афанди сайланди. Учинчиси маҳаллий кишилардан бўлиши керак эди. Уни танлаш Усмонбек билан Ҳайдар Афандининг ўзларига топширилди. Мен октябрь инқилобигача бу жамият ишида қатнашиб келдим. Руҳонийлар ила бу жамият орасида келишмовчиликлар бўлиб турар эди.

Давлат (шаҳар — С.Х.) думасида бизлар эсер ва социал-демократлар билан иттилоқ тузган бўлишимизга қарамай, руҳонийларнинг вакиллари кўпчиликни ташкил этарди. Жамият октябрь инқилобидан кейин ҳам ўз ишини давом эттириди. Унинг аъзолари, дастурда кўрсатилгандек, бизнинг манфаатларимизга қарши бўлмайдиган ҳамма фирмаларга кириш хукуқига эга

эди. Шунинг учун баъзи бирорлар большевойлар, бошқалар эса эсерлар фирмаларига кирди. Мен ҳам бирор фирмага кириш истагида Ҳайдар Афанди орқали раёсатдан ижозат сўрадим. Раёсат менга ҳали хукumat мустаҳкам эмаслиги ва унинг яшаб қолиш-қолмаслиги даргумон бўлиб турганлигини баҳона қилиб, бирор сабр қилишни маслаҳат қилди.

Бу вақтда мен маориф соҳасида ишлар эдим. Шундай қилиб, мен 1919 йил, январ воқеаларигача (13) шу жамият раҳбарлигига бўлдим. У ўтган вақт давомида шўргога қарши фаолият кўрсатган эмас, аксинча ўз режаларини ҳаётта тадбиқ этиши учун Шўро хукуматини энг муносиб хукumat деб билади. Жамиятнинг режалари қуидагилардан иборат эди: 1) ёшларни аъзоликка жалб қилиш; 2) руҳонийлар билан кураш олиб бориш (14); 3) оқларни аниқлаш ва уларни имконияти бўлганида хукumat кўлига топшириш; 4) мактаб ишларини тартибга солиш; 5) турк ҳарбий асиirlарига ёрдам бериш ва уларни мактабларга ишга жойлаштириш.

Боку турклар томонидан босиб олинганидан кейин бизнинг «Иттиҳоди тараққийпарвар» жамиятимиз «Иттиҳоди тараққий» деб номланди. Охириг «парвар» сўзи олиб ташланди. Энди эса бу уюшма тараққиёт маъносини олади, олдин тараққийпарварлар уюшмаси эди. Шунинг учун кўпчилик бунга жиддий аҳамият бермайди, чунки жамият номига олдин ҳам «парвар» сўзи қўшиб айтилиши керак бўлса-да, «Иттиҳоди тараққий» деб номланар эди.

Мен бу ўзгаришнинг сабабини сўраганимда Ҳайдар Афандим шундай деб тушунтириди: «Бокуни «Иттиҳоди тараққий» жамиятини бошқарувчи турклар эгаллади. Шунинг учун алоқа қилиш осон бўлишини назарда тутиб, жамиятни «Иттиҳоди Тараққий» деб номладик». У яна олдинги раис Усмонбек кетиб қолганлиги, унинг ўрнига «Иттиҳоди тараққий» тарафдори бўлган Зиябек келганлигини ҳам айтди...

Менинг оқларга қарши олиб борган ишларимдан бири: 1918 йилда бир куни менинг олдимга Назаров С. исмли ўрис келиб, бир неча кун жой бериб туринг, деб илтимос қилди. Мен рози бўлдим. У менинида икки кун турди. Бу орада менга унинг шўро хукumatiga қарши киши эканлиги маълум бўлди.

Хукumatning амалдаги қонунига асосан, мен бу тўғрида шўро вакилига хабар бердим. Бу пайтда Эски шаҳар қўшин (отряди) бошлиги Низомиддин Хўжаев

эди. Уни бошқа хонадонга (квартирага) кўчириш баҳонасида бир кузатувчи билан шаҳарга жўнатдим. Хадрада уларни Низомитдин Хўжаевнинг одамлари кутиб турар эди. Шу ерга келганида кузатувчи ишорасига кўра Назаров қўлга олинди.

Бир неча воқеалар бўлиб ўтганидан кейин, ҳаммада шўро ҳукумати мустаҳкамланиши ва яшаб қолишига тўла ишонч ҳосил бўлгач, жамият ҳаёти ва унинг келажакда иш олиб бориш-бормаслиги масаласи бизларни қизиқтирумай қўйди. Бунга зарурият ҳам йўқ эди. Мен большевиклар фирмасига киришга қарор қилдим. Жамият раёсати бунга қаршилик қилмади, аксинча куйидаги мазмунда қарор қабул қилди: «Шўро ҳукуматининг яшаб қолишига шубҳа барҳам топиши муносабати ҳамда жамиятнинг ғояларини (гафлатга қарши маданият учун кураш) ҳукумат билан иттифоқда амалга ошириш осон ва мақсадга мувофиқ эканлиги туфайли у тутатилсин, унинг аъзолари Мунаввар Кори ва бошқаларга бошланган ишни давом эттириш учун большевойлар фирмасига киришга рухсат этилсин!» (15).

Шу пайтдан бошлаб мен жамиятдан чиқиб, фирқа сафиға кирдим. Жамиятнинг тарқалиб кетишига қуидагилар ҳам сабаб бўлди: 1) Аъзолар ўртасида интизомнинг бўшашиб кетиши; 2) Туркия маглубиятга учраши билан «Иттиҳоди Тараққий» тарафдорларининг раҳбарлик лавозимларидан олиб ташланиши; 3) Маблагнинг йўқлиги; 4) Жамият раёсати ва аъзоларига нисбатан ишончсизлик муносабатининг кучайиши.

Ҳозирда унинг дастлабки пайтларидан иш бошлаган кишилардан мендан бошқа бирортаси ҳам қолмади. Унга кейинги пайтларда кирганлардан қуидагиларни билман: Саъдулла Хўжа, Отахон (16), Убайдулла Хўжаев (17). Жамиятнинг Тошкентдаги аъзолари кўп эмас эди. Уларнинг сони 50 та етмаса-да, обрўси жуда юқори даражада бўлган. Жамият тарқалганидан фақат унинг аъзоларигина хабардор эди. Шунинг учун ҳам ундан кўпчилик кишилар бехабар бўлган.

ЯНВАРЬ ВОҚЕАЛАРИ ВА «БИРЛИК» УЮШМАСИ

Январь воқеалари муносабати билан уламолар фирмаси бир неча соат ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, ғалаба қозонди. Бу имкониятдан улар бутунлай тараққийпарварлардан ўч олиш учун фойдаландилар. Та-

раққийпарвар большевойлар фирмасига аъзоми, аъзо эмаслиги сўраб суриштирилмай, излаб топилиб калтакланаверди.

Бу шуни кўрсатдики, тараққийпарварлар билан большевойлар фирмаси аъзоларининг манфаатлари бирбирига яқин. Шунинг учун «Бирлик» уюшмасини ташкил этиш лозим деб топилди. Бу тараққийпарварлар аъзоларидан фирмага кирган ва кирмаганларни бирлаштирап эди. Эски шаҳардаги босмахона (ўша пайтда штаб эди) биносида уч юзга яқин киши, фирмә аъзолари, фирмасиз хизматчилар ва тараққийпарварлар тўпланиб, «Бирлик» жамиятини ташкил этдилар (18).

Бу йиғилишда бир-биримизга ёрдам беришга келишиб олдик. Бирлашишдан мақсад ёшларни большевойлар фирмасига жалб қилиш ва уларни турли кутилмаган воқеаларга тайёрлашдан иборат эди...

Жамият 2—3 йил яшади. Ёшларнинг кўпчилиги фирмага кирганидан кейин, у ўз-ўзидан тугаб кетди. Энди унинг учун зарурият ҳам қолмаган эди. Шу вақтда Москвадан Мустафо Субҳий, Мавлавий ва Габировлар келади. Улар Шайҳонтоҳурда катта митинг чақириб, «Шарқ озодлиги» уюшмасини ташкил этади. Бунга фирмә ва фирмасизлар аъзо бўлади. Бу жамият шўро ҳукуматини қўллаб-куватловчи руҳда ташвиқот олиб бориб, уни омма билан яқинлаштириш ва мусулмонларни Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон олдида обрўсини кўтаришга ҳаракат қиласди.

Жамият дастурини ўқиган эмасман, шунинг учун унда нима ёзилганини билмайман. Жамиятта Мустафо Субҳий бошчилик қилган.

VIII ҚУРУЛТОЙ ВА «МИЛЛИЙ ГУРУҲ»

«Иттиҳоди тараққий» тарқатилганидан кейин тараққийпарварларнинг кўпчилиги фирмага кириб сидқидилдан ишлай бошлади. Бу вақтда ҳозиргидек синфиий онг унча ривожланмаган эди. Үрисларнинг ўзи маълум даражада мустамлакачилик кайфиятида бўлдилар.

Маҳаллий коммунистларга марказдан юборилган Кобозев (19) раҳбарлик қилди. Шу пайтда VIII қурултой чақирилди (20). Унда маҳаллийлар билан овруплоликлар ўртасида душманлик муносабати пайдо бўлди. Фаоллар ва «миллий»лардан иборат икки гуруҳ юзага келди. Биринчи гуруҳни Казаков, иккинчисини эса Ко-

бозев бошқарди. Ҳар бир гурухнинг ўзи алоҳида-алоҳида мажлис чақирди. Кобозев маҳаллийларга, Казаков оврупаликларга раҳбарлик қилди. Бу пайтда Оренбург темир йўли тозаланиб, ҳукумат вакиллари кела бошлиди. Кобозев галаба қозониб, жумхурият раиси бўлди. Марказдан Элиава бошчилигига Турккомиссия келди. Маҳаллий коммунистларнинг руҳи анча кўтарилиб, ишга киришиб кетди. Аммо бу кўрсатилган миллий гурухнинг «миллий» номи Москвага янги ҳукумат таркиби миллатчилардан иборат деган холоса чиқаришга баҳона бўлди. Шунинг учун ҳам бирордан кейин унга ҳужум бошланиб, оқибат натижада тарқатиб юборилди. Бир гурух коммунистлар «Рискуловчилар» деб номланниб, кувғин қилина бошланди. Командировкага юбориши баҳонасида ишдан бўштиш кучайди. Мен бу вақтда Маориф Халқ Комиссарлиги аъзоси ва турк бўлими раиси бўлиб ишлардим. Бошқалар қатори мен ҳам ишдан олиндим.

Менимча, «раҳбарликдаги ташкилотлар» деган фалсафанинг маъноси мана шундан иборат. Аслида эса, бу пайтда коммунист ва коммунист бўлмаган хизматчилик орасида ҳеч қандай «ташкилот» йўқ эди. Ҳамма соғдилик билан хизмат қиласди. Юқорида кўрсатилган ҳукумат таркибидагилар тарқатиб юборилганидан кейин маҳаллий коммунистларнинг ўрисларга нисбатан муносабати ёмонлашди. Энди уларнинг ҳамма орзумидлари марказдан келадиган Турккомиссияга қаратилишидан бошқа иложи йўқ эди.

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ҚУРУЛТОЙИ ВА АНВАР ПОШО БИЛАН БЎЛГАН ВОҚЕА

Бу вақтда Шарқ халқарининг Курултойи (21) чақирилди. Унга турли миллатлардан фирмали ва фирмасиз делегатлар сайланиб, Бокуга Гиллер раҳбарлигига юборилди.

Гиллер йўлда ўзини ёмон тутди. У ўз котибаси билан алоҳида купени эгаллаб, ўзларига 3—4 хил таомдан иборат яхшигина нонушта ва тушликлар буюрар эди. Бошқа делегатларга эса бу вақтда фақат биттадан таом бериларди. Шу туфайли ҳамма делегатлар унга нафрат билан қарайдиган бўлдилар. Бокуда Курултой очилишига тайёргарлик кўрила бошлиди. Ҳар қайси давлат делегатларига ўз ораларидан раёсат ва фракция аъзоларини сайлаш топширилди.

Иккинчи куни Зиновьев (22) Курултойга ўзи билан бирга Анвар пошони (23) олиб келди. Курултойда Туркестон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа давлатларнинг вакиллари ҳам қатнашади.

Делегатларнинг кайфияти жуда юқори эди. Эрон, Афғонистон ва Туркестонда шўро ҳокимияти ўрнатилади, деб ишонарди ҳамма. Зиновьевни кутиб олиш учун чет эл делегатларидан бошқа ҳамма вокзалга чиқди. Унинг поезди мусиқалар остида, тантанавор кутиб олиниди, ҳамма у билан учрашиш ва фикр алмашиш умидида эди. Аммо у узоқдан туриб саломлашгач, автомобилга ўтириб шаҳарга жўнаб кетади. Бундан кўпчилик норози бўлиб қолди.

Иккинчи куни фракциялар мажлиси бўлди. Курултой раёсатига Рискулов (24) ва мен кирдим. Шу сабабли Курултой охиригача Зиновьев билан тез-тез учрашиб туришга тўғри келди. Курултойнинг биринчи мажлиси жонли ўтди. Делегатлар номидан Англияга норозилик эълон қилинди. Анвар пошонинг Курултойда қатнашши албатта сезилиб турди. Курултойда маъруза вақтида ҳам делегатлар навбат билан унинг ложасига кириб, қўлларини ўпиди, тавоф қилдилар. Анвар раёсатга мурожаат қилиб, сўз сўради. Бу масала икки кун муҳокама қилинди. Курултой ва фракциялар кенгашларида Анвар пошо илтимосига рад жавоб қилинди. Шундан сўнг у ёзма равишда илтимос қилди. Афанди Зода Анвар пошонинг илтимосини Курултой аҳлига ўқиб эшигтириди. Шу туфайли Зиновьев билан раёсат сезиларли ихтилоф юзага келди. Зиновьев ўзи Анварни Курултойга бошлаб келиб, унга сўз бермай, жуда катта хатога йўл кўйди. Шундан сўнг делегатлар билан учрашув вақтида ҳам Зиновьев улар билан дўстона муносабатда бўлмади. Бу ҳолат эса чет эл ва шўро-ҳукумати делегатларнинг унга бўлган муносабатини ўзгартириб юборди. Ҳурмат-эҳтиром ва самимият бутунлай йўқолди. Туркестон делегатлари ҳам Зиновьевдан норози бўлдилар. Курултой ўз ишини Шарқ халқлари кенгашига вакиллар сайлаш билан тутади. Мен ҳам бу кенгаш таркибига кирдим. Курултой ёпилгандан сўнг Туркестон коммунистлари Рискуловдан нима учун ишни ташлаганлиги тўғрисида баёнот беришни талаб этди. Рискулов бу тўғрида Зиновьев иштирокида бўлиб ўтган йигилишда маъруза қилди, у айтилган сўзларни асосли деб тан олди. Шу йигилишда Москвага делегация юбориладиган бўлди. Делегация таркибига Рискуловнинг ўзи ва Жўрабоев кирди.

Улар Москвага жүнаб кетди, бизлар эса Тошкентта қайтдик.

Бокудалигимда Анвар пошо билан икки марта учрашдым (25). Бириңчи марта қурултой мажлисіда мен раесатда иккі-уч киши билан ўтирган әдім, Анвар индамай келиб, үз илтимосномасини менга берди. Орамизда ҳеч қандай сўзлашув бўлмади. Унинг хатини мен Зиновьевга бердим. Иккінчи марта уни Догистон вакиллари ва бир неча туркистонликлар жойлашган денгиз қирғоғидаги уйда кўрдим. Бир куни Анвар пошо келиб араб тилида сұхбат ўтказди, деган хабарни эшишиб, уни иккінчи қаватда кутиб турдик. Бирордан сўнг Анвар пошо келиб, бизлар билан 15 дақиқа сұхбатлашди. У айтдик, шўро ҳукумати Шарқ халқларининг фойдасига катта ишларни қўлмоқда. Шунинг учун ҳам уни қадрлаш ва қўллаб-кувватламоқ лозимдир. Яна у шўро ҳукуматидан фойдаланиб, үз болаларингизни ўқитингиз деб бизга маслаҳат берди.

Заки Валидий билан мен бир марта учрашдим. У қурултойга қўйилиши тўғрисидаги ўз аризасини Зиновьевга беришимни мендан илтимос қилди. Мен рад этдим, кейин у буни Жонузоқов орқали амалга оширеди. Эшишишмча, Зиновьев хатни жавобсиз қолдирган. Бизлар Тошкентта қайтиб келдик. Бу пайтда фирмә қурултойи (26) бўлаётган әди. Мен бу қурултойга Шарқ халқлари кенгашидан делегат қилиб белгиланган әдім. Бу тўғрида фирмә қурултойига телеграф орқали хабар берилган.

Фирма қурултойида бизнинг вакил Гиллер Шарқ халқлари қурултойи якунлари тўғрисида маъруза қилди. У Боку йўлида делегатлар билан ўзи ўртасида бўлган келишмовчиликларга ҳам тўхталди. Ҳамма айни делеятларга ағдариб, уларни миллий оғмачиликда айблади. Шунинг учун бўлса керак, фирмә қурултойи иши давомида менга Шарқ халқлари кенгаши юборган телеграмма тўғрисида хабар берилмади. Телеграммани мен қурултойдан кейин Бухорода олдим.

БУХОРО ВОҚЕАЛАРИ

Биз Бокудалигимизда Бухорода инқилоб бўлди. Амир қочиб кетди. Ҳокимият ёш бухороликлар қўлига ўтди. Бу вақтда Туркистонда гуруҳбозлик кучли әди. Гоҳ улардан бири, гоҳ иккинчиси ғалаба қиласади. Мағлуб бўлганларни голиблар Ҳоразм ва бошқа шу

каби ўлкаларга юборишарди. Буни бизлар «фаҳрли бадарга» деб атардик.

IX қурултойдан (27) сўнг Рисқулов гуруҳи бутунлай енгилди. Тўракулов (28) гуруҳи ғалаба қилди. Бизлар (Рисқулов тарафдорлари) мағлублар қаторида «командировка» олишимиз керак әди. Шу сабабли Бокудан қайтганимдан кейин мени Шоҳид Аҳмадиев Маориф Халқ Комиссарлигига чақириб Бухоро Халқ Маорифига, Қори Йўлдош ихтиёрига юборди. Мени у коллегия аъзоси қилиб тайинлади. Шу билан бирга менга Бухорони озиқ-овқат билан таъминлаш вазифасини ҳам юклади. Вазифам аниқ бўлгач, мен Тошкентдан оиласми кўчириб келиб ишга киришиб кетдим. Орадан тўрт ой ўтгач, адашмасам 20 март бўлса керак, Туркистон МИҚ мени Тошкентта қайта чақириб олиб, илмий кенгаш аъзоси қилиб тайинлади. Бир неча кундан кейин, 31 март куни Тошкентда бошқалар қатори мени ҳам қамоққа олишди.

БУХОРО ВОҚЕАЛАРИ ХУСУСИДА

1920 йили Бухоро арки олдидаги майдонда октябрь байрамига бағишлиланган катта митинг бўлиб ўтди. Марказ вакили (Куйбишев бўлса керак) нутқ сўзлаб, Москва мустақил Бухоро Халқ жумхуриятини тан олганлигини тантана билан эълон қиласади. Ундан сўнг сўзга чиққан Мирза Қори Муҳиддинов митинг бўлиб турган майдон «Бухоро мустақиллиги майдони» деб номланганлигини эълон қиласади.

Файзула Хўжаев октябрь байрами ва Бухоро мустақил бўлганлиги билан табриклаб нутқ сўзлайди. Шу кундан бошлаб ёш бухороликлар «мустақиллик» сўзини тез-тез қўллайдиган бўлдилар ва унга эришишга ҳаракат қила бошладилар.

Бухороликлар орасида норозилик кучайиши туфайли Турккомиссия Бухоро ички ишига аралашмайдиган бўлди. Бухороликлар «бу инқилобми ёки босиб олими?» деб сўрардилар. Бу норозилик тобора авж олади. Бирмунча вақт ўтгач, Бухорога Турккомиссия аъзоси Сафаров келди (29). У мени Ревкомга чақириб, Бухоро ходимлари орасидаги вазият ҳақида сўради. Бу ерда бош кўмондон Зиновьев ва таржимон Еникеев ҳам бор әди.

Сафаров мендан бухороликлар инқилобга қандай муносабатда эканликлари ва Шарқий Бухороликлар нима

учун амирни қўллаб-қувватлаётганликлари сабабини ҳам сўради. Мен ҳеч нимани яширмай, бухороликлар мустақилликка интилаётганликлари ва улар ҳозирги аҳволдан норози эканликлари, шунинг учун улар «бу инқиlobми, ёки босиб олишми?» деган саволни ўргатга ташлаётганликларини айтдим. Мен яна шуни ҳам таъкидладимки, Шарқий Бухорода (Қизил Армия — С.Х.) бўлинмалари отларни масжидларга боғлаб қўйиб, ўзлари эса уйма-уй юриб талончилик билан шугулланмоқда. Шундан сўнг Сафаров Ревком мажлисини чақириб, ҳукумат вакилларини қаттиқ ҳақорат қилади.

Сафаров жўнаб кетганидан сўнг ҳукумат вакиллари ўзаро йиғилиш ўтказиб, Москвага хат ёzáди. Унда агар Сафаров ўз муносабатини ўзгартирмаса, бизлар ҳаммамиз ишлашдан бош тортамиз, деб огоҳлантирилади. Москва бу огоҳлантирувни олганидан сўнг Сафаровга Бухоро ички ишларига аralашмасликни тавсия этади. Мазкур воқеалардан сўнг Бухорода турклар раҳбарлигига «Бухоро истиқтоли» жамияти ташкил топади.

Бу жамиятнинг асосий мақсади унинг арбобларидан бири Ҳошим Шоиқнинг сўзларига кўра, қўйида гилардан иборат бўлган: Бухоро мустақиллиги ва инқиlobчилигини ҳимоя қилиш, иккинчидан эса, Шарқий Бухоро ва қишлоқлар оммасини жамият номидан инқиlobий ҳаракат билан боғлаш, чунки бу вақтда Бухорода коммунизм номидан иш олиб бориши мумкин эмас эди. Мен Ҳошимдан жамият орқасидан ким эргашади, деб сўраганимда, у шундай деб жавоб берди: «Бухоро мустақиллиги ва инқиlobчилигига меҳрмуҳаббати бор бўлган барча бухороликлар».

1929 йил 18 декабрь

Менинг ёзган китобларим ва мафкурамга нисбатан 1925 йилдан бошлаб матбуотда жуда кучли ҳужум бошлиди. Буларнинг айримларида бир оз ҳақиқат бўлсада, кўпчилиги ҳеч қандай асосга эга эмас эди. Табиий равишда, мен уларга тоқат қилолмадим. Шу сабабдан Тошкентни бутунлай тарк этишга, Москвага бориб, у ерда қолган умримни ўтказишга, рус тилини ўрганиб, бирор иш билан шуғулланишга азму қарор қилдим.

1926 йилнинг охирида ўз оилас билан расман алоқани узиб, Москвага жўнаб кетдим. Йўл-йўлакай, Қизил Ўрдада тўхтадим. У ерда ўртоқ Рисқуловни учратиб, унга ўз мақсадимни айтдим. У менинг мақсадим-

ни маъқуллаб, ёрдам беришга вайда қилди. Шундан сўнг Қозон ва Нижний Новгород орқали Москвага келдим. Бу ерда Тўракулов билан учрашдим. У ҳам менинг Москвада яшаб қолишимни маъқуллади. Шу орада (Туркистон — С.Х.) Халқ Комиссарлари Кенгаши раисининг ўринbosари Рисқулов Москвага келди.

Уларнинг ёрдамида мен Шарқ халқларини ўрганиш қўмитасида ишлаш ва унинг институтида ўқишига қарор қилдим. Қўмита раёсати мени яхши қабул қилди. Мени Ўзбекистонга ажратилган учта жойдан бирида расмий йўлланма билан қабул қилишмоқчи бўлди. Қўмита расиси бу пайтда Москвада бўлган Акмал Икромовга хат ёзиб, менга маҳсус йўлланма беришини илтимос қилди. Ўзим ҳам Акмал билан шахсан учрашиб, ёрдам беришини илтимос қилдим. Мен Акмал Икромовга Ватандан ташқарида яшашга қатъий қарор қилганлигими ва энди ҳеч ҳам Ўзбекистон тупроғига қадам кўймаслигимни айтдим. А. Икромов эса, шундай деди: «Агар Сизнинг Ўзбекистондан бадарга бўлишингизга зарурият бўлганида, буни биз ўзимиз амалга оширган бўлар эдик. Сиз Ўзбекистонга қайting. Мен ўзим Сизга йўлланма топаман».

Бу вақтда менинг «миллатчи» сифатида бадном қилган ўша ватан ва ўша миллатдан бутун умрга алоқани узиб, шўро ҳукумати пойтахтида яшаш, қўлимдан келганича илмий иш билан машғул бўлишга ва ниҳоят шу ерда қазо топишга қарор қилганлигим қатъий ва узил кесил эди (30). Шу мақсад учун расмий равища ўз оилас билан алоқани узган, ҳовлини оила аъзоларимга бўлиб берган, шунингдек, унинг бир қисмини эса маориф учун хайру эҳсон қилган эдим.

Икромов берган вайда бўйича Тошкентга қайтиб, у ердан Самарқандга ўтдим. Шарқ халқларини ўрганиш қўмитаси берган хатни маориф халқ комиссариятида қолдирдим-да, яна Тошкентта бориб, ўз ишларим билан машғул бўлдим. Бир ойдан сўнг маориф халқ комиссарлигидан хабарнома олдим, унда мана бу сўзлар ёзилган эди: «Сизнинг аризангизни рад қилишга қарор қилинди, ўрнингизга бошқа киши юборилади». Кутимаган бу жавоб мени бутунлай умидсизлантириб қўиди. Бу пайтда ўқув мавсуми бошланган эди. Мен яна ўқитувчи бўлиб ишга киришга мажбур бўлдим. Бироқ мен учун ҳаёт Тошкентда кундан-кунга оғирлашиб борди, менга бўлган тажовузлар тўлқини олдинги жабрзулм ва руҳий эзилишлардан ҳам ортиб кетди. Буларга

жавобан мен мақолалар ёзсам, улар матбуотга етиб бормас эди. Бу маломатлар менинг мағкурам чегарасидан чиқиб, оиласив ҳәстимни ҳам оёқ ости қила бошлади. Менинг ўз мағкурам ва шахсий оиласив турмушимга нисбатан бўлган ҳужум ҳаддан ташқари салбий эди. Мана шулар, ниҳоят, менда қандай йўл билан бўлса-да, Ўзбекистондан чиқиб кетиш фикрини уйғотди. Бу фикр менда тобора ортиб борди. Менинг бутун вужудим эса, қаергадир кетиб, ўша ерда ишда қолиш масаласи қамраб олди. Агар мен йўлланмасиз Москвага кетганимда яшаш жуда қийин бўлар эди. Бордюю, Қозогистон ёки Туркманистонга кетганимда ҳам барибир менга тинчлик беришмасди. Татаристон ва Озарбайжонда эса мен каби одамларга иш топилиши амри маҳол эди.

Мен жуда кўп ўйлай-ўйлай, юз берган аҳволдан чиқишининг энг мақбул йўли Афғонистонга чиқиб кетиш ва у ердаги афғон ўзбекларининг қолоқ маорифи таркибидаги мактабларда ишлаш бирдан-бир тўғри йўл деган фикрга келдим. Мен учун энг севимли ишим, бу — ўқитувчилик эди. Афғонистонда мен каби ўқитувчиларга талаб кучли эканлигини билганим учун у ерда яшашни мақсадга мувофиқ деб топдим. Лекин у ерга қандай қилиб бориш мумкин эди? Қочиб кетиш нотўғри эди, чунки бу ерда бўлганидек, у ёқда ҳам ушлаб олиш эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Бундан ташқари, мен қочоқликни истамас эдим. Шунинг учун афғон консули билан танишишга, агар имконият бўлса унинг илтимосига кўра расмий равишда Афғонистонга кетишга қарор қилдим. 1927 йилнинг ноябрь ёки декабрида кўчада тасодифан Мозори Шарифлик Мансур Хон деган бир афғонни учратиб қолдим, унинг афғон консули билан яқиндан алоқаси бор эди. Маҳаллий савдо-гарларнинг кўпчилиги билан олдиндан алоқаси бўлган бу ёш афғон йигити менга ҳам таниш эди. Ундан мен афғон консули билан таништириб кўйишни илтимос қилдим. 10—15 кундан кейин мен яна Мансур Хонни Ўрдадаги Қизил чойхонада учратиб қолдим. Уни бир пиёла чойга таклиф қилиб, ўз илтимосимнинг натижасини сўрадим. Мансур Хон менинг илтимосимни консулга етказгани, у эса мен билан гаплашишга рози бўлганигини айтди. Шу билан бирга у консул билан менинг йўқлигимда уйимга келиб хат қолдириб кетиб-

ди. Хатда у қайсиdir кун (аниғи эсимда йўқ) кеч соат 7—8 ларда уйда кутиб туришимни кўрсатибди. Белгиланган вақтда мен уйда Мансур Хонни кутиб турдим. У тахминан соат 8 да келиб, мени 1-Қиёт кўчасидаги уйга олиб борди. Бу ерда кичкинагина хонада жуда ориқ бир киши ўтирас эди. Мансур Хон мени у билан танишилди. Соглиқ-саломатлик тўғрисида гаплашиб ўтирдик. Кейин мен унга ўз мақсадимни билдиридим. У менга ҳозирги пайтда Афғонистонда ўзбек ўқитувчиларига талаб катта бўлганилиги, яқинда Кобулдан хат олганлиги, унда ўқитувчилар топиш илтимос қилинганилиги, агар топилса, бир эмас, бир нечасини Афғонистонга юборишга тайёр эканлигини айтди. Шундан сўнг у мендан бу ердан у ёққа борадиган ўқитувчилар топиладими, деб сўради. Мен унга, агар тегишли давлат ташкилотларининг расмий рухсати орқали бўлса, бир неча ўқитувчи топиш мумкин, норасмий йўл билан ҳеч ким рози бўлмайди, чунки уларнинг бу ерда оиласи бор, барибир уни йўқлаб туришлари керак, норасмий йўл билан кетса, улар қайтиб келолмаслигини айтдим. У мендан бу ердаги маданий ривожланиш ҳақида сўради. Маданият кутилганидан ортикроқ даражада, жуда тез ривожланётганлигини айтдим. У менинг фикримни тасдиқлаш билан бирга амир бошқараётган Афғонистонда ҳам маорифга катта эътибор берилмоқда деб айтди. Афғонистонга ўқитувчиларни юбориш масаласида у аввал, Кобулга хат ёзиши, жавоб олганидан кейин эса маҳсус рухсатнома олиш учун ҳаракат қилишини билдириди. Менинг тўғримда эса, агар мен норасмий кетишга рози бўлсан ёрдам беражини тушунтириди. Мен рухсат олмай туриб кета олмайман ва қўрқаман дедим...

Шундай қилиб, мени ва ўқитувчиларни (Афғонистонга — С.Х.) юбориш масаласи Кобулдан жавоб келгунicha очиқ қолдирилди. Кейин эса иккинчи марта Бачи Соқов кўзголони бостирилгунча кечикирилади. Бачи Соқов ғалаба қозонганидан кейин эса бу масаладан бутунлай воз кечиб, нафақа олишга ҳаракат қила бошладим. Мен нафақа олганимдан кейин, уйдан ҳеч қаёққа чиқмай, оммадан ажралган ҳолда ўз хотиралимни ёзib тутгатаман деб ўйлаган эдим. Аммо менинг бу режам амалга ошмади.

Намангандаги ташкилоти вакили иккинчи марта келганида маҳаллий ерлик ва овруполиклардан ташкилот топган қандайдир ташкилот кишилари Фарғонада ташви-

қот олиб бораётганлигини айтди ва улар билан bogла-
ниш керакми деб сўради. Мен куйидагиларни ҳисобга
олиб улар билан алоқа қилмаслигини маслаҳат бер-
дим: агар бу ташкилотда овруполиклар қатнашаётган
бўлса, бу оқ гвардиячи ташкилот бўлади. Туб жойлик-
ларнинг соддалигидан фойдаланиб, бу ташкилот улар-
нинг пулини ўмаришга ҳаракат қиласи ёки уларни ал-
даб, бирор кўзголонга тортиши мумкин эди.

Фарғона халқи жуда қизиққон бўлади, жаҳли тез,
шунинг учун осонгина қармоққа илиниши ва эндиғи-
на тикланяётган Фарғона хўжалигини вайрон қилиши
ва уни қон билан қориши мумкин. Мана шу даҳшат-
ларни ҳисобга олиб мен унга юқоридаги маслаҳатни
бердим. Уни яна қўрқитиши мақсадида ГПУ (Бош Сиё-
сий бошқарма — С.Х.) деган ташкилот борлиги ва у
бундан бехабар бўлмаслигини ҳам айтдим. Балким, омма
кайфиятини синаш учун бу хабарни тажриба сифатида
ГПУнинг ўзи ҳам тарқатган бўлиши мумкин. Шунинг
учун эҳтиёт бўлиш кераклигини таъкидладим...

1917—1918 йилларда мавжуд бўлган «Иттиҳоди та-
раққий» жамиятининг айrim тармоқлари жойларда,
масалан, Наманганда ҳам ташкил топган эди. Унинг
аъзолари кимлар бўлганлигини билмайман, аммо улар-
нинг орасида Зайнуддин Қори ва Фоуржонов борли-
гини билардим. Эсимда, ўша пайтда Тошкент, Фарғо-
на ва Наманган ўртасидаги алоқа Сирожиддин Хон ва
Наби орқали амалга оширилган эди. Лекин «Миллий
иттиҳод» жамияти даврида ким орқали алоқа олиб бо-
рилгани эсимда йўқ, аммо жамият мавжуд бўлиб,
Тошкент билан алоқада бўлганлигини эшитганман. Ўзим
эса 1917 йилдаги қурултойда муҳторият эълон қилин-
ганидан кейин Фарғонада бўлмадим. Зайнуддин Қори-
ни охирги марта 1920 йилда Бокудаги Қурултойда уч-
ратган эдим. Орадан 6—7 йил ўтгач, бир киши Зайнуддин Қорининг хати билан олдимга келди. У менга
қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди: «Эски таш-
килот ишлайтиими, унинг маркази қаерда? Афғонистон
орқали ҳажга борадиган кишиларга афғон консу-
лидан ижозатнома (виза) олишга ёрдам бера оласиз-
ми?» ва ҳоказо. Умуман у ташкилотга тегишли савол-
ларни берди. Мен бу саволларга кимдан, бир Қори акам-
дан эмасми деб сўрадим.

У бу саволларга биргина Қори номидан эмас, бал-
ки бутун бир ташкилот 5—6 кишидан деб айтди. Шун-
да мен ундан Ҳожи аканинг мақсад ва нияти тўғриси-

да сўрадим (31). Ҳожи ака Ҳиндистонда, сўнг Маккада
ҳажда бўлган экан. Ҳиндистонда яшаб, ўқитувчи бўлиб
ишлигани олим кишилардан, ҳозир эса у иш масаласи-
да жуда қийин аҳволда, шунинг учун ҳам четта кетиш
ҳаракатида экан.

Бу вақтда мен ўқитувчилар масаласида Афғонистон
консули билан гаплашиб олган эдим. Шунинг учун
Афғонистон ҳозир ўқитувчиларга муҳтоҷ, ижозатнома
олиш мумкин, ҳожи менинг олдимга келса ёрдам бе-
раман деб ваъда бердим. Ташкилот масаласида мен у
билан аллақачон алоқани узганман, шунга қарамай,
агар жуда зарур бўлса, бу тўғрида кейинги учрашгани-
мизда бирор нарса айтиш мумкин дедим. Мен уларни
умидсизлантириларга кўра таш-
килот тутатилганлигини айтмадим:

Унинг гапидан аниқ бўлди, Наманган ташкило-
ти ҳали мавжуд, у ишлаб турибди. Агар мен бу ер
(Тошкент — С.Х.)даги ташкилот тутатилган деб айтсан
ҳам, барибир Наманган ташкилоти фаолиятини тугат-
май, ўз ифлос ишини давом эттиравериши, унга янги-
янги кишиларни жалб этавериши мумкин эди [32]. Бу
ташкилот менга ёқмади. У эшон, мулла ва савдогар-
лардан тузилган бўлиши мумкин, чунки унинг боши-
да Зайнуддин Қори турибди. Мен улар билан, бу таш-
килот билан яқинроқ танишиш, унинг таркибидағи
зиёлиларни турли баҳтсизликлардан асраш ва уни ГПУ
олдида фош қилиш, шу билан ГПУ ишончини қозо-
ниш мақсадини кўнглимга туккан эдим... [33].

Мен 1904 йилдан 1921 йилгача, яъни қамоққа
олинган кунга қадар, маҳаллий халқ орасидаги таш-
килотлар ишида фаол қатнашдим. Уларнинг кўпчили-
гига раҳбар бўлдим, 1921 йилдан то Ўрта Осиёда
миллий чегараланиш ўтказилгунча ташкилотларнинг
биортасида ҳам қатнашмадим. Ташкилотларнинг бор-
лиги ва ишидан хабардор бўлсан-да, уларнинг ишига
аралашмадим. Шунингдек, ташкилотларнинг ишида
қатнашиш ҳеч кимга ҳам ман қилинмаган эди. Уму-
ман, ташкилотлар масаласида менинг қулогим кар,
кўзим кўр эди.

Миллий қайта чегараланишдан кейин мен ҳар қандай
советларга қарши хуфия ҳаракатга муросасиз
бўлдим [34]. Менимча, ўша пайтда қандайдир яширин
ташкилот тузишнинг ҳеч иложи бўлмаган, чунки бир-
порта ҳам яширин ташкилот ГПУ эътиборидан четда
қолиши мумкин эмас эди.

Мен Бухородалигимда Тошкентда олдинги «Иттиҳоди тараққий» ўрнига «Иттиҳоди миллий» [35] ташкилоти барпо этилганлиги тўғрисида хабарнома олдим. У турк тилида ёзилган бўлиб, Ҳайдар Афандига тегишли эмас эди, чунки менга унинг дастхати жуда яхши таниш. Бу хабарни мен Саъдулла Ҳўжа, Кушбегиев ва Али Расуловларга бердим, улар ҳам бундан хабари борлигини айтдилар. Бу ташкилотнинг раҳбарлари ким, у қандай дастур асосида ишлашини, ўз низомига эга ёки сабиқ «Иттиҳоди тараққий» низоми бўйича ишлайдими, менга юборилган хатни турк тилида ким ёзган — буларни бирортамиз билмас эдик.

Мен бу ташкилот бошида Ҳайдар Афанди ва Садриддинхон турган бўлса керак деб гумон қилдим ва Ҳайдарга «Иттиҳоди миллий»нинг дастури ва низомини юборишни, унинг марказий қўмитасига кимлар кирганлиги тўғрисида хабар беришни илтимос қилиб хат ёздим. Ҳайдар Афанди жавоб хатида ҳақиқатдан ҳам Тошкентда бундай ташкилот ташкил этганлиги, лекин унинг марказий қўмитасига кимлар кирганлигини аниқ билмаслигини, аммо бу ташкилот атрофида сабиқ «Иттиҳоди тараққий»нинг аъзолари уймаланишаётганлиги сабаб, унинг марказий қўмитасига Садриддинхон ва Муса Бегиев кирган бўлишини тахмин қилиб, хабар берди. Бу вақтда Бухородаги туркестонликлар «Иттиҳоди миллий» ташкилотининг маркази ҳақида мажлис ўтказиб, унда марказни Тошкентдан Бухорога кўчириш керакми ёки Тошкентга бўйсиниб, бу ерда унинг филиалини ташкил қилиш керакми деган масалани муҳокама қилди. Узоқ тортишувлар натижасида Марказий қўмитани Тошкентдан Бухорога кўчиришга, Тошкентда эса унинг факат вилоят бўлимини қолдиришига қарор қилинди. Бухорода Марказий қўмита ташкил этилади. Унга Саъдулла Ҳўжа ва Кушбегиев киради. Мен Садриддинхонга хат ёзиб, бизнинг қароримизни бажаришни ва ташкилотнинг муҳри, низомини юборишни таклиф қилдим. Садриддиндан жавоб бўлмади, Бухоро Марказий қўмитаси муҳрни ҳам, низомни ҳам ололмади. Бу ҳолат бизда Тошкент марказига нисбатан ишончсизликни уйғотди. Бухоро Марказий қўмитаси икки-уч марта мажлис ўтказиб, ташкилотнинг дастури ва низомини ишлаб чиқиши масаласини муҳокама қиласди. Бу вақтда бухороликлар билан

тошкентликлар муносабати анча таранглashedи: бухороликлар «Бухоро мустақиллиги» («Бухоро истиқлоли») байроби, туркестонликлар эса «Иттиҳоди миллий» («Миллий уюшма») байроби, остида ҳаракат қиласди, шу билан бирга икки томонда ҳам кўпчиликни коммунистик фирмә аъзолари ташкил этади. Ўша вақтда бизлар фирмәга мансублик ҳеч вақт миллий-озодлик ҳаракатига тўскенилик қилмайди деб ўйлар эдик. Бир куни мени Ҳошим Шоиқ уйига чақириди, Заки Валидов шу ерда экан. Мен Заки билан сўрашдим. Одатдаги салом-алик ва ҳол-аҳвол сўралгандан сўнг, у Бухорога бундан 20 кун олдин келгани, бу вақт ичида кўпчилик (Бухоро давлат арబоблари) билан танишиб ултургани, ички ишлар Комиссари Ҳамид Орипов уни турар жой ва зарурий озиқ-овқат билан таъминлагани ҳақида сўзлаб берди. У мендан Боку шаҳридаги Шарқ ҳалқлари қурултойида аризасини ўртоқ Зиновьевга бериб кўймаганим учун хафа бўлганлигини ҳам айтди. Гап шундан сўнг ташкилот масаласига кўчди. Заки Ҳошим Шоиқ орқали «Бухоро истиқлоли» ҳақидаги мукаммал маълумотга эга бўлганлигини айтди. Менга эса «Миллий иттиҳод» ҳақида тўлароқ аҳборот олишга чакирилиганини ҳам билдириди. Мен «Миллий иттиҳод» яқинда Бухорода ташкил топганлигини, ҳозир Бухоро билан Тошкент ўртасида Марказ учун кураш кетаётганлигини, бизга Тошкент марказига ким раҳбарлик қилаётганлиги, низом ва муҳр юборилмаганлиги сабаб бу иш билан банд эканлигимизни айтдим. Тошкентликлар билан бухороликлар ўртасидаги муносабат яхши эмаслигини Ҳошим Шоиқ ҳам тасдиқлади. Шундан сўнг Заки Бухорода бир оз муддатга қолиши, агар Бухоро хукумати Москвадан уни авф этишни илтимос қилса, у ўз хатти-ҳаракати учун тавба-тазарру қилиб, очиқ ишлашга ўтиши, акс ҳолда эса чет элга кетишини айтди. У яна «Миллий иттиҳод» ва «Бухоро истиқлоли» марказларининг ҳар иккаласидан вакил кирадиган «Марказлар маркази»ни тузиб, ҳамма мавжуд ташкилотларни бирлаштириши, бухороликлар билан тошкентликлар ўртасидаги муносабатни яхшилаш нияти борлигини ҳам билдириди. Унинг сўзига қараганда, бу талбири бухороликлар билан туркестонликларни муросага келтириш ва икки ташкилот фаолиятини уйгунаштириши мумкин эди.

Ҳошим Шоиқ Заки Валидовнинг бу фикрини бухороликлар бутунлай кўллаб-куватлайди деган фикр-

ни билдири. Мен ҳам ўз розилигимни баён қилдим ва шу билан Заки Валидов билан бўлган биринчи сұхбат тугади. Шундан сўнг «Миллий иттиҳод» учун маҳсус дастур тузишга эҳтиёж қолмади. Бир ҳафта, 10 кундан кейинми, Заки бухорликлар билан туркистонликларнинг бирлашган йиғилишини чақиради. Унда қатнашганлар: Файзулла Хўжаев, Саъдулла Хўжа, Турсун Хўжаев, Мирзо Қодир (Абдулқодир — С.Х.), мен, Ҳошим Шоиқ, Заки Валидов ва Қушбегиев бўлди, бошқаларни ҳозир эслай олмадим. Орипов чақирилмаган эди, чунки унга Заки Валидовдан бошқа ҳеч ким ишонмас эди. Мана шу йиғилишда Заки Валидов ўзи тузган дастурни ўқиб берди. Унинг тўла мазмуни ҳозир эсимда йўқ, лекин унда Москвадан Бухоро мустақиллиги, Туркистон эса ҳақиқий муҳториятга эга бўлиши, омма билан алоқа масаласи коммунистик руҳда кўрсатилган эди. Бироқ, Заки Валидовнинг дастурини йиғилиш қабул қилмади. Ҳамма бу умумий мазмунга эга бўлган дастур билан ишлаш учун ҳали вақт борлигини айтди. Валидовга Туркистон ва Бухоронинг реал маданий имконияти ва икки мамлакат ҳалқлари кайфияти ва аҳволини қатъий ҳисобга олувчи бошқа дастур тузиш таклиф этилди. Икки-уч кундан кейин Заки ва Ҳошим Шоиқ мени Мирза Қори Муҳитдиновнинг уйига таклиф қилди. Зиёфатда бизлардан ташқари яна икки-уч киши бор эди. Зиёфат тугагач, улар ва Мирза Қодир кетади. Ҳошим Шоиқ ва Заки Валидов билан қолдик. Заки ўз дастури ҳақида гапириб, уни қабул қилинмаганлигига норозилигини билдири. Кейин у Жамол Пошодан «Халоси Ислом» жамияти томонидан тузишган дастурни сўраб олиш нияти борлигини айтди. Жамол Пошо бу пайтда Афғонистонда эди. Дастур Шарқнинг маданий қолоқ мамлакатлари Арабистон ва Ҳиндистонга мўлжаллаб тузишган эди. Заки бу дастур асосида «Марказлар маркази» дастурини тузишни режалаштиради. Унинг фикрича, Бухоро ва Туркистон Арабистон ва Ҳиндистон мамлакатлари даражасида. Шунинг учун дастур Туркистон ва Бухорога тўғри келади. Бизлар унинг фикрини маъқулладик. Бўлиб ўтган мана шу йиғилишда Ҳошим Шоиқга Жамол Пошога хат жўнатиш учун Афғонистоннинг Бухородаги консулигиги билан келишиш вазифаси топширилди. Валидов хатни рақамлар ёрдамида ёзишини айтди. Кейин мен Ҳошим Шоиқ билан уйта кетдик. Заки эса бу ерда тунаш учун қолди.

Кейинги куни кечқурун Ҳошим Шоиқ Заки қўли билан сонлар ёрдамида ёзилган (махфий — С.Х.) хатни олиб келиб шундай деди: «Бу хатда Жамол Пошога «Халоси Ислом» ташкилоти дастурини юбориши илтимос қилиб ёзилган, унга Сиз ҳам имзо чекинг». Хатга Заки Валидов имзо кўйган эди. Мен ҳам уни имзолаб Ҳошим Шоиқга қайтардим. У хатга қўл кўйганни йўқми билмадим, мен қўл кўйганда унинг имзоси йўқ эди. Бугун, деди Ҳошим Шоиқ кетиш олдидан, у ёқقا (Афғонистонга) бир киши кетади, хатни унга бераман. Мени 10—15 кундан кейин Туркистон марказий ижроқўми чақириб қолди. Бухорони ташлаб кетдим. Бухорода бўлган чоғимда, юқорида кўрсатилганидан ташқари, «Миллий иттиҳод» маркази деб номланган ташкилотнинг яна 2—3 та мажлиси бўлди. Буларда умумий гаплардан ташқари бирорта жиддий масала кўрилмади.

«Миллий иттиҳод» марказий кўмитасига мен юқорида кўрсатган уч киши кирган бўлса-да, унинг мажлислида доимий равища Саъдулла Хўжа, Қушбегиев, Юсупалиев, Отакон ва Али Расулов қатнашар эди. Мажлис расмий характерга эга эмас, балки тушлиқ, кечки овқат ва бошқа шу каби кўринишда ўтарди. Қарорлар ҳам ёзма равища қабул қилинмас эди. Ташкилотга янги аъзолар ҳам қабул қилинмаган, унинг аъзолари Бухорога келган олдинги «Иттиҳод ва Тарақкий»нинг аъзоларидан иборат эди...

1929 йил 22 декабрь

Тошкентта (Бухородан — С.Х.) 1921 йил марта ниң ё 17, ё 20 кунида қайтиб келдим. Кейинги куни ёқ, Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси раёсатига бордим. У ерда мени Ҳалқ Маорифи Комиссарияти ҳузуридаги Илмий кенгашга ишга тайинлашди.

Уч-тўрт кун ўтгач, Мусо Бегиев билан Садритдинхонни учратиб қолдим, Садритдинхон Бухорога ташкилот низоми ва муҳрининг юборилмаганлигини эслатиб, шундай деди: «Менда ташкилотнинг муҳри ва низоми йўқ. Улар бошқа кишида эди. Шунинг учун уларни Сизга юборолмадим». Кейин у Мусо Бегиевга қараб кулиб қўйди. Бу менга шубҳали туюлди. Мен унга шундай деб маслаҳат бердим: «Ҳали ҳам кеч эмас, уларни топиб, Бухорога, Саъдулла Хўжага жўнатиш керак. Тошкент ўз ишини ташкилотнинг вилоят фили-

али сифатида давом эттираверади». Садритдинхон бунга рози бўлди. Садритдинхоннинг атрофида шубҳали кишилар — ЧК (фавкулодда комиссия — С.Х.) айғоқчилари уймалашиб қолганлиги сабаб, у билан учрашишнинг иложи бўлмади. Унинг олдига боришга чўчидим. Бир неча кундан сўнг 30 март бўлса керак, мени қамоқقا олишди. Қамалишимнинг сабабини мен бир ярим ойдан кейин Юсуфбек Курманбаев ва Ориф Каримовдан билдим. 1921 йил 1 декабрда мени озод қилишди. 23 декабря бошқалар (Ю. Курманбаев, О. Каримов, Садритдинхон) устидан суд иши кўрилди.

Қамоқдан чиққанимдан кейин Ҳалқ маорифининг Эски шаҳар бўлимидаги коллегия аъзоси ва Ижтимоий тарбия бўлими мудири бўлиб ишладим.

3—4 ой давомида менга ташкилот тўғрисида ҳеч ким ҳеч нима демади. 1922 йилнинг апрел ёки майида Акбар Шомансур менинг олдимга келиб, ташкилот ҳали ҳам ўз ишини давом эттираётганлиги, мен ҳам унинг сафида бўлишим зарурлигини айтди. Мен унга шундай дедим: «Бўлиб ўтган воқеадан (қамалганлигини назарда тутмоқда — С.Х.) кейин менда ҳеч қандай ҳафсала қолмади, шунинг учун мени ташкилот ишига аралаشتирмаслигингизни илтимос қиласман» [36].

Кейинроқ худди шу таклиф билан Сайдносир Миржалилов ҳам менга мурожаат қилди. Унга ҳам рад жавоб бердим. Ундан билдимки, ташкилот Акбар Шомансур раҳбарлигига ишлаётган экан. Унинг фаолияти ишлайдиган кишилар ва маблағ етишмаслиги сабаб, факат жабрланган ташкилот аъзолари оиласларига барьи ёрдамлар бериш билангина чекланиб қолибди. Шундай қилиб, то миллий чегараланиш ўтказилгунча ташкилот ишида бевосита иштирок этмадим. Шу сабабли ташкилотнинг бу давридаги иш фаолияти тўғрисида бирор нарса дея олмайман. Мен унинг фаолиятидаги ўзим иштирок этган баъзи бир ҳолатларгагина тўхталишим мумкин.

1) 1922 йилда зиёлилар орасида алифбо ва имло тўғрисидаги масала кўтарилиди, уларнинг бир қисми ўша даврда муомалада бўлган алифбо имлосини ислоҳ қилиш, бошқалари ўрталиқ нуқтai назарда бўлса, қолганлари лотин алифбосига ўтиш тарафдори бўлдилар. Ниҳоят бу уч гуруҳ ўзаро шартнома тузиши билан алифбо ва имло тўғрисидаги келишмовчилик ҳал қилинди. Ўша пайтда оқсоқланиб турган маориф соҳасидаги ишларни умумий ҳамкорлик билан яхшилаш ўйлида ҳамма

гуруҳлар бирлашди (шартноманинг нусхаси менда сақланарди, у тинтуб вақтида мусодара қилинган қофозлар орасида бўлиши керак). Мавжуд муаммоларимизни ошкора қилмай, уйдаги гапни кўчага чиқармай «Ношри маориф» жамиятини [37] туздик. Олдин ташкил топган «Кўмак» бу жамиятнинг бўлимига айлантирилди. Ўз ўртамиизда бироз микдорда пул йигиб, уни кўпайтириш мақсадида «Туркистон» ширкатига бердик. Кейинчалик ҳам тушган барча маблағ унга ўтказилиб турилди. Шокиржон Раҳимий «Ношри маориф»нинг раиси бўлди. Мен ўринбосар эдим. Сайдносир Миржалилов хазинадор, Комил Алиев котиб эди. Жамият аъзоларининг кўпчилиги Эшон Хўжаев, Маннон Рамзи, Охунов каби коммунистлар бўлган, Мұхитдин Усмонов, Сайдносир Миржалилов ва Толибжон Мусабоев жамиятга молиявий соҳада иш олиб бориш учун қабул қилинади. Озгина вақт ўтгач, бу жамиятта шубҳаланиш билан қараш бошланди ва бу кун сайин ортиб борди. Бу жамият номи остида қандайдир махфий ташкилот яширган деган овоза тарқатилди. Мана бу тазиқ тифайли «Ношри маориф»ни тарқатиб юборишга тўғри келди. Ҳақиқатда эса «Ношри маориф»нинг эски, умри тугаб қолган ташкилот билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Менимча, унинг биргина Сайдносир Миржалиловдан бошқа бирорта ҳам аъзоси «Ношри маориф» ишида қатнашмаган. Ҳуллас, «Ношри маориф» ўзининг биринчи кунидан бошлаб маҳаллий аҳоли орасида маданий-маърифий фаолият кўрсатиш учун ташкил топган бўлишига қарамай, эски ташкилот тифайли қурбон бўлди.

2) 1922—1923 йилларда ўқувчилар орасида Москва, Туркия ва Германияга ўқишига боришини хоҳловчиларнинг сони жуда тез ортиб кетди. Уларнинг бир қисми Турк МИҚ, таклифи билан турли ўқув юртларига юборилади, қолганлари эса ўз ота-оналари бағрига қайтади. Ўз маблағи ва давлат хазинаси ҳисобига ўқишига кетолмаганлар ёрдам сўраб, турли хил шахс ва ташкилотларга мурожаат қила бошлади. Бу вақтда уларга ёрдам бериши мумкин бўлган «Ношри маориф» ва «Кўмак» жамиятлари тарқатиб юборилган эди. Бир қанча ўқувчилар ёрдам беришимни сўраб менга мурожаат қилиди. Бухородалигимда Туркистон ва Бухоро ўқувчиларига ёрдам берувчи жамият ташкил этилган эди. Шу мақсад учун унинг ихтиёрида каттагина маблағ тўплантган эди. Ўқувчилар мендан ёрдам сўраганидан кейин 1922 ёки 1923 йили бу жамият орқали бир неча ўқувчиларга

моддий ёрдам бериш умидида Усмон Афандига хат ёзиб, пул беришини илтимос қилдим. Хатни унга Лазиз Азиззода орқали юбордим. Уни йўлда қамоқقا олишади, хат Усмон Афандига етиб бормайди.

3) 1923 йили май ёки июнь ойида мен Тошкентга ўртоқ Оржоникидзе ва Элиаванинг келиши ва уларнинг мен билан кўришиш истаги борлиги тўғрисида хабарнома олдим. Белгиланган вақтда кўрсатилган мақонга етиб бордим. У ерда ўртоқ Оржоникидзе, Элиава, Обиджон Маҳмудов, Сайдносир Миржалилов гаплашиб ўтиришган экан, мен ҳам сұхбатга арашадим. Обиджон Маҳмудов таниқли қизиқчи эди. У ўз ҳазиллари билан Оржоникидзе, Элиава кўнглини хушлар, улар эса тинимсиз кулишарди. Ўртоқ Оржоникидзе шундай деб савол берди: «Гапларга қараганда Тошкентда миллий ташкилот бор, шу тўғрими?» Маҳмудов жавоб берди: «ГПУ (Бош сиёсий бошқарма — С.Х.)нинг таъқиблари бизларни йўқ ва бўлмаган нарсаларни ҳам тан олишга мажбур этди. Ҳозирги пайтда миллий ташкилот йўқ, фақат миллий гуруҳ бор, холос».

— «Унинг қанча аъзолари бор?» — деб сўради Оржоникидзе.

— «Унда туб аҳоли ва ҳукумат аъзоларининг ҳаммаси аъзо бўлиб ҳисобланади» — деб жавоб берди Маҳмудов. Бундай жавобга албатта ҳамма кулди. Сұхбатда ҳамма саволларга Маҳмудов жавоб берди. Шуннинг учун бутун сұхбат ҳазил-мутойиба тарзида ўтди.

Уйга кетиш олдидан, москвалик ўртоқларни Тошкент шаҳри четидаги боғлардан бирига меҳмон бўлишга таклиф қилдик. Бунга улар фақат бир шарт билан, яъни уларни бу ерда миллий гуруҳ аъзолари билан таништиришимиз эвазигагина рози бўлдилар. Учрашув куни ва соати белгиланди. Бу вақтда мен меҳнат таътилида бўлиб, Кибрайдаги собиқ Куринов боғида оиласам билан дам олаётган эдим. Бу боғ «Туркистан» ширкати томонидан сотиб олинган эди. Ўртоқларни шу бокча таклиф этдик. Кўрсатилганлардан ташқари Тўракулов билан Раҳимбоев ҳам таклиф этилди. Биринчи бўлиб, Маҳмудов ва Миржалилов келди. Меҳмонларга хизмат қилиш учун Асадилла Ҳожи Хоний, Нажмиддин Ш., Мираҳмадбой Убайдулла Қори Эргозиев ва Салимхон Тиллахонов чақирилган эди...

Оржоникидзе ва Тўракулов бизга нотаниш яна бир киши билан келди. Оржоникидзе автомобилдан туша солибоқ Маҳмудовдан «миллий гуруҳ аъзолари тўплан-

дими?» — деб сўради. Маҳмудов «ҳа, йигилишмоқда», — деди. «Раисни сиз ўзингиз олиб келдингиз», дея Тўракуловни кўрсатди. Бир оздан сўнг Раҳимбоев келди, уни Маҳмудов «миллий гуруҳнинг котиби» дея таништириди. Шундай қилиб бу гал ҳам сұхбат ҳазил-мутойиба билан ўтди. Оржоникидзенинг «гуруҳнинг ҳамма аъзолари йигилдими?» деган саволига Маҳмудов, «мана булар энг фаоллари» деб, ўзини, Тўракуловни, Раҳимбоевни, Миржалиловни ва мени кўрсатиб жавоб берди. Умуман, ҳазил билан бошланган сұхбат шу руҳда беш соатларча давом этди. Маҳмудов билан Оржоникидзе ўргасидаги қуйидаги сұхбат бўлди:

Оржоникидзе: — «Сиз Фарғонада босмачилик қачон тугайди деб ўйлайсиз?» Маҳмудов: — «Сиз мени вазир қилиб тайинлаган куни, акс ҳолда ҳеч қачон тугамайди». Оржоникидзе: — «Агар тугамаса, биз у ёқса бир дивизия юборамиз, у бутун Фарғонани текис қиласиди». Маҳмудов: — «Сиз бир дивизия юборсангиз, мен босмачилар сонини икки дивизияга етказаман». Оржоникидзе кетиш олдидан миннатдорчилик билдириди. Маҳмудов шундай деди: — Бизда мана шундай мақол бор: «Бирордан тух сўрасанг, у қўрққанидан бия беради», биз ҳам сиздан кўп сўраймиз, озгинагина берсангиз шунга ҳам хурсанд бўлаверамиз. Оржоникидзе унинг елкасига қоқиб: «Нима керак ўзи. Қанча керак бўлса, тортинмай сўрайвер», — деди.

Шундан сўнг меҳмонлар кетди. Боғда Тўракулов, Раҳимбоев, Маҳмудов ва Сайдносир қолди.

Улар биргаликда талабнома ёзишди. Уни Раҳимбоев ёзди, Тўракулов таҳrir қилди. Кейинги куни хатни Маҳмудов миллий гуруҳ номидан ўртоқ Элиавага берганини билдим. Унинг мазмуни ҳозир эсимда йўқ. Умуман, талабнома яхши ўйланмай, ўша учрашув таассурутни остида шоша-пиша, Обид Маҳмудов айтиб туриб ёздириган эди. Бу вақтда Маҳмудов билан Сайдносирнинг («Миллий иттиҳод» — С.Х.) ташкилот фаолиятидан кўнгли совиб, у билан алоқани уза бошлаган эди, шуннинг учун ҳам сұхбат чоғида ташкилот ҳақида бирор нарса дейилмади.

1929 йил 24 декабрь

...5. 1923 йилнинг охирлари бўлса керак, бир куни бош вақф бошқармасидан шаҳарга кетаётганимда бир паст бўйли ёш йигит кузатувида Мансурхон Ағонис-

тон консулхонасидан чиқиб қолди. Мен Мансурхон билан сўрашдим. У менга ёш йигитни афғон бош консулининг вақтнинчалик ўринбосари деб таништириди. Ёш йигитнинг айтишича, у бу ерда (афғон — С.Х.) консули кетмасидан олдин котиб ёки ўринбосар бўлиб ишлаган.

Улар билан биргаликда Ўрда томонга қараб кета бошладим. Йўл-йўлакай мен у йигит билан фақат маориф ишлари ва вақф бўлими ҳақида гаплашиб кетдим. У менга Афғонистондаги аҳвол, яқин орада у ерда Миён Бузрук ва Жамол Пошо билан танишгани ҳақида сўзлаб берди. Шу билан бирга у мендан маҳаллий зиёлиларнинг миллий ташкилотлари ҳақида сўради. Бу пайтда бизда бу иш қарийб тутатилган эди. У бунинг сабаби билан қизиқди. Мен, биринчидан, сармоя, иккинчидан, қобилиятли фаол кишилар йўқлигини тушунтиридим. Шунингдек, бу соҳада бизга ёрдам берадиган бирорта ҳам кўшни давлат йўқлигини кўшиб қўйдим. Шунда у жуда ҳам ўпкаланди-да, бироз қизариб, шундай деди: «Агар маҳаллий зиёлилар миллий ташкилот ишларини давом эттириш мақсадида консулхонага моддий ёрдам сўраб мурожаат қилсалар, уларнинг илтимосини Қобулга юборган бўлур эдик, шунда у ердан моддий ёрдам келиши мумкин. Ҳозиргача консулхонага бу тўғрида бирорта ҳам ариза ёзишганича йўқ. Бу ерда кўшни давлатлар эмас, балки ҳаммасига ўзларнинг айбор, сиз улардан ноўрин гина қиляпиз».

Шундан кейин мен у йигитни учратмадим (давомини ўқиб бўлмади — С.Х.). Қатъий шуни айтаманки, ташкилот ўз фаолиятининг бошидан то охиригача афғон ҳукуматидан бирор танга ҳам ёрдам олгани йўқ.

6. 1924 йили Убайдуллахўжа келганидан кейин иккى марта йигилиш чақирилди... Бу йигилишларда Убайдуллахўжа Россияда қандай ҳаёт кечирганигини сўзлаб берди. Шундан сўнг қатагонга учраганларга ёрдам бериш учун фонд ташкил этиш бўйича комиссия тузилди. Бу комиссия савдогарлардан ҳайрия йигади. Мұхитдиновлардан тузуккина ёрдам тушади [38].

Йигилган пуллар, улардан тушган фойда эвазидан қатагонликка учраганларга ёрдам бериб туриши шарти билан «Туркистон» матлубот жамиятига топширилди. Бироқ менга жами тўпланган пулнинг миқдори, ундан жабрланганлар учун қанча ажратилгани маълум эмас. Худди шунингдек, мен Содирхон ёки бошқа қочоқларга қанча пул ажратилганини ҳақида ҳам њеч нима

эшитмаганман [39]. Аммо Содирхон ва Лазиз Азиззодага тўпланган пулдан бир қисми юборилганлигини аниқ биламан.

1924 йилда бўлиб ўтган йигилишларга эски «Тараққийпарвар» ташкилотида бўлган жуда ҳам ишончли кишиларгина чақирилган эди. Содирхон томонидан «Миллий иттиход» ташкилотига жалб қилинганлардан бироргаси ҳам таклиф этилмади, чунки уларнинг кўпчилигига ишонч йўқ эди. Бу йигилишларда менимча, ташкилотни қайта тузиш ва ишни давом эттириш масаласи муҳокама қилинмади, сабаби, тўпланганларнинг ҳаммаси ташкилот ўз ишида муваффақият қозонишга ишончи қолмаган, ҳафсаласи пир бўлиб, тушкунликка учраган кишилар эди.

7. 1924 йили газеталарда миллий қайта чегараланиш ҳақида хабарлар пайдо бўлиши билан бу сиёсатдан хабари бўлган ва бўлмаган ҳамма кишилар орасида муҳокама предметига айланади. Икки-уч кишидан гурухурух бўлиб, қайта чегараланиш масаласи қизгин муҳокама қилинди. Улар ўз фикр, мулоҳаза ва хуносалини баён қила бошлидилар.

Маҳаллий зиёлиларнинг кўпчилиги, улар фирмаси бўлиш бўлмаслигидан қатъи назар қайта чегараланишга ижобий муносабатда бўлмадилар. Баъзи бирорлар бу Москванинг сиёсати бўлиб, биздан Бухоро ва Хоразмни ажратиш мақсадини кўзламоқда деса, бошқалар эса бу сиёсат билан Англия Ҳиндистонни бошқариш учун унинг аҳолисини кичик миллий бўлакларга бўлиб ташлаган сиёсат ўртасида айнан ўхшашлик борлигини айтдилар.

Бухоро зиёлилари орасида Бухоро ва Хоразм мустақиллигини йўқотишидан қайргранлар кўп бўлди. Қозоқ зиёлилари ҳам келажакда Қозогистон ва Қиргизистондаги бўш ерларга рус кўчманчилари олиб келиб жойлаштирилишидан ташвишга тушдилар. Ўзбек зиёлилари маҳаллий ҳунармандлар завод ва фабрикаларга бардош беролмай, ҳунармандчиликни ташлаб, дехқончиликка ўтишга мажбур бўлиши, Туркистондаги ҳамма дехқонларни ҳосилдор ерлар билан таъмин этиб бўлмаслиги ва ишсизлик пайдо бўлиши муқаррарлигидан хавфсираганлигини билдириди. Бундан ташқари, улар савдогарлар учун бозор кераклигини ҳам айтадилар. Суғориш ишини ривожлантириш, янги завод ва фабрикаларни куриш йўли билан ишсизликнинг тутатилишига рози бўлса-да, улар бу режани яқин орада амал-

га ошишига ишонмадилар. Шу билан бирга улар (ўзбек зиёлилари, жадидлар — С.Х.) нинг баъзи бирлари қайта чегараланиш паҳтчилик билан банд бўлган ва ўтроқ ҳаёт тарзига эга Ўзбекистон дехқонларининг Туркманистон ва Қозогистонга нисбатан иқтисодий ва марказий жиҳатдан тезроқ ривожланишини айтиб, бирбирларини тинчлантира бошладилар ҳам, чунки МҚ миллӣ чегараланишини зарур деб билган экан, у буни ҳар қандай қаршиликка қарамай амалга ошириши аниқ эди. Шунинг учун бунга қарши бўлиш фойдасиз ҳисобланарди. Яххиси, бу масаланинг ижобий томони билан машғул бўлиш ва уни амалга оширишга интилишдан бошқа йўл йўқ эди. Зиёлиларнинг кўпчилиги худди шу фикрда бўлди. Шунинг учун ҳам бу шу масаладаги бошқа фикрлардан устунликка эга бўлди.

Худди шу пайтда бир куни мени Бельский (ОГПУ бошлиғи — С.Х.) чақириб бир неча саволларни берди. Ҳеч нарсани яширмай туриб, унга зиёлилар қайта чегараланиш ҳақидаги масалани маъқулламаётганлиги ва унинг сабабларини тушунтиридим. Шунда у мендан зиёлилар қайта чегараланишга қарши норозилик чиқишини уюштирумайдими, деб сўради. Мен қатъий равишда норозилик чиқиши мумкин эмас, деб айтдим. Мен ўз жавобимни зиёлиларнинг юқоридаги кўпчилиги фикрига суюнган ҳолда айтдим. Ўзим ҳам айнан шу фикрда эдим. Менинг фикрим исботланди: зиёлилар ҳеч қандай қаршилик кўрсатмади, хукумат шундай катта ишни жуда хотиржамлик билан амалга оширишга муваффақ бўлди.

Суҳбат вақтида ўрт. Бельский менга ер етишмаслиги масаласини сугориш ишларини ривожлантириш, ищсизликни тутатиш масаласини эса, янги завод ва фабрикаларни ташкил этиш йўли билан ҳал қилиншини айтган эди. Очигини айтганда, мен бу фикрга фактлар асосида ишонч ҳосил қилдим.

Мана шу 1924 йилдан мен ўзимнинг сиёсий ва ташкилотчилик ишларига қобилиятим йўқлигини сезган ҳолда, бу ишлардан воз кечиб, ўқитувчиликка ва китоблар ёзишга киришдим [40].

Ташкилотнинг тузилганлиги, унинг мақсади ва вазифалари

1. «Тараққийпарварлар иттиҳоди» ташкилоти ўз олдига маҳаллий аҳолининг қуллиги ва нодонлигига қарши курашиш мақсадида феврал инқилобидан сўнг ру-

ҳонийлардан жабрланган тараққийпарварларни бирлаштириш вазифасини қўйган эди.

Бокуни турклар эгаллаб олиши билан ташкилотномидан «парвар» сўзи олиб ташланади. У «Иттиҳоди тараққий» деб номлана бошланди. 1919 йилдаги январ воқеасидан [41] кейин бу ташкилот учун ҳожат қолмади ва тарқатилди. Бу тўғрида сизга [42] ўзимнинг олдинги ёзишларимда маълумот берган эдим...

Агар бу сизни қониқтиргмаган бўлса, унга қўшимча сифатида қуидагиларни кўрсатиш имумкин: 1) «Иттиҳоди тараққий» ташкилоти тузилишида унга 7 киши кирган эди. Шундан иккитаси Усмонбек ва Ҳайдар Афандилардан иборат турклар, иккитаси тошкентликлардан мен ва Содирхон, биттаси самарқандликлардан Беҳбулий, биттаси туркман зиёлиларидан Хон Явмудский, [43] биттаси қозоқлардан «Алаш» номли қозоқ газетасининг муҳаррири (фамилияси эсимдан чиқибди) эди...

2) Ташкилот («Иттиҳоди тараққий»)нинг тузилиши тўғрисида: Низомга кўра ташкилот қуидаги қўмита-лардан иборат: Тошкентда Марказий Қўмита, вилоятларда вилоят қўмиталари, унча катта бўлмаган шаҳарларда бўлимлар, қишлоқларда — бўлимча (подотдел)-лар. Ҳамма қўмита, бўлим ва бўлимчаларнинг ҳар бири уч киши — раис, раҳбар ва хазинабонлардан иборат бўлган. Раис ҳамма ишларга жавобгар бўлган. У ўз хоҳиши бўйича ўзига раҳбар хазинабон белгилайди. Аъзоларнинг ҳаммаси фақат раҳбар билангина муомалада бўлган. Уларга раис ва хазинабоннинг исм-шарифлари ҳам билдирилмаган. Умуман, қўмитада раис қилиб Усмонбек ва раҳбар бўлиб Ҳайдар Афанди сайланган.

Иш билан жуда банд бўлганлигини баҳона қилиб, хазинабонликка рози бўлмадим. Кейин раисдан ўз хоҳишига кўра мажбурий равишида бизлардан биримиз мени ёки Садритдинхонни хазинабон қилиб танлаши илтимос қилинди. У Садритдинхонни танлади.

Юшма (ташкилот — С.Х.) тузишни Самарқандда Беҳбулийга, Фарғонада Мирзоҳидга, Туркманистонда Хон Явмудскийга, Еттисувда («Алаш» — С.Х.) қозоқ газетасининг муҳарририга топширилади. Бу вақтда (Файзула — С.Х.) Хўжаев Ленинградда эди. Бу йиғилишдан бир оз вақт ўтгач октябр инқилоби юз берди.

Кейин муҳторият («Туркистон муҳторияти» — С.Х.) билан боғлиқ воқеалар бошланди, оқибатда ўз ходимларимиздан ажralиб қолдик. Шу сабабли Усмонбек Йиғилиш чақирди, унда Убайдулла Хўжаев, Сайдулла

Хўжа, Отахон Содирхон, мен, Ҳайдар ва яна уч киши қатнашди. Ҳамма номма-ном ташкилот аъзоси бўлиб ёзилади. Бу ё 17, ё 18 йилнинг охирларида бўлиб ўтади. Шундан кейин ташкилот жонлана бошлайди ва сон жиҳатидан ўса боради.

3. Ташкилотга кирувчилардан «Тараққийпарвар»га ишонч бўлиши ҳамда ҳеч қандай иккilanmasdan, жони ва молини ҳам аямасдан топшириқни бажариш талаб этилади. (Ташкилотга — С.Х.) аъзо бўлувчилар кўлида Куръони Карим ва револьверни ушлаб туриб қасамёд қиласди.

Орадан 3—4 ой ўтгач, Усмонбек қамоқقا олинади, унинг ўрнига раис этиб Юсуф Зиябек тайинланади. Шу вақтда руҳонийлар ўзларининг икки вакили — Нуритдинбек ва Худоёрхоновни Туркияга юбораяпти, деган гап тарқалади. Бу хабарнинг овозаси Юсуф Зиябекка этиб бориши билан, у шошилинч равишда мажлис чақиради. Унда мен, Сайдуллаҳўжа ва бошқа бир неча кишилар қатнашдик. Мажлисда Юсуф Зиябек ўз тахминларини айтди. Унингча, руҳонийларнинг Англия билан алоқаси бор. Агар олдин бўлмаган бўлса, улар энди ўз делегатлари орқали алоқа боғламоқчи. Англия эса Туркистонга кўз қирини ташлаб турибди. Шунинг учун ҳам делегатлар таркибига эски хон ургидан Нуритдинбекни киритганлар.

Юсуф Зиябек тушунтириди, агар Туркистон Англия қўлига ўтиб қолса, унда озод бўлиш учун ҳеч қандай умид қолмайди. Шунинг учун у тезликда руҳонийларнинг делегатларига қарши «Тараққийпарвар» номидан Туркияга ўз делегатларимизни юборишни тақлиф этади. Буни у жуда жадаллик билан амалга оширишни, акс ҳолда эса вақтдан ютқазиб қўйилишини таъкидлайди.

Содирхон ва Сайдносир (Миржалилов) вакил қилиб танланади. Раис маслаҳатлашиб олганидан кейин руҳонийлар делегатларига қарши ҳаракат режасини эълон қилишга ваъда беради. Шу билан бирга раисга Туркистон мухториятига ёрдам бериш, Туркистонга ўқитувчилар юбориши ҳақида Туркия ҳукуматига қандай қилиб мурожаат қилиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш топширилади.

Шундан сўнг, орадан кўп вақт ўтмай, руҳонийлар делегатлари орқасидан «Тараққийпарвар» делегатлари ҳам ўйлга чиқади. Ўша вақтда ҳақиқатдан ҳам Туркистонга Англия таъсирининг хавфи кучли эди.

Делегатлар Истамбулга «Тараққийпарварлар» ҳукумати ағдарилган ва Истамбул овруполик империалистлар томонидан ишғол қилинган бир пайтда етиб келади. (Бу ердаги — С.Х.) «Тараққийпарвар» бошлиқлари эса қочиб кетган эди. Шу сабабли бизнинг делегатлар Юсуф Зиябек назарда тутган одамларни топа олмасдан, ҳеч қандай натижасиз қайтиб келади [44]. Руҳонийларнинг делегатлари ҳақида бирор хабар олганим йўқ.

4. «Тараққийпарвар» ташкилотининг асосий вазифаси Туркистон аҳолисини қулилк ва нодонликдан озод қилишдан иборат бўлган. Умуман, ташкилот ва унинг бошлиқлари бу вазифани шўро ҳукумати яшаб қолса, у орқали амалга оширилишига шубҳаланмас эди. Шунинг учун ҳам унинг яшаб қолишини чин юракдан хоҳлайди. Ҳатто ташкилот аъзоларининг вазифалярига шўро ҳукуматини ҳимоя қилиш киритилган эди. Унга нисбатан ўша вақтда иккиланиш ҳам бор эди, чунки у ҳар томонлама душманлар қуршовида бўлган. Шўро ҳукумати тутгатилиб, унинг ўрнига оқлар ёки меъшевиклар ҳукумати келади, Туркистон яна олдингидек нодонлик кўлида қолади, деган шубҳалар ҳам бор эди. Туркистон Англия қўлига тушиб қолиш хавфи ҳам йўқ эмас эди.

Булар бизни ташвишлантиради, шунинг учун ҳам ташкилот фаолиятини кучайтириш, шўро ҳукуматидан фойдаланиб қолишга қарор қилдик. Шўро ҳукумати миллий мухторият тарафдори, Туркистонни кенг мухторият бошқарув аппарати билан таъминлайди ва буни қўшни давлатлар томонидан тан олдиришга муваффақ бўлади, деган умидда эдик. Бордию, шўро ҳукумати йиқиладиган бўлса, унинг ўрнига чиқади деб таҳмин қилинган меъшевиклар ёки оқлар билан курашишга тайёр бўлиш, Туркистон мухториятини қутқариш керак эди. Агар шўро ҳукумати ўзини тутгиб қололса, ташкилотнинг мақсади Туркистонни маданий тараққиётта олиб чиқиш, Туркистон аҳолиси ҳуқуқини овруполикларни билан тенглаштириш, шу билан бирга мустамлакачилик унсурлари қолдиқлари ва уларнинг тарафдорлари бўлган эски бой ва руҳонийлар билан кураш олиб боришдан иборат бўлмоғи керак эди.

Келажакда аҳолининг маданий тараққиётiga қараб, шўро ҳукумати берган ўша мухториятини җенгтайтиришга, (бошқарув — С.Х.) аппаратини маҳаллийлаштиришга ҳаракат қилиш. «Иттиҳоди тараққий»нинг мақ-

сад ва вазифаси мана шулардан иборат эди. Менимча, буни «Иттиҳоди тараққий»нинг ҳамма фирмали ва фирмасиз аъзолари тасдиқлайди.

5. Содирхон ҳеч қандай натижасиз қайтиб келганидан кейин Зиябек ўша олдинги мақсад бўйича энди Истамбулга ўта кучли миссия (махсус топширикә эга бўлган вакилларни — С.Х.) юбориш масаласини кўтаради. Унга тошкентликлардан Убайдуллахўжа (Асадуллахўжаев), Сайдносир (Миржалилов), самарқандликлардан Беҳбудий, Мардонкул ва яна бир киши киради. Охирги уч самарқандлик йўлда Бухоро амири (одамлари — С.Х.) томонидан ушлаб олиб ўлдирилади [45]. Убайдулла Москвада, Сайдносир эса Тифлисда яширинишга муваффақ бўлди. Кейин уларнинг иккаласи ҳам қайтиб келади. Кўрсатилганлардан бирортаси ҳам Туркияга етиб боролмайди. 1919 йил январь воқеасидан сўнг большевой фирмаси мустаҳкамланиб олгач, ташкилотнинг кўпчилик аъзоларида қўмитага бўйсуниш пасая бошлайди. Фирқа (большевой — С.Х.) ҳамма ишни ўз кўлига ола бошлайди, ташкилот кўлида эса ҳеч нима қолмайди. Маҳаллий зиёлиларнинг қарийб ҳаммаси шўро иши билан машғул бўлади, натижада ташкилот ўз ходимларидан ажралиб қолади. Бунинг устига Туркиядаги «Иттиҳоди тараққий» ташкилоти ҳам тарқатиб юборилади.

Буларнинг ҳаммаси Зиябекни ташкилотни тарқатиб юборишга мажбур қиласди. Бу ташкилотнинг ўрнига бошқа, «Бирлик» ташкилоти тузилади. Унинг мақсади ёшларни фирмага жалб этишдан иборат бўлди.

1930 йил 3 январь

ҚАНДАЙ ҲУКУМАТ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДАГИ МАСАЛА

Туркистон жадидлари орасида февраль инқилобигача куйидаги бирлашмалар бор эди: Үқитувчилар жамияти; ҳарбий хизматчилар жамияти; «Турон» номидаги санъат жамияти ва бошқа «гап» номи билан юритилган жамиятлар. Улар ҳақида олдинги ўз хотиралатилган жамиятлар. Уларнинг бирортаси ҳам сиёсий римда айтганман. Уларнинг бирортаси ҳам сиёсий қиёфага эга бўлмаган. Февраль инқилобидан кейин бирлашмалар ишчи ва аскар депутатлари шўросига ҳатто юворида вакилларини юбора олмадилар. Булар ҳақида ҳам ўз вакилларини юбора олмадилар. Булар ҳақида ҳам олдин ёзган эдим.

Жадидларнинг бу гурӯҳи сиёсий ва маданий жиҳатдан қолоқ бўлганлиги учун ҳам феврал инқилобигача Туркистонда мухтор бошқарув масаласини кўтариб чиқа олмаган эди. Бу тўғрида улар ўйлаган ҳам эмас. Уларнинг бутун умиди Россиядаги инқилоб жараёнида маҳаллий аҳолини миллий, диний чеклаш ва жабранишдан озод қилиш, уларнинг ҳақ-хуқуқларини овруполиклар билан тенглаштириш, хилма-хил мактаб ва матбуот ишлари ҳамда турли-туман жамиятлар ташкил этишга кенг имконият яратиб беришга қаратилган эди.

У (жадид — С.Х.)ларнинг энг яхши кўрган шиори: **Озодлик, Тенглик ва Адолат** бўлган. Феврал инқилобидан кейин жадидлар ўрислар билан биргаликда бир қанча сиёсий масалада йиғилиш ва қурутойлар ўтказишиади. Бундан ташқари, улар Кавказ ва Татаристондан келган зиёлилар билан туркистонликларга маданий ёрдам бериши масаласида бир неча марта сұхбатлар ташкил қиласди. Шу жараёнда маҳаллий зиёлилар миллий мухторият, маҳаллий мухторият, федератив ва демократик жумхурият ва бошқа мухториятлар ҳақида баҳс юрита бошлайди.

Ниҳоят, бу масала Туркистон мусулмонлари қурутойида мұхокама қилинади [46]. Эсимда бор, узоқ мұхокама ва тортишувлардан кейин делегатлар демократик федератив жумхурият учун кўл қўтаради. Шуни ҳам айтиш керакки, мұхокамада қатнашганларнинг кўпчилиги, шу жумладан, менинг ўзим ҳам жумхурият билан мухторият ўртасидаги фарқни тушунмаган эдик [47]. Феврал инқилобининг охирларигача маҳаллий зиёлилар шу қурутой қарори ечимини талаб қиласди. Агар маҳаллий зиёлиларнинг бу талаби таъсис мажлиси томонидан қониқарли ҳал қилинадиган бўлса, улар жумхуриятни бошқариш усулини танлаш ҳақидаги масалада овруполик социалистлар ёрдамига умид қиласди. Улар (овруполик социалистлар — С.Х.)нинг ёрдами маҳаллий зиёлилар қарамогида катта маданий куч бўлмагани учун ҳам зарур эди. Бошқа ёрдам сўраб турк ва татарларга мурожаат қилиш ҳақида ҳам фикрлар бор эди. Инқилоб бошларида маҳаллийларнинг ўзаро муносабати социалистлар билан унча яқин бўлмаган, қачонки уламолар галабага эришганидан кейин уларнинг алоқаси сезиларли даражада ўзгарили.

Октябр инқилобидан кейин аҳвол бирдан ўзгариб кетди, социалистлар (меньшевиклар) инқилобининг бошида маҳаллий аҳолидан шаҳар шўросига делегат

юборишга қарши эди. Энди эса, Туркистон мухторияти фойдасига ташвиқотни бошлаб юборди. Бу пайтда Марказий ижроия қўмитаси Кўқонда курултой чақиради [48].

Курултой вақтида мен ўзим шунинг гувоҳи бўлдимики, бир неча менъшевиклар Чўқаев, Хўжаев, Тинишпаевга Лениннинг Шарқ халқларига, улар ўз ҳукуматини бошқаришни қўлларига олиш ҳақида ёзма равишда юборган мурожаатини кўрсатиб, мана Ленин ҳам мухторият эълон қилинишига қарши эмас, шунинг учун бу курултойда мухторият эълон қилинишига ҳамма куч сарфланиши зарур деб айтади. Натижада қурултой мухторият эълон қиласди. Шахсан мен бунга қарши эдим... [49] Менинг фикримча, мухториятнинг эълон қилиниши бевақт бўлди. Мен менъшевиклар бу мухторият жараёнида маҳаллий аҳолидан курол сифатида большевикларга қарши фойдаланиб, ҳукумат юқори лавозимларини эгаллашга ҳаракат қиласди деб ўйлаган эдим. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди. Бу мухторият кўпгина қонли воқеаларга сабаб бўлди. Мухторият туфайли Тошкентда (13 — С.Х.) декабр намойиш бўлиб, у бир неча кишининг курбон бўлиши билан тугади. Бу ерда мен Эски шаҳар аҳолисини Янги шаҳарга ўтказмасликка ҳаракат қилдим. Аммо Шайхонтохурдан Ўрдагача чўзилган намойиш раҳбари Низомиддин Хўжаевни кўндиришнинг иложи бўлмади... Мухториятнинг фаолияти ва дастури Сизга маълум. Шунинг учун мен уни қолдириб, яна («Иттиҳоди тараққийпарвар» — С.Х.) ташкилотига тўхтамоқчиман. Бироқ, ундан олдин большевикларнинг мухторият мувакқат ҳукуматини буржуазия ва менъшевиклар ҳукумати деб жаҳолашига кўшила олмаслигимни ҳам яширмай айтиб қўймоқчиман. Негаки, бунинг учун жуда кўп факторлар бор. «Иттиҳоди тараққийпарвар» ташкилоти ўз олдига асосий мақсад қилиб Туркистон аҳолисини жаҳолат ва қулликдан кутқаришни кўйган бўлса-да, у қандай ҳукумат тузиш ва уни қандай усулда бошқариш масаласи билан шуғулланмаган. Унинг дастури ҳам, ҳатто лойиҳаси ҳам йўқ эди. Улар (тараққийпарвар — С.Х.) ҳамма кучни эски турмуш иллатларига қарши курашиш ва мактабларни яхшилаш ва кўпайтиришга қаратади.

Раис Зиябекнинг муҳим масалаларни ҳал қилиш учун ташкилот раҳбарлари кенгашини чақириш одати бор эди. Боку турклар томонидан ишғол қилингандан кейин Зиябек мени, Сайдуллаҳўжа ва бошқа бир неча

кишиларни чақириб, Туркия қўшини Туркистон остонасида турибди, Озарбойжон Туркияга қўшилди, тез орада турк қўшини Туркистонга кириши кутилмоқда, Туркистон Туркияга қўшилади, шу муносабат билан ташкилот номидан қарор қилишимиз керак, деб айтди.

Бу вақтда маҳаллий ҳалқ орасида пантуркистик кайфият шу даражада кучли ривожланган эди. Зиябек қуйидаги қарорни қабул қилишни таклиф этади: «Иттиҳоди тараққий» ташкилоти Туркистоннинг Туркияга қўшилишига қаршилик билдирамайди. Қарор ушбу қўшимча билан қабул қилинади: «Мабода Туркистонни турк қўшини эгаллаб олса». Бу қарор қабул қилингандан 3—4 ой ўтгач, турк қўшини чекинади. Озарбойжонда муссоватчилар ҳукумати тузилади ва туркистонликлар турклар ҳақидаги ўз орзуларини унутади. Энди Англия томонидан хавф пайдо бўлади. «Иттиҳоди тараққий» ташкилоти большевиклар билан биргаликда унга қарши тарғибот олиб боради ва (куйидаги — С.Х.) шиорни олға сурадилар: «Курашамиз, қон тўкамиз, аммо Англия қармоғига илинмаймиз ва унга ўз Ватанимизни берib қўймаймиз!..»

Турклар Бокудан кеттанидан кейин уларни ҳеч ким эсламайди. Шундан сўнг «Иттиҳоди тараққий» ўз олдига шўро ҳукумати яратиб берган қуйидаги имтиёз ва ёрдамдан фойдаланиш мақсадини кўзлайди:

- а) ўқув юртлари сонини кўпайтириш;
- б) мактаблар қошида катталар учун саводсизликни тутатиш курслари очиш ҳамда тўғарак ва жамиятлар ташкил этиш.
- в) мазкур шўро ҳукумати мухториятини мустаҳмалаш.
- г) шўро ҳукумати ағдарилган тақдирда Туркистон мухториятини сақлаб қолиш мақсадида тараққийпарварларнинг янги кучини тайёрлаш.

Шўро ҳукумати яшаб қолишига ишонч пайдо бўлганидан кейин тараққийпарвар ташкилоти тарқатиб юборилади, унинг баъзи бир аъзолари коммунистик фирмага кириб мухториятни мустаҳкамлаш ва (шўро — С.Х.) аппаратларини маҳаллийлаштириш бўйича асosий ишни давом эттиради.

Қачонки, марказдан Кобозев келиб, раҳбарлик қила бошлагач, бу гоя янада кучаяди, шу билан бирга Москва ёрдам беришига умид пайдо бўлади. Бунга (миллийлаштиришга — С.Х.) қаршилик* кўрсатганларга мустамлакачи деб қаралади.

Бу мустамлакачилар қурутой ва конференциялар ёрдамида галаба қозонишга уриндилаар. Москвага йўл очилганидан кейин (50) улар тўғрисида марказга шикоят қилиш ва у ердан ёрдам олиш йўли билан Туркистонда тўла хукуқли мухторият бошқарувини ўрнатиш мумкинлигига ишонч пайдо бўлади. Бу ишонч VIII қурутой [51] дан кейин янада кучаяди. Чунки, Марказий ижроия қўмита, ўлка комиссариати ва бошқа баъзи бир комиссариатларда раҳбарлар маҳаллий ходимлардан тайинлана бошлади. Бу тадбирлар маҳаллийларнинг талабларини энг кўп даражада қондиради деб айтса бўлар эди. Бу талаблар расмийлаштирилмаган бўлса ҳам, Москва билан қисман ёки бевосита боғланмаган комиссариатлари, масалан, ҳарбий комиссариат, молия комиссариати, чет эл ишлари комиссариати мустақиллигини билдирар эди...

Гапнинг қисқаси, ўша вақтларда маҳаллий ходимлар ҳам, «Тарақкийпарвар» аъзолари ҳам марказнинг миллий, синфий ва фирмавий сиёсати ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас эди...

1930 йил 12 июнь

Бизларнинг синфий дунёқарашимиз негизида синфларни инкор этиш ётади. Бизлар синфларни билмас эдик, агар йирик буржуазия деб ҳисоблаётган катта ер эгалари ва савдогарларнинг жуда озгина гуруҳи ҳисобга олинмаса, бизларнинг кўз ўнгимизда ҳамма тенг эди. Буржуазия тўғрисида гапирганда бизлар йирик савдогар ва катта ер эгаларинигина назарда тутар эдик. Бизлар шўро ҳукуматининг мана шуларга эмас, балки майда ва ўрга ҳол буржуазияга нисбатан олиб борган тадбирларига қарши бўлдик. Бинобарин, бизлар асосан майда буржуазия манфаатларини ҳимоя қилдик: мана шундан бизларнинг октябр инқилобидан кейин мамлакат сиёсий ҳаётида тутган ролимиз, шўро ҳукумати, йўқсил диктатурасига қарши олиб борган курамиз тушунарли бўлса керак. Бизларнинг мустақиллик ҳақидаги шиоримиз, аввал буржуа-демократик Туркестонни, ундан сўнг эса Ўзбекистонни ташкил этиш, ҳокимиyатни майда ва ўрга буржуазия қўлига бериш тўғрисида ҳаракатимиз ана шундан келиб чиқади. Пантуркистик интилишлар ҳам ўз ўрнига эга эди. Бизнингча, буларнинг оммавий кўриниши ўрта Осиёдаги туркӣ ҳалқларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган тил

яратишдан иборат бўлиши керак эди. Бизлар шу умумий тил орқали бу ҳалқларнинг бирлигини осонгина мустаҳкамлаймиз деб ўйлаганмиз. Бизларнинг пантуркизм Ўрта Осиё доирасидан четта чиқмас эди, чунки бизлар уни бугунги куннинг оммавий вазифаси деб тушунгандик. Пантуркизм гоясини бутун туркӣ ҳалқларга нисбатан амалга оширишга («Буюк Турон» гоясига) бизлар ишонмас эдик. Фақат турк ҳарбий аシリлари келиб ишлай бошлаган пайтда бизларда бу интилиш бироз жонланди.

Ўзбек ва қозоқ қишлоқ тилларида ўхшашлик борлигини ҳисобга олиб, улар асосида умумий тил яратмоқчи бўлган эдик. Мана шу умумий тил асосида умумий адабиёт яратишни ҳам ўйлаган эдик.

Бизнинг пантуркизмнинг туб сиёсий мазмуни шундан иборат эдики, асосий мақсад бўлган мустақилликка бутун Ўрта Осиё ҳалқларининг ягона ҳаракати билан тезроқ эришиш мумкин деб ўйлагандик...

«Чигатой гурунги»га бирлашиб Фитратга эргашган ёшлар янги ўзбек адабий тилига асос қилиб Навоий, Чигатой турклари тилини олди, эски атамалар (арабизм ва форсизм аралашмаси) барча туркӣ тиллардан, ҳатто ўлик Чигатой тилидан олинган янги атамалар билан алмаштирилди. Мана шулар асосида ва ўз навбатида эса, алифбо масаласида бизлар билан фитратчилар ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди. Аммо бунинг сиёсий гояларга даҳли йўқ эди.

Мен афғон консули Фулом Жайлоний олдига борганим ва у билан ўзимнинг Афғонистонга кетишим ҳақида гаплашганимни Миён Бузрук Солиҳовга айтган эдим. Миён Ўзбекистонга қайтиб келганидан афсусланиб гапирди ва имконият бўлса яна Афғонистонга ўтиб кетиши ҳоҳиши борлигини айтди. Унинг ўзи айтишича, у афғон ҳукумати руҳсати билан Ҳиндистонга бориб, кейин у ёрдан Туркияга, Истамбулга ўтади... [52].

Афғон консули билан гаплашишдан мақсадим ўзим ва менга яқин бўлган кишилар, масалан, Салимхон, Миён Бузрук, Муротхўжа, Сайдкамолхон, Мирсоат Мирзокиров, Муҳаммадрасул домла, умуман, 10—15 кишининг Афғонистонга ўтиб кетиши ҳоҳишини амалга ошириш бўлган эди. Консул билан гаплашганимда фақат Салимхон билан Миён Бузрукни тилга олган эдим. Бошқалар ҳақида эса ҳеч нима демадим, чунки булар эртами кеч у ёққа кетишига мажбур бўлар эди. Консул Кобулга хат ёзиб, хат олишга ҳатто Афғонис-

тонда ўқитувчи бўла оладиганларга маҳфий равища да рухсатнома (виза) беришга ваъда берди. Консул билан бўлган музокара натижасини мен фақат Миёнгагина айтдим. Кобулдан жавоб келишини кутишга қарор қилдик. Бачи Соқов исён кўтариши муносабати билан бизда Афғонистонга кетиш орзуси йўқолди, аммо Омонулла ҳукумати қайта тиклансанагина ўз ниятимизни амалга ошириш умидида бўлдик...

Консулнинг моддий жиҳатдан кўллаб-куватлаши тўғрисида: охирги пайтларда ҳеч қандай кўмак бўлмайди. Фақат шуни айтиш керакки, консуллик ходими Мансурхон мени таништирган консул ўрнига келган янги консул 1923 йилнинг охирларида мендан миллий фаолият аҳволи ҳақида сўради ва Афғонистондан моддий ёрдам келиши мумкинлигини маълум қилди. Мен унга фаолият давом этиши учун энди одамлар ҳам, маблағ ҳам йўқ. Кўшни давлатлардан бирортаси ҳам бизга ёрдам беришни хаёлига келтирмайди, дея кулимсираб қўшиб ҳам кўйдим. Шундан кейин у агар илтимос қилинса, Кобулдан моддий ёрдам келиши мумкинлигини баён қилли.

Бу сухбат ҳамда афғонларнинг ёрдам бериш ваъдаси тўғрисида мен Сайдносир Миржалиловга (назаримда Толибжон Мусобоевга ҳам) айтдим, шунингдек Сайдивали семизнинг уйида 1924 йилида Убайдулла Хўжаев, Сайдносир, Толибжон, Шаҳоб Нишон ва бошқалар иштирокида бўлган йигилишида ҳам гапирдим, қатнашганлар рўйхати сизларда ҳам бор...

1930 йил 4 январь

«ИТТИҲОДИ МИЛЛИЙ» ТАШКИЛОТИ

1) 1919 йил январь воқеасидан кейин маҳаллий зиёлиларнинг бир қисмида шўро ҳукуматининг мустаҳкамланиб яшаб қолишига ишонч ҳосил бўлди. Улар Туркистон ҳалқини қуллик ва жаҳолатдан фақат коммунистик ташкилот ёрдамидагина озод қилиш мумкин деган фикрга келади. Зиёлилар орасида мана шундай ишонч бўлганлиги сабаб «Иттиҳод ва тараққий» («Иттиҳоди тараққий» — С. X.) ва унинг ўрнини босган «Бирлик» ҳам тарқалиб кетади.

Шу билан бир қаторда маҳаллий зиёлилар орасида юқоридаги ишончга кўшилмай, бирорта қандайдир яширин ташкилот тузиш иштиёқида юрганлар ҳам бор

эди. Зиёлиларнинг бу гуруҳи бошида Садритдинхон ва бир неча турк офицерлари бўлиб, улар бир неча бор менга ком фирмқага кирганлигимни тана қилган ҳолда мени янги ташкилот тузилишида қатнашишга таклиф қилдилар.

Мен бу пайтда ком фирмқада жуда ҳам берилиб ишлётган эдим. Шунинг учун ҳам мен уларнинг таклифига тахминан қуйидаги руҳда рад жавобини бердим: «Агар сизлар мени миллатчи деб тан олсаларингиз, сизларга шундай деб айтаманки, коммунизм менимча миллат ва ҳалқнинг эҳтиёжига тўла жавоб беради. Мен энди миллат ва ҳалқнинг қўпчилигини ташкил этувчи камбағал ва меҳнаткашлар манфаати учун ишлашни афзал кўраман. Мана шу мақсадни деб мен ком фирмқага кирдим. Бошқа ҳеч қандай ташкилотга эҳтиёж йўқ деб биламан».

Уларга мен шу мазмунда жавоб бердим ва бир неча митингларда шу маънода нутқ сўзладим. Ўша вақтда «Шарқни озод қилиш» жамиятида ҳам унчалик фаол бўлмадим, фақат унинг бир иккى умумий йигилишидагина қатнашдим холос.

У пайтда менинг муҳим хизматим Ҳалқ маорифи комиссарлигига эди. Шунингдек, Мусулмон бюроси (РКП(б) Мусбуороси — С. X.) ва ўлка кўмитаси (район) мажлисларида фаол қатнашардим. Маҳаллий коммунистларга П. А. Кобозев раҳбарлик қиласи. У ҳар доим бизга (маҳаллий аҳоли коммунистларига) шундай деб айтарди: Туркистон Шарқ дарвозаси, у орқали бошқа шарқий мамлакатларга инқилобий кайфият олиб кириш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам Марказ Туркистонда алоҳида шарқий сиёсат деб номланувчи сиёсат олиб боришини ўйламоқда ва ҳатто у зарурият бўлса, бу ерда Таъсис курултойини чақириши ҳам мумкин. Бу тўғрида Кобозев VIII курултойда маҳаллий аҳоли вакилларидан миллий гуруҳ деб номланган гуруҳни тузиб, уни ўзи бошқарган эди. Ўрт. Кобозевнинг бу раҳбарлиги сабаб маҳаллий зиёлиларда Туркистонда мухтор давлат тузилиши ва уни бошқа шарқий мамлакатларга намуна бўлишига маълум даражада ишонч уйғонади. Бунга қарши бўлган (Казаков ва Успенский каби) овруполикларни маҳаллий зиёлилар мустамлакачилар деб атайди.

Курултойдан сўнг Рисқулов ва Сайдуллаҳўжа Турсунхўжаев ҳукумат раҳбари бўлиб қолади. Марказдан ўрт. Элиава раислигига Туркистон иши бўйича маҳсус комиссия (Турккомиссия — С. X.) келди.

Бизларнинг фаолиятимиз кейинчалик Туркистонни Турк жумхурияти деб номлаб, мухториятни кенгайтиришга, давлатни маҳаллийлаштиришга, бошқача айтганда Кобозев кўрсатма (директива)ларини тўлалигича ҳаётга тадбиқ этишга қаратилди.

Бироқ Рискуловчиларга ҳужум бошланиши билан бу сиёсатнинг умри жуда қисқа бўлди. Ҳужум Казаков, Успенский каби мустамлакачилик кайфиятидаги кишиларнинг фаолияти билан боғлиқ эди. Натижада Рискулов ўз ловозимини ташлаб, Марказга арз қилишга қарор қилди.

Рискулов ва Низомиддин Хўжаев Москвага бориб, у ердан бутунлай енгилиб қайтди. Бокудаги Шарқ халқлари қурултойида Рискулов бу масала тўғрисида Зиновьевга мурожаат қиласди. У эса бу ишни кўриб чиқишни Москва ихтиёрига ташлайди. Рискуловлар ўз ловозимларидан кетгач, мен ҳам Бокудан келишим билан ишдан бўшатилиб, Бухорога командировка қилиндим. Бу хатти-ҳаракатни эса маҳаллий зиёлилар мустамлакачилик кайфиятидаги овруполикларнинг фалабаси деб баҳолади. Мана шу муносабат билан маҳаллий зиёлилар кун сайин «Иттиҳод ва тараққий» ташкилотини тушиб, овруполикларнинг мустамлакачиликка интилишларига қарши курашиш зарурлигини ҳис эта бошлади.

Биз Бокуда бўлган пайтда Тошкентта Турккомиссиянинг янги раиси Сафаров келди. У ҳам Рискулов ва унинг тарафдорларига бўлган олдинги (салбий — С. X.) муносабатни ўзгартирмади. Бу ҳолат маҳаллий зиёли ва коммунистларнинг коммунизмдан кўнглини совутди. Худди мана шу пайтда Бухорода, Тошкентда «Иттиҳоди миллий» ташкилот ташкил топғанлиги тўғрисида гап тарқалди. Бу тўғрисида Тошкент марказидан кўптина хатлар олинди. Бизлар, яъни Бухородаги туркистонликлар ташкилот марказини Тошкентдан Бухорога кўчиришга ҳаракат қилдик. Шу сабабдан Тошкент билан муросамиз келишмай қолди (Бу тўғрида мен олдинроқ батафсил ёзганман). Мен «Иттиҳоди миллий» (баъзан «Миллий иттиҳод» деб ҳам аталади — С. X.) қачон қандай пайдо бўлганлиги тўғрисида қамоққа олинганим (1921 йил — С. X.) ва ундан озод бўлганимдан кейинги пайтда баъзи бир маълумотларга эга бўлдим.

«Иттиҳоди тараққий» ва «Бирлик» тарқалиб кетгач, уларнинг раҳбарлари бизлардан ажralиб қолади. Бизлар 8-қурултойида миллий гурухни тушиб, Казаков ва бошқалар билан кураш олиб бораётганимизда улар-

нинг ўзлари «Иттиҳоди миллий»ни ташкил этди. Унинг марказида дастлаб Муҳаммадбей, Сулаймон Сами ва Садритдинхон бўлган. Бу ташкилот устави олдинги «Иттиҳоди тараққий» уставининг айнан ўзи эди. Фақат унинг номигина ўзгарган холос (собиқ «Иттиҳоди тараққий»нинг устави, қарорлари ва рўйхати Садритдинхонда эди).

Улар янгитдан қабул қилинаётган кишиларга, ташкилот таркибига «Иттиҳоди тараққий»нинг ҳамма собиқ аъзолари, 8-қурултойда миллий гурухга кирган делегатлар, ҳатто Рискулов ва Кобозев ҳам киради деб айтар эди. Ташкилот аъзоларининг тартиб сони мингдан ортиб кетди. Рискулов хукуматдан кетганича ташкилот шу ҳолатда иш олиб боради. Унинг фаолияти асосан аъзолар сонини кўпайтиришдан иборат бўлди.

Рискуловдан кейин улар ташкилот уставига бироз ўзгартириш киритди. Марказий қўмита аъзоларининг сони 5 тагача, вилоятларда эса 7 тагача кўпайтирилди. Аъзолик сафига фақат тараққий парварларларгина эмас, ҳамма хоҳловчилар қабул қилинди.

Бизлар Бухорога сафарбар (командировка) қилингандан кейин улар ташкилот ҳақида хабар беришни лозим деб топади ва бизларнинг ёрдамиyизда унинг Бухоро бўлимини ташкил этишга ҳаракат қиласди.

Маълумки, бу ердагилар бўлимни очиш ўрнига ташкилот марказини Тошкентдан Бухорога кўчириш иштиёқида бўлади, муҳр, устав ҳақида шов-шув кўтаради.

Бизнинг ташкилот марказини Бухорога кўчириш тўғрисидаги таклифимиз асосида Тошкент марказчилари орасида қарама-қаршилик пайдо бўлади. Турклар марказни Бухорога кўчириш тарафдори бўлса, Садритдинхон бунга қарши бўлади. Охир-оқибатда бу ажралишга олиб келади. Сулаймон Сами ва Муҳаммадбей ташкилотдан чиқади.

Шундан сўнг ташкилот бошида биргина Садритдинхоннинг ўзи қолади ва ўзича иш олиб боради.

Босмачилар билан алоқани тиклади, Каримов билан бирга ўша машхур хатни ёзди. Бошқача айтганда контрреволюцион йўлга киради. Атрофидаги кишилар масалалар муҳокамасида иштирок этмасдан, унинг буйргуни тўғридан-тўғри бажарар эди. Буни у Москва ва Бухородаги марказий органлар номидан амалга оширади. Бухорода (Туркистон миллий бирлиги — Марказлар маркази — С. X.) марказий қўмита ташкил топгач, у Тошкент марказини Бухорога кўчириш так-

лифи билан чиқади. Бироқ у бунга ҳам бўйсинганди, устав ва муҳрни ташкилот иши фош бўлиб, ярим йўлда қолиб кетишидан хавфсираб, Бухорога юбормайди...

1921 йилдаги бостирма (облава) пайтида у (Садритдинхон) ўзи ташкил этган босмачиларга қочиб кетади. Суд бўлганидан сўнг у қамоқда бўлди. У ердан яна босмачиларга, ундан сўнг эса хорижга, Эронга ўтиб кетади. Ҳозир ҳеч ким унинг тўғрисида ҳеч қандай, тирик ёки ўлик эканлиги ҳақида аниқ маълумотга эга эмас.

«Иттиҳоди тараққий»нинг фақат устави бўлиб, дастури йўқ эди. «Иттиҳоди миллий»нинг алоҳида дастури бўлмаса-да, фақат уставга суюнган. Унинг марказий қўмитасида турклар ҳам бўлган. Алоҳида маҳсус дафтарда берилган топшириқлар қайд қилинса, иккинчи дафтарда эса ташкилот аъзоларининг исмлари ёзилиб, улар номерлар билан белгиланади.

Турклар кетганидан кейин ҳамма иш унинг (Садритдинхон) қўлига ўтади. Шундан кейин у дафтарни тўлдириб борган, бормаганини ҳеч ким билмайди. Шунингдек, у қочоқли даврида ташкилотнинг дафтари ва муҳрини нима қилганилиги ҳозиргacha ҳам аниқ эмас.

«Иттиҳоди тараққий» нима учун «Иттиҳоди миллий» деб номланганини мен шу вақтгача ўйлаб кўрмаган эканман. Энди ўйласам унинг сабаблари қуйидаги лардан бўлган бўлса керак:

1. Ўша ташкилот пайдо бўлаётган пайтда курултойда миллий гуруҳ ташкил топган эди. Шу гуруҳ номи остида ниқобланиш ва ўзларида уларга ташкилотнинг курултойдаги вакиллари деган тушунчани билдириш мақсадида «Иттиҳоди миллий» номини олган бўлишлари мумкин.

2. Садритдинхон дин ва исломпарасат бўлган. Балким, унинг таъсирида бўлган ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожикларни бирлаштириш мақсадида ташкилот номи «Иттиҳоди миллий» («Миллатлар уюшмаси») деб аталганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

3. Муҳаммадбей Туркиядаги усмонпарастлик оқими тарафдори бўлган. Меним эшитишмча, у туркпарастлар ва турнапарастлар норози бўлиб, бир неча туркий бўлмаган, яъни яхудий, арман, араб ва грек миллатларини бирлаштирувчи усмонлилар давлатини Туркия номи билан атash тўғри бўлмайди деб айтган. Шу сабабдан ҳам, у кишининг таъсирида Туркистонда яшовчи қозоқ, қирғиз, ўзбек, туркман, тожик, рус ва

яхудийларни бирлаштириш мақсадида ташкилот «Иттиҳоди миллий» деб номланган бўлиши мумкин.

Умуман, «Иттиҳоди миллий»ни «Иттиҳоди тараққий»га айнан ўхшаш, фақат маҳаллий тараққий-парварлардан иборат бўлган, эски майший турмуш ва мустамлакачиликка қарши мақсадда бўлган ташкилот деб атash ҳам унча тўғри эмас. Аслида у жуда кенг мақсадни кўзлаган...

ЕР МАСАЛАСИ ҲАҚИДА

Маҳаллий аҳоли орасида яширин ташкилотлардан фақат «Турк Адами марказияти фирмаси»гина ер масаласи билан шугулланади. У бу масалани ўз дастурига кириптган эди. Бошқа ташкилотларнинг бирортаси ҳам бу тўғрисидаги масалани қофозга туширган, ўз фикрларига эга эмас.

Кўрсатилган ташкилот дастурида ер масаласини акс эттириш вақтида зиёлилар (тараққийпарварлар) Низамутдин Хўжаев, Авлоний, мен ва Афанди Зода билан бир қаторда Миродил, Обиджон Махсудов ва уларга ўхшаш савдогарлар ҳам иштирок этган эди. Зиёлилар катта ер эгаларининг ер участкаларини ерсиз кишиларга бўлиб беришни, савдогарлар эса умуман бу масала билан машғул бўлмасликни ва уни дастурга киритмасликни таклиф қиласди. Зиёлилар кўпчиликни ташкил қилганилиги сабаб ер масаласи қуйидаги талқинда дастурга киритилади: «Етарли куч ҳамда сотиб олиш имкониятлари бўлмаганилиги ҳисобга олиниб, катта бойларнинг ерлари ерсиз кишилар ўртасида бўлинганда унинг баъзи бир қисмининг қиммати тўлансин».

Шу билан бирга дастурда уни юқорида айтилган шаклда амалга оширишнинг ўйлари ҳам акс эттирилди... гап шундаки, маҳаллий тараққийпарварлар ҳар хил табақаларга мансуб бўлгани учун ҳам, уларнинг ер масаласи тўғрисидаги фикрлари ҳам ҳар хил эди. Масалан, баъзи бирорлари ерни умумлаштириш, бошқалари эса хусусий мулкчилик тарафдори бўлди. Аммо кўпчилик ортиқча, ўз эгалари ишлай олмайдиган ерларни ижтимоийлаштириш, ишлашга кучи бўлган ер ва боғларга эса тегмаслик керак деган холосага келади. Менимча, маҳаллий коммунистларнинг кўпчилиги ҳам шу фикр тарафдорлари бўлган эди.

Ер ислоҳоти вақтида Заҳритдин Аглиям ва бошқалар ҳам мендан унга бўлган фикримни* сўрашди. Мен

уларга умуман ер ислоҳотига қарши эмаслигимни, аммо уни амалга ошириш усули тўғрисида бошқа ўз фикримга эга эканлигимни айтдим. Бу шундан иборат эди: agar бир кишининг 50 десятин ери ҳамда унга тегишли зарурый жонли ва жонсиз хўжалик инвентарлари бўлган бўлса, унга бу ер ва инвентарларни бир бутунлигича сақлаб қолиш мақсадида, батраклар ўртасида бўлиб ташланмасдан, маълум батраклардан иборат қишлоқ хўжалик ер участкасини ташкил этиш зарур. Дастреб эса бу хўжаликка олдинги ер эгасининг ўзини бошлиқ қилиб қолдириш мақсадга мувофиқ бўлади...

Хозирга келиб эса, ер олган батраклар қайтадан колхозларга бирлашмоқда, шу билан бирга колхозларга олдин батракларга бўлиб берилган инвентарлар топширилмоқда. Тажриба кўрсатиб турибдик, менинг ер ислоҳотини ўтказиши усули тўғрисидаги фикрим тўғри бўлган экан.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ОЗОД ҚИЛИШ МАСАЛАСИ ҲАҚИДА

Маҳаллий зиёлилар хотин-қизларни озод қилиш масалаларида коммунистлар билан бир фикрда бўлди. Буни куйидагилар исботлаб турибди: 1907 йилдаёқ зиёлилар ташаббуси билан ўғил ва қизлар учун умумий бўлган янги усуздаги мактаб очилган. Бундан ташқари аёллар учун маҳсус усули жадид мактаблар ҳам ташкил этилган эди. Феврал инқилоби вақтида ўқитувчиларнинг биринчи қурутойи чакирилиб, унинг делегатлари таркибига аёллар ҳам киритилади. Қурутойда ўқитувчилар семинариясини очиш тўғрисида зиёлилар билан (мугаассиб — С. Х.) диндорлар ўртасида кураш авж олди. Мана шундан кейин зиёлилар Шаҳар думаси ва таъсис мажлисига аёллардан делегатлар юбориш масаласида ҳам зиёлилар диндорлар билан кураш олиб боради. Марказда чақирилган умуммусулмон Қурутойида Убайдулла Хўжаев Туркистон аёлларини озод қилиш масаласини қўтаради. Бу далиллар шундан гувоҳлик бериб турубдик, маҳаллий зиёлилар аёлларни озод қилиш учун курашган. Лекин уларда масалани қатъий ва бутун борлиги билан кенг қўйиш учун етарли куч ва таянч йўқ эди. Бу масалани тўла тўқис ҳал этиш ўзро ҳукумати зиммасига тушади. Унда бунинг учун етарли куч ва имконият бор эди.

Кўпчилик тараққийпарварлар шўро ҳукуматининг бу тўғридаги тадбирларини маъқуллаш билан қўл-куватлайди.

Тараққийпарварлар аслида аёлларни озод қилиш тарафдорлари бўлса-да, уни амалга ошириш усули хусусида бир хил фикрда эмас эдилар. Баъзи бирлари фирқа томонидан қўлланилган «Хўжум»ни маъқулласа, бошқалари эса уни номаъқул топиб қуйидагиларни таклиф этади: «Хўжум»нинг бор кучини мактаб ва курсларга ҳамда қориҳоналарга, ташкилотларга йўналтириб, у ердаги аёлларни озод қилиш керак. Шундан сўнг ҳамма аёлларни иш ёки мактабларда ўқиш билан таъминлаш зарур».

Мана бу усул, уларнинг фикрича, жуда мақбул ва фойдалик бўлган. Хозиргача ҳам фирмали ва тараққийпарварлар орасида бу усулни маъқуллаб, то умумий мажлисларда дакки емагунча ўз аёлларини очмай келганлар бор. Бунга улар ҳукуматдан қўрқанидан расмий равишда мажбур бўлган бўлса-да, амалда ўз аёлларини паранжига янада маҳкамроқ ўради.

Агар, энди менинг бу масала тўғрисидаги шахсий фикримга келсак, мен кўп вактдан бери аёлларни анча тезроқ озод қилиш, мактабларда эркаклар билан tenglik асосида ўқитиши ва ишга жалл этиши, уларнинг ҳукуқларини эркакларга тенглаштириш йўлида турли хил усусларни қўллаш билан ишлаб келмоқдаман. Ўзимнинг умр йўлдошимни 1923—24 йилларда очган эдим. У шундан кейин ўқишига кирган. Мен яна шунинг тарафдориманки, 50 ёшдаги аёлларни паранжи ташлашга мажбур қилиш керак эмас, акс ҳолда уларнинг кўпчилиги кўчага чиқишидан кўра ўзларининг қулликда бўлишини афзал кўради.

КАМСОНЛИК МИЛЛАТЛАРГА МУНОСАБАТ

Маҳаллий зиёлилар орасида ёки мавжуд ташкилотларда бирор марта ҳам майда ёки камсонлик миллатлар масаласи мухакама қилинганлигини эслай олмайман. Шунинг учун ҳам мен бу тўғрида фақат ўз фикримнига қисқача баён қиласман.

Маълумки, подшо замонида миллий камсонлик маҳаллий аҳоли («бегоналар») ҳукмрон миллат руслар фойдаланган ҳукуқлардан бебаҳра бўлиб, доимо жабрзулм остида бўлди. Феврал инқилобидан кейин маҳаллий аҳоли баъзи бир ҳукуқларга бўлса-да, маданий қолоқ-

лиги, овруполикларга нисбатан ўзини ҳукмрон миллат қилиб кўрсата олмаганилиги сабабли улардан етарли дарражада фойдалана олмайди. Ўша вақтда бу ҳолат билан овруполикларнинг ўзлари ҳам кураш олиб борсалар-да, катта ўзгариш қила олмайди. Октябр инқилобидан сўнг шўро ҳукумати маҳаллий аҳолини қулиқдан кутқариш, унга кўпроқ ҳукуқ бериш учун тадбир-чораларни амалга оширади. Мана шу билан маҳаллий аҳоли олдидা маориф ишларини ривожлантириш, буюк рус оғмачилиги билан курашиш имкониятлари пайдо бўлади. Ҳукумат маҳаллийлаштириш учун бирин-кетин декретлар чиқарди, шунда ҳам туб жой аҳолиси ўзларига берилган ҳукуқлардан тўла фойдалана олмайди.

Айни замонда шуни ҳам айтиш керакки, ҳозиргacha ҳам маҳаллий аҳолига нисбатан рус миллатчилиги тактаги билан тугатилган эмас. Маҳаллий деҳқон ва ишчиларни «туб жойлилар» («туземцев») деб атаб, уларга шўро ҳукумати берган ўз ҳукуқларидан фойдаланишга тўсқинлик қилувчилар бор. Ҳамма ерда уларнинг таъсири ва қаршиликлари сезилиб турибди. Ўтмишда миллий камсонлик ҳисобланган маҳаллий аҳоли ва унинг қаторида зиёлилар ҳам узоқ вақт шафқатсиз жабр-зулм тортди. Улар бу тўғрида ўз тажрибасига эга бўлиб миллий камсонлилик нима эканлигини, қандай қилиб азобланганлигини, қанчалик ҳақ-ҳукуқлари чекланганлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам улар подшо замонидан бошлаб қул қилинган миллат ҳолатидан озод бўлиш учун ҳаракат қилди, орзу билан яшади, аммо ҳеч вақт ўзини ҳукмрон миллат қилиш мақсадини кўймаган. Улар фақат овруполиклар билан тент ҳукуқни кўлга киритишни ўйлаган эди, холос.

Менинг фикрим мана шу. Қолган зиёлиларнинг фикри ҳам шундан иборат.

ИТТИФОҚ МАРКАЗИГА МУНОСАБАТ

Мен тараққийпарварлар ва улар орасидаги ташкилотлар марказга қандай муносабатда бўлганлиги ҳамда уларнинг мақсадлари ҳақида олдин айтганман. Энди эса уларни тақрорлашга ҳожат йўқ.

... Туркистон (ёки Ўзбекистон) Иттифоқнинг бўлин-мас қисмига айланди. Унга тараққийпарварлар ҳам, ташкилот ҳам қаршилик қилмади. Фақат Туркистон марказ билан қандай алоқада бўлиши кераклиги ҳақида гап-сўз бўлди. Бу ҳозиргacha ҳам маҳаллий зиёли ва

коммунистлар орасида давом этмоқда. Таниқли зиёли ва коммунистлар марказ Ўзбекистоннинг энг майда ишларига ҳам аралашаётганидан норози бўлмоқда.

ТАШКИ ДАВЛАТЛАР БИЛАН БЎЛГАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ҲАҚИДА

Бу ўзаро алоқаларни уч қисмга бўлиш мумкин:
а) «Иттиҳоди тараққий» ташкилоти Туркия билан алоқа боғлаш учун юборган комиссия Туркияда ҳукумат тўнтириши бўлган вақтга тўғри келади ва учрашиб гаплашиши лозим бўлган одамларни топа олмай, муваффқиятсизлик билан қайтиб келади. Иккинчи марта юборилган комиссиянинг баъзи аъзолари, юқорида кўрсатилгандек, йўлда тутиб ўлдирилади. Қолганлари эса Москва орқали қайтиб келади.

б) Садирхон томонидан Англия консулига ёзилган хат фақат Авлиё Отагача етиб бориб, у ерда ушлаб қолинганлиги ҳаммага маълум.

в) Менинг Афғонистон консули билан бўлган шахсий алоқам, шўро ҳукуматига нисбатан унинг энг яқин ва дўстона муносабатда бўлган деган тушунча билан боғлиқ бўлди. Шунинг учун ҳам менинг алоқам шўро ҳукумати олдидা гуноҳ бўлади деб ўйламаган эдим.

Мана шу уч ҳолатдан бошқа маҳаллий зиёлилар ва улар орасидаги ташкилотларнинг ташки давлатлар билан алоқаси бўлган эмас. Шуни ҳам мутлоқ айтиш керакки, буларга ҳозир хорижда муҳожир бўлган ва ўқиётган, у ердан қайтиб келаётган зиёлиларнинг асло алоқаси йўқ.

1930 йил 6 январь

«ИТТИҲОДИ ТАРАҚҚИЙ» ТАШКИЛОТИ АЪЗОЛАРИ ҲАҚИДА

«Миллий иттиҳод»нинг унда бирга ишлаган ёки бошқалар орқали менга маълум бўлган аъзолари ҳақида қўйидагиларни кўрсатишм мумкин: бу ташкилотнинг умуммарказ аъзолари Усмонбек, Ҳайдар Афанди, Собирхон бўлган. Усмонбекдан кейин унга Юсуфбек ва мен кирдим. Саъдуллаҳўжа, Отакон, Сайдакром, Миён Бузрук (Солиҳов — С. Х.) ва Убайдулла Ҳўжаев ташкилотнинг фаол аъзолари эди. Улардан Убайдулла Ҳўжа-

ев Тошкентда камгина яшаганлиги сабабли ташкилот ишида унчалик кўп қатнаша олгани йўқ.

Миён Бузрук ҳам четга кетиш тараффуди билан бўлиб, ташкилот ишидан бироз четда бўлган. Аммо ташкилот қандай топшириқ берган бўлса, бажарип тургани эсимда бор. Бу кўрсатилганлардан ташқари Зиёбек ё Ҳайдар Афандининг айтишича, мана буларнинг аъзоликка қабул қилиниши белгиланган эди: Мухитдин Шарафутдинов, Файзулла Хўжаев, Лазиз Азиззода, Зухурхўжа, Шамси Хўжаев, Саид Камолхон Домла, Фарид Тоиров, Мусахон Миразизов, Тангиркулхўжа (Максудов — С. X.), Абдиқодир Кушбегиев, Норбўтабеков, Юсуф Алиев, Саидносир Миржалилов, Шаҳобитдинхон, Эргаш Нурмуҳаммедов, Сайдвали Семиз, Кудратилла Қори Маҳзумов, Қаюм Рамазанов, Салимхон Тиллахонов, Абдулла Авлоний, Саид Ахроров, Башируллахон Хўжаев, Нажмутдин Шераҳмадбоев, Мирҳабиб Максудов, Абдуллахон Тожиев, Салоҳитдин Асамутдинхўжаев, Эшонхўжа Хони, Илҳом Ёкубов ва Зоиржон. Бироқ, мен бу кўрсатилганларнинг ҳаммаси ташкилотта аъзо бўлган деб айта олмайман.

«БИРЛИК» ТАШКИЛОТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ҲАҚИДА

«Бирлик» ташкилоти эски шаҳардаги босмахона биносида катта умумий йигилишда ташкил этилган эди. Йигилишда 300 дан ортиқ маҳаллий коммунистлар, шўро ходимлари ва тараққийпарварлар (жадидлар — С. X.) қатнашли. Қарийб уларнинг ҳаммаси ташкилотта аъзо бўлиб ёзилади. Менимча, «Иттиҳоди тараққий» аъзоларининг ҳаммаси бўлмаса-да, кўпчилиги «Бирлик»-ка аъзо бўлади. Шунингдек, ўша даврдаги коммунист ва шўро ходимларининг кўпчилиги «Бирлик»нинг аъзоси бўлган эди. Ҳозир уларнинг номлари эсимда йўқ.

«МИЛЛИЙ ИТТИҲОД» НИНГ АЪЗОЛАРИ ҲАҚИДА

«Миллий иттиҳод» бошлиқлари «Иттиҳоди тараққий»нинг ҳамма аъзоларини ва 8-курултойдаги миллий гуруҳ делегатлари (унда «Миллий гуруҳ» номини олганлар)нинг ҳаммасини ташкилотнинг аъзоси деб ҳисоблайди. Ҳозир мен булардан ташқари ташкилотга янгитдан кимларни қабул қиласланигини айта олмайман. Эҳтимол Садритдинхон Обидхўжа, Мансурхўжа,

Қаюмхўжа, Юсуфбек, Асадулла ва бошқаларни ташкилотта олиб кирган бўлиши мумкин. Ташкилот иш олиб бориша аъзо бўлганлардан ҳам фойдаланган.

1930 йил 15 май

**ШАРҚ БЎЛИМИ ЎРТ. АГИДУЛИНГА
(НУСХАСИ ЎРТ. КОРОТСКИЙ ВА МОСКВАДАН
КЕЛГАН ЎРТОҚҶА)**

**Маҳбус Мунаввар Қори Рашидхоновдан
АРИЗА**

Ҳозирги пайтда мен ҳамма ҳукуқлардан маҳрумман ва бир кишилик (камера — С. X.) даман. Менга энг катта жиноятчилар ҳам фойдалана оладиган ҳожатхона ҳам ман этилган. Бунга сабаб мен берган кўрсатмаларга ишонмаслик бўлса керак. Мен касал бўлиб ва қувватсизланиб қолган бўлсан-да, олти ойдан бери бошқаларга ўхшаб ўз айбини яшириб сизни ва ўзимни қийнамай, ҳаммасини батафсил баён этмоқдаман. Бунинг учун сиздан раҳмат олиш ўрнига, бир кишилик да азобланмоқдаман.

Бу ариза билан сизга Тошкент ва Намангандаги ташкилотлар ҳақидаги сўнги маълумотларни маълум қилмоқчиман. Балким, сиз бу ёзувларга ҳам ишонмай, уларни нотўғри деб, менинг маҳбуслик ҳукуқларимни янада чеклаб қўярсиз. Иложим қанча, тутқинликдаман, ҳеч нима қила олмайман, Сизнинг олдингизда ҳатто пашшанинг кучига ҳам эга эмасман. Агар биргина бармолингиз билан боссангиз ўлимим аниқ. Шу ҳолатимни била туриб, мен сизга ёлғон кўрсатма беришим мумкиними? Еки, ўлимдан кўрқсаним учинми? Йўқ, мен бундай ҳаётдан ўлимни афзал кўраман, ҳар бир дақиқа ўлимга тайёрман. Аммо ҳозир мендан ўлим ҳам қочмоқда. Ўзимни оқлаш учун нотўғри кўрсатма бериб, сиёсий бошқармани алдамоқчиманми? Йўқ, албатта. Мен Сиёсий бошқармани алдаб бўлмаслигини, ҳар бир ёлғон мени янада ботқоқча ботиришини яхши биламан. Бу ерда ўтирган наманганлик ўртоқлар «Бизнинг ҳамма сирни биринчи бўлиб у очиб қўйди» деб менга қарши тишларини чархлаб турибди...» Балким, менинг кўрсатмаларимни дўстларим нотўғри деб исботлашга уринаётгандир. Улар баъзи бир, агар имко-

нияти бўлса, ўзларини сақлаб қолиш учун айбнинг ҳаммасини менга юклашдан ҳам тоймайди.

Шунинг учун менинг олдимда фақат биргина йўл бор, у ҳам бўлса, бошимни Сиёсий бошқарманинг остонасига қўйиб, қылган ишларимнинг ва билғанларимнинг ҳаммасини айтиб бериш ва ундан менинг эски обрўларимни ҳисобга олмаган ҳолда Тошкент ва Наманган ишларини ҳар томонлама текшириб кўришни илтимос қилиш. Ишончим комилки, мен учун бундан бошқа йўл йўқ. Мен Сиёсий бошқарма кўрсатмасига кўра, агар бу умумий сиёсат бўлса, қурбон бўлишга тайёрман. Менимча, Сиёсий бошқарманинг мақсади мен каби бир неча маҳаллий зиёлilarни йўқ қилишдангина иборат эмас, балки Тошкент ва Наманган ташкилотларининг ҳақиқий хулқ-авторини аниқлаш бўлса керак.

Мен ўзимнинг сўнги «ёзувларим»нинг ҳар бир жумласи тўғри ва самимиyllигига жавоб бераман...

Бу ёзишма билан мен ўзимнинг ташкилотчилик фолиятимни яшириб, Наманган ва Тошкентдаги ташкилотлар ишида иштирок этганлигимни сизга маълум қилмоқчи эмасман.

Ҳақиқатан ҳам мен ташкилотчилик билан машғул бўлганман. Мен доим барча маҳаллий зиёлilarни бир ташкилот байроби остида бирлаштириш, ҳамма орган ва ташкилотларда иш юритишини маҳаллий тилда олиб бориш ва шу йўл билан уларда ишловчи оврупаликларни ҳам маҳаллий тилда гапириш ва ёзишга мажбур қилиш, шунингдек, буюк рус миллатчиларига қарши курашиш дарди хаёли билан яшадим...

Ҳозир мен сизнинг қўлингизда тутқинликдаман, агар ўлдирмоқчи бўлсангиз, мана сизга менинг бошим...

Менинг шахсий ҳаётимга келсак, мен энг камбагал оиласдан чиқиб, бутун ҳаётимни ҳалқ маорифига, унинг баҳт-саодатига бағишлиб жамоат арбоби бўлдим. Ҳеч қачон мени пул, бойлик ва мансаб қизиқтирганинг. Онгли равищда ҳеч қачон жиноят ва айб иш қилган эмасман. Ҳамиша камбағаллик ва оддий ҳаёт билан қаноатланганман. Ҳатто ўзимнинг биргина шахсий уйимни ҳам ярмини ҳалқ фойдасига маданий мақсад учун ҳадя қилганман. Ҳозир унда 1 май номли мактаб жойлашган. 20-йилларнинг ўрталаригача Туркистоннинг дастлабки инқилобчиларидан бири бўлиб ҳисобланар эдим. Йигирманчи йилда Рискуловчилар гуруҳига кир-

дим ва шу билан аксилиңқилоб «ботқоғи»га ботдим. Ўша вақтларда мен билан бирга ишлаганларнинг бавъзи бирорлари ўз айбини чинакам афсусланиш, бошқалари эса, хоинлик билан пул ва амалга сотилиш эвазига ўзларини оқлаб олди. Мен ўша пайтларда фирмә олиб борган сиёсатнинг маълум қисмига кўшила олмас эдим, шунинг учун виждоним менга икки юзла-мачилик қилишга йўл қўймади.

1930 йил 14 июнь

Бизлар айниқса, миллий чегараланиш ўтказилгандан кейин пировард мақсадимиз — буржуа-демократик Ўзбекистонни барпо этишини амалга ошириш умидидаги ўз фаолиятимизда асосан қуидаги уч ҳолатни ҳисобга олган эдик:

1. Оммада миллий руҳни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

2. Шўро ҳукумати томонидан кўтарилиган шўро аппаратини маҳаллийлаштириш ҳақидаги шиордан фойдаланиб, аста-секинлик билан шўро аппаратини, унга миллий кайфиятдаги кишиларни жойлаштириш йўли билан қўлга олиш.

3. Муҳожирлар билан алоқани ташкил этиш, муҳожирлар ва уларнинг оиласаларига (шунингдек, аксилишурвий фаолиятда жабрланганларга ҳам) ёрдам бериш.

Бизлар ўз фаолиятимизни бу кўрсатилган вазифаларга қаратишда, шўро ҳокимиятининг Оврупо буржуазияси билан тўқнашувда муқаррар равищда ҳалокатга учрашини назарда тутдик. Бизлар унинг (шўро ҳокимиятининг) йўқ қилинишига ишондик ва бунга тайёргарлик кўришга, шўро ҳокимияти ҳалокати юз бергандага ҳокимиятни қўлга олишга тайёр туришга қарор қилдик. Бизлар ўз ҳисобимизда шу ҳолатни ҳам назарда тутдикки, шўро ҳокимияти ва комфириқа жаҳон буржуазияси сикувига бардош беролмай, аста-секинлик билан ўз нуқтаи назаридан, менъшевиклар томон қайтишга мажбур бўлади ва охир-оқибатда ҳалокатга учрайди, деб ишондик. Шу ерда, менимча, Убайдулла Ҳўжаев баёнотини мисол тариқасида келтириш ортиқчалик қилмайди. У шўро ҳокимияти ўзининг биринчи ўн йилликда у ҳарбий тўқнашувга дучор бўлмаса, аҳвол анча қийинлашади, деб айтган эди.

Юқорида кўрсатилган уч асосий ҳолат ўша Шоҳабутдин эшоннинг уйидаги бўлиб ўтган йигилишда биз тузмоқчи бўлган аксилинқилобий ташкилот ва унда тузилган Марказий Кўмита ишининг мазмунини ташкил этиши керак эди. Ташкилотнинг номи масаласи ўшанда очик қолдирилади.

Чегараланиш миллатчилик майлларининг кучайишига турткى бўлди. Бизлар миллатчиликнинг ўсишини ҳамма жабхаларда — оммада ҳам, матбуотда ҳам, адабиётда ҳам, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳасида кузатиб турдик. Бу ҳолатдан бизлар миллийликни [53] ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланишга азму қарор қилган эдик.

Комфирқа ва шўро ҳокимиютигининг ич-ичидан айнаб кетиши ва ҳарбий мағлубият туфайли ўлимга маҳкумлигини ҳисобга олган ҳолда, биз ўзимиз белгилаган вазифаларни рўёбга чиқариш учун амалий ишга киришдик.

Миллий форум, миллий руҳни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасидаги тарғибот ишларини олиб бориши коммунистик кадрларнинг (савиаси — С.Х.) паст бўлганлиги сабабли осон кўчди. Тошкентдаги газета ва журналларнинг редакцияларида ҳамда адабиётда Фози Юнус, Жулкунбой, Санжар, Элбек каби миллий зиёллилар катта рол ўйнаши билан бирга, салмоқли таъсирга эга эдилар. Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам ахвол шундай эди. Гапнинг қисқаси, матбуотда миллий таъсир коммунистик таъсирдан кучли эди. Масалан, чегараланишдан кейинги дастлабки даврдаги миллий матбуот ахволи тўғрисида аниқ ва тўғри тасаввурга эга бўлиш учун маҳаллийлаштириш масаласи соҳасидаги газета мақолалари билан танишишнинг ўзи кифоя. Фози Юнус очиқдан-очиқ ёсса, бошқалар ўз миллий гояяларини инқилобий сўзлар остига олган ҳолда, эҳтиётлик билан ёзади.

Чўлпондан ташқари, миллий руҳдаги ёзувчилардан Элбек, Фитрат ва бошқаларни кўрсатиш мумкин (масалан, Фитратнинг «Турк ўғли» мактабларда «Байналмилал» ўрнида ашула қилиб айтиларди).

Миллийлик руҳи иложи борича бадиий адабиёт ва дарсликларга, шу жумладан, ўзбек тили ва адабиёт дарслигига сингдирилишга ҳаракат қилинди. Мисол тариқасида мен, Шорасул Зуннун ва Каом Рамазоний томонидан тузилган ўзбек тили дарслигини кўрсатиш мумкин. Унинг тўртинчи қисми мусодара қилин-

ган, олдинги уч қисми эса ўзгартиришлар билан қайта чоп этилган. Шорасул Зуннуннинг грамматикиаси («Тил қоидалари»)да Чўлпоннинг ҳали эълон қилинмаган, даврдан нолувчи шеъридан парча ҳам бор эди...

«МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ» СОҲАСИДАГИ ИШ ХУСУСИДА

...(Шўро ҳукумати — С.Х.) аппаратида ишлайдиган кишиларни тайёрлаш ва улар орқали аппаратни қўлга олишга қарор қилинган эди. Бунинг учун бизлар шўро ҳукуматининг маҳаллийлаштириш тўғрисидаги шиоридан кенг фойдаланишга келишиб олдик. «Миллий истиқол» учлигини тузиб, унинг фаолиятини маҳаллийлаштириш масаласига йўналтиришга жиддий эътибор берилди. Бу мақсад учун «Учлик»нинг бирни маҳаллийлаштириш комиссиясига яқин туриши, бошқаси редакцияда ишлаши ёки унга яқин бўлиши, учинчиси эса муассасалар билан алоқада бўлиши ва бизнинг кишилар учун хизмат қилиши керак эди...

Бир вақтлар маҳаллийлаштириш соҳасидаги комиссияни бизнинг одамимиз Али Расулов бошқарган.

1930 йил 18 июль

Толибжон Мусобоев ҳам Нажмитдин Шераҳмадбов каби «Иттиҳоди тараққий»нинг фаолларидан бўлган. У Сайдносир Миржалолос ва Али Расуловлар билан биргаликда 1922, 1923 йилларда «М. И.» («Миллий итиҳод» — С.Х.) ишларида фаоллик кўрсатади.

Мен Мухитдинов орқали Бухородан олинган 100 ёки 200 тилло танғани Сайдносир (Миржалолос) ва Толибжон (Мусобоев)га берган эдим.

«Иттиҳоди тараққий»нинг фаол аъзолари қуйидаги кишилар бўлган: Саъдулла Хўжа, мен, Сайдакрам (Сайдазимбоев), Рамзетдин, Отахон (Назирхўжаев), Толибжон Мусобоев ва бошқалар. Энг муҳим йигилишларда бу фаолларнинг ҳаммаси қатнашар эди.

1930 йил 23 июль

Биз миллатчилар икки гурухга бўлинар эдик. Биринчи гурух бу Ўзбекистондаги миллий ҳаракат йўлбошликларидан иборат бўлиб, «Иттиҳод ва тараққий» ва «Миллий итиҳод» каби аксилинқилобий ташкилот-

ларни бошқаради. Бу гуруҳга мен Мунаввар Қори, Убайдулла Хўжаев, Сайдулла Турсунхўжаев, Файзулла Хўжаев (у ташкилотнинг Тошкент бўлимида иштирок этган), Сайдакрам Сайдазимбоев, Отахон Назирхўжаев, Сайдносир Миржалилов, Али Расулов, Толибжон Мусобоев, Миён Бузрукни киритиш мумкин.

Булар кексаларнинг Тошкент гуруҳи бўлиб, босмачилик даврида, 1921 йилда босмачилар билан алоқада бўлади (босмачиларга Тангиркул Хўжа, Усмонхўжа Тошхўжаев ва Обидхўжа Сайдовлар юборилган).

1924 йилда бу гуруҳ бошлиқлари (Мен, Сайдносир Миржалилов, Убайдулла Хўжаев) ўзларининг аксил инқилобий фаолияти учун шўро ҳукуматидан жабрланганлар, шунингдек, хорижга қочиб кетганлар ва уларнинг оила аъзоларига ёрдам бериш масаласида икки ёки уч марта йигилиб, маслаҳат қилди.

Биринчи навбатда фақат жабрланган (сургун қилинган) ва қочоқларнинг оиласида ёрдам беришга қарор қилинди. Шу ернинг ўзида йигилганлардан пул йигиб олиниб, Сайдносир Миржалиловга «Туркистон» ўртоқлик ширкатида сақлаш учун берилди. Бу йигилишларда иккинчи гуруҳдан ҳам кишилар қатнашган эди. Охиригисида иккинчи гуруҳга учлик сайланади. Улар йигилган пулларни ишлатиш ва шўро аппаратини миллийлаштириш соҳасида иш олиб бориши керак эди. Учликка Зоҳир (Заҳириддин) Аглям, Шахобитдин ва Эргаш кирди.

Шундан сўнг миллатчиларнинг биринчи гуруҳи (1924—1925 йилларда) ҳеч қандай ташкилий фаолият кўрсатаолмади...

Миллатчиларнинг иккинчи гуруҳи: Салимхон Тиллахонов, Лазиз Азиззода, Обидхўжа Сайдов, Тангрикулхўжа, Шахобитдин, Эргаш, Мансурхўжа Сайдов, бир сўз билан айтганда, аксилинқилобий «Миллий итиҳод» фаолиятида фаол иштирок этади.

Бу гуруҳдан Салимхон Тиллахонов, Лазиз Азиззода, Асадулла 1925 йилда ҳам уюшган фаолият билан банд бўлдилар. Мен уларга ГПУ олдида фош бўлиб қолишиларини назарда тутиб, С. Тиллахонов орқали ўзларини уюшган фаолиятдан четда тутишларини ва ташкилотта раҳбарликни ГПУга маълум бўлмаган янгитдан тузилган учликка, яъни учинчи гуруҳга топширишни маслаҳат бердим. Бу учинчи гуруҳга Фулом Икромов, Мирхалил Каримов, Илҳом Исломов, عبدالқосим Зиябов, умуман «Миллий истиқбол» ташкилотининг Тошкент бўлими аъзоларини киритиш мумкин.

МУНАВVAR ҚORI АБДУРАШИДХОНОВНИНГ МАЪРУЗА, МАҶОЛА ВА ШЕЙЛARI

ТОШКЕНТ ОКРУГИ МАДАНИЯТЧИЛАРИ ҚУРУЛТОЙИДА (1927 ЙИЛ)ГИ МАЪРУЗА [54]

Маърузачиларнинг тадбири бўйича бизнинг муаллималаримиз ичидаги мактаб бошқа-ю сиёsat бошқа, дейдургон кишилар бор эмиш.

Мактаб қайси синф қўлида бўлса, шу мактабларда шу синфнинг мағфураси тарқалади ва илгари суриласди. Бу гапга кўнмаганларни янгилишган, ўжар кишилар деб айтишга жасорат қиласиз. Жадидликка қандай баҳо бериш тўғрисида қўйидаги асосларни келтираман: жадид мактаби қай вақтда ва кимлар қўли билан вужудга чиқди? Мана буни текшириш учун йигирма йил илгарига қарашиб, албатта лозим. Ҳозирги пайтда ўрта маълумотга эга бўлган кишилар, Масков ва бошқа жойларга бориб ўқишини ҳавас қилса, авваллари саводи чиқсан бир киши Бухоро бориб ўқишини ўзи учун бир шараф деб билар эди. Чунки улар илмни фақат дингина деб билар эдилар. Муҳит шуни тақозо қиласиз эди... Жадид мактаби ташкил қилғонлар ҳам эски мактаб, мадраса ва қориҳоналарнинг етиштирган кишилари эди. Улар ёлғиз Богчасаройда чиқадурғон Исмоил Фаспринскийнинг газетасини ўқидилар ва шу орқали мактабни яхши тушуниш, китоблар олдиради эди. Буларга баҳо янгилиш ва ортиқча берилган. Чунки ўша вақтдаги жадид мактабига уламо, бой, ҳамма ва ҳамма қарши эди. Жадидлар шундай шароит ичидаги жасорат билан чиқиб иш бошлағон эканлар, буларга бериладурғон баҳо ҳам шундан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Жадидлар шу мактабга яхши назар билан қарагон кишиларни ўзига дўст кўриб кучогига тортар эди. Буларнинг бой, руҳоний, савдогар бўлишидан қатъи нашар, секин-секин жадидлар дўсти кўпайиб, турли гуруҳлардан иборат бир жадидлар тўдаси ташкил қилинг. Инъомоғни жадидларни алоҳида синф қилиб кўрсатиши номаъқул гап. Жадидлар палисанинг кўркинчи қоттиқ бўлса ҳам, қийинчиликларни ўз устига олиб гизет чиқарди ва халқга тарқатти.

Жадидларнинг энг азоб тортқон даври Керенский вақти бўлди. Керенский вақтида идораларга уламолар миниб олди. Мактабга ёрдам бериш ўқда-турсын, чор

хукумати даврида берилиб келган моҳиёналар ҳам берилмади, тўхтади. Уламоларнинг ўша вақтдаги кучга молик бўлгандарини жадидлардан думага 11 та, уламолардан 65 та вакил сайланиши билан исбот қиламан. Жадидлар ўз уламолари, бойларга қарши, рус социалистлари билан бирга қўлға-қўл бериб ишлади.

Кўқон мухториятини рус менъшевиклари тузди. Чўқоев унга жуда яқин эди. Убайдулла Хўжаев ва Низомиддинлар мухториятга қатнашди. Ўша вақтда жадидларнинг отаси бўлиб ҳисобланган мен ўзим лоақал миллат мажлисига аъзо бўлиб ҳам сайланмадим. Жадидлардан Кўқон мухториятига қисман аралашғон кишилар бўлса ҳам кўбчилиги четда турғон.

Яна бир гап борки, жадидлар октябрь инқилобини яхши қарши олмағон эмишлар. Октябрь инқилобини рус ишчилари қылғонини ҳеч яшириб бўлмайди. Биз уларнинг тайёринг айёр бўлиб ишлай бошладик. Октябрдан кейин жадидлар Керенский сиқиндисидан қутулди. Мактабларни ҳукуматга бериб, ўзлари шўро муассасаларида ишлай бошладилар. Октябрь ўзгаришига жадидлар раҳбарлик қилди, дейиш ҳам, октябрни улар яхши қарши олди, дейиш ҳам хато гап.

Жадидлар октябрь инқилобига ёмон қарагон бўлсалар эди, 20—21 йилларгача шўро идораларида ишлаб келмас эдилар. 21 йилдан бошлаб жадидлар катта хато қилди. Турккомиссия томонидан қилингон ҳаракатларни мустамлакачилик, дедик. Ҳақиқатан, улар мустамлакачи экан, уларга қарши курашмай, бутун ишни ташлаб, араз қилиб, ўзимизни четта олишимиз катта хато бўлган. Шу ишимишга пушаймон қилиб, шу вақтгача ишлаб келсан ҳам хизматларимиз хатомизни ювигетар даражага бормағонға ўхшайди.

Чор ҳукуматини йиқитиши жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки, биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда ўлтуриб насия ёзадургон ходимлар етказсан? Шу ишки ақлли одам шу баҳони беришдан у ёқ, бу ёқни мулоҳаза қилсин. Жадид мактаби очишмишга сиёсий ва маданий курашчилар тайёрлаш баҳоси берилмаганига таассуф билдиrolмай ўта олмайман. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўша вақтдаги жадид мактабини битириб чиққон баъзи йигитларимиз ҳозир масъул ўринларда туради. Жадидлар чор ҳукуматини йиқитиб, Туркияга ёки Польшага

ўхшаш бойлар ҳукумати ташкил қиласди, деган назариялар ҳам йўқ эмас эди.

Ўша вақтда бир мажлисда рус мустамлакачилари билан курашамиз, деган эдим. Агар борди-ю, рус ўртоқлар шу тапимга араз қилиб, «Ол мамлакатингни, ўзинг идора қил», деса, мен уларнинг оёғига ёпишиб, энг аввал айтар эдимки, биз сиз билан эмас, сизнинг бойингиз, уламойингиз ва мустамлакачиларнинг билан курашамиз, дер эдим. Жадидларнинг шўро ҳукуматига дўстлигини куйидаги ҳужжатлар билан исбот қиласман: Январь инқилобида ўн икки соатлик ҳукумат бўлди. Ростовский ва Абдусафийхонлар одам қидириш режасини тузди. Шунда жадидлар қочиб кетди. Қачонки, большевиклар голиб бўлди, деган хабар эшитилгандан кейин чиқиб, большевикларга қарши бўлғонларни суд қилиб, отиб юборилди.

Биз ҳалқнинг аҳвол-руҳияси билан ҳисоблашиб, ер ислоҳоти, паранжи масалаларини ўтгиз йилсиз ҳал қила олмас эдик. Больщевиклар фирмаси бу ишни ўн йилда бажариб қўйди, биз ўша вақтда зиёли деб русларнинг ўрта ва олий мактабларида ўқигон кишиларни айтар эдик. Жадидлар билан коммунистларнинг ҳаёти маҳкам бояланган эди. Улар ўлса ўлди, тирилса тирилди. Ўлгунича инқилобни ҳимоя қилишга тайёр. Жадидларнинг бир иккитасидан гуноҳ ўтган экан, ҳаммасини қоралаш яхши эмас.

*Нашрга тайёрловчи: филология
фаниари номзоди Шуҳрат Ризаев.*

НИКОҲ ТЎҒРИСИДА

Жаноб муаллифи ва муҳаррири «Тараққий»дин илтимос қилурманки, никоҳ масъаласи хусусида мани бу беш-олти калима сўзимга «Тараққий» саҳифасидин жой берсалар.

Қол ун-наби саллоллоҳи алайҳа васаллам ал-никоҳ суннати фамни рағаба ан суннати фалис маний мазмунича бир оқил ва болиг кишига тазвиж, яъни уйланимоқ суннат мўъқадаларни бири бўлмоқиға ҳеч шубҳа йўқдур. Бунга биноан ҳар ким ўз жуфтини топиб алай қадрул ҳол тўй ва тамоша қилиб имом афандиларимиз фасеҳ ва мавзун иборатлар бирла ақди шаръий қилиб бар важхи суннат хутба ўкуб қизғи куёв қўлиға таслим қилурлар. Ҳуб яхши. Аммо икки-уч мўъссаси

бордурки, анинг фасахига кўшиш қилмоқ уламои зулэхтиромларимизга вожиб даражасида аҳм ва зарурдир. 1-нчиси қалмоқ ва хитой тоифалардин қолгон бир расми қабиҳдурки, никоҳдин бир кун муқаддам беш-ён нафар созанда ва жавонларни жамъ қилиб неча хил афъол қабоиҳ гайри машруълар бирла ўз ёр ва биродарлариға базм қилиб кўрсатиб офаринлар эшитур. Бу ишни шаръян ҳаромлиғи изҳари мин ал-шамсдур. Амо авомунносфа чунон шоёй бўлмишдурки, мартабай истехсолдин ўтуб суннат, балки вожиб даражасига етибдур.

Закот бермоқ фарз бўлган ҳолда, бир бой закот бермаса, ҳеч кимни иши йўқ. Аммо ўғлини уйлантуруб базм бермаса, авомлар ўртасида маломатга мустаҳиқ бўлур.

2-нчи. Никоҳ куни келинни куёв ҳавлисиға олиб борурда кўриладурғон бир расм шуниъадурки, бир аробага келинни солиб ул аробани олдида икки-уч фагра хотунлар беибо чирманда чалиб ва ҳофизлик қилиб бормоқлари, агар куллиян бўлмаса ҳам, аксар жойда кўрилмакладур. Бу бадбахтларни аврат овозини эшитиб кўб мусулмонлар гуноҳкор бўлмакладур.

3-нчи. Даилол ва ё яллачи масъаласидурки, муни ҳаромлигидин зиёда заарлари ҳам бор. Чунончи бир ҳавлида яллочи ўйнаса, жамеъ хотунлар ани атрофида туруб ўттага мажусий оташпарамалардек оташ ёқурлар. Баъзи жойларда ул бадкирдорларни ўйунини эркаклар ҳам бир тарафда туруб тамоша қилурлар. Ва баъзи нодонлар кўлларига танга олиб, ўйинчани чақириб баро-аъло фоҳишабозлик қилурлар. Буларни бу ишларини бўлак мастира хотунлар кўруб турурлар. Мазкур эркакларни бир кўзлари ўйинчидан бўлса ҳам, бир кўзлари бошқа хотунларда бўлур. Ҳосили калом, тоқати исломиятдин хориж бир хилофи шаръидурки, буни шевий ва давоми аҳоли исломни гайрат ва ҳамиятдин бутун-бутун жудо қилур. Бас, бу афъоли қабиҳларни фасиҳига уламолар кўшиш қилмасалар, ва бу ишларни шаръян жоир эканлигини авомунносга билдурмасалар, авомуннос бу хилофи шарь ишларни истехдол ва истехфонида мудавомат қилсалар керак. Ва бул эътиқоди фосидалари бора-бора уламоларга ҳам таъсир қилса, бул хилофи шаръларда авомунносга мутобъят қилсалар керак. Балки мутобиъатлари ҳам кўрулмакладур. Ҳаттоқи, баъзи аҳли илмлар бул ишларни жавозият ва шарълигини тавжия қилмакладурлар. Ёраб, мундай фа-

соди ахлоқ ва мундай беҳамиятлиқдурки, шундай хилофи шаръларни манъига эллик-олтмиш минг мусулмондин бир гайрат соҳиби топилмас.

«Ҳар беша гумон мебарки холист, шоядки паланг хуфта бошад» мазмунича, гайрат ва ҳамият соҳиблари алҳамдутилло мавжуддирлар. Чунки бундин муқаддам базм ва яллочилар ҳақида ёзган мақоламизни «Тараққий» саҳифасида ўқуғон кишилар ҳаттоқи маҳофиз шаръи шариф бўлган қози исломимиз бул тўғрида изҳори мамнуният қилдилар. Баъзи маҳаллаларда ижтимоъ бўлуб ҳар ким тўйида бачча ва яллачи ўйнатса, маҳаллага кўшулмасун ва аралашмасун деб фотиҳа ўқуғонлари ҳам эштилди. Бул жанобларни имсоллари кўпаймогини самим қалб бирла вожибулвужуддин талаб ва истеъдо қилиб дермизки, боракалла, яшасун гайрат, яшасун ҳамият, олами исломиятда бул тариқа хилофи шаръларни манъига энг аввал гайрат қилган жанобларни табриқ ва таҳсин қилиб, бошқа маҳаллаларни ҳам бул жанобларга лоҳақ бўлмоқларини илтижо қилурмиз. Аммо фуқароларни соҳиб гайратлари «паланг хуфта» манзиласидадурларки, «паланг хуфта»ни куввати ҳеч ерга етмас. Масалан, бир маҳаллани имоми ё элликбошиси бош бўлуб манъ қилсалар, иккинчи маҳаллаға таъсир қилмас. Иккинчи маҳаллаға таъсир қилса, учинчи маҳаллаға йўл тополмас. Ва бул хилофи шарълар чунон шоёй бўлмишdirки, баъзи беҳамиятлар маҳаллаға кўшулмасликига рози бўлуб базм ва яллочини таркиға рози бўлмас, чунки ота-боболаридан қолғон расм эмиш. Бас, бу расми қабиҳларни манъ ва фасхи уламои зулэхтиром ва қуззотулислом ва ҳукуматдорони некномларимизга лозимдурки, бул жаноблар бир ижтимоъларида иттироқ қилиб фалон ва фалон ишларни мухолифи шаръи шариф бўлғон важҳидин манъ қилдук. Ва ҳар ким қилса, фалон жазога мустаҳиқ бўлур, деб ҳукм қилмоқлари бирла бул хилофи шарълар бутун орамиздин кўтарилиб ва бул ишларни сабаби бирла дунёи ва охиратда сазовори ажр бўлмоқларида шаръян ва ақлан ҳеч шубҳа йўқдур. Яхудийларни забиҳини манъ қилмоқ тўғрисида қилғон ҳамият ва жасоратлари бутун Туркистон мамлакатига таъсир қилғондек, буни ҳам таъсири бутун Туркистон мамлакатига, хусусан Фарғона музофотларига таъсири маълумимиздур. Хайруннос мин янфуннос ҳадиси шариф моълинча сифати хайруннослик бирла мутассуф бўлмоқларида ҳам шак йўқдур. Зерокӣ, бул ишларни

мань қилмоқ мусулмонларни дин ва дунёларига фойда еткурмакдур. Дунёларига фойда шулки, бул хилофи шаръларни сабабидин охиратда тортадурғон дўзах азобларидин халос бўлурлар. Дунёларига фойда шулки, бачча ва яллочини бир кечалик муздига берадурғон ўтуз-кирқ сўмлари ўз кисаларини манфаатига қолур.

Ҳаммадин бил маддаси ажаброқдурки, мухолифи шариат, бидъат бўлган бадбахт яллочи ва баччаларни муздлари ўтуз сўм-кирқ сўм бўлуб, куёв ва келин кўшулмоқларини ҳалитига энг умда зарур сабаб бўладурғон хотба ўкугувчи имом афандиларимизни муздлари йигирма тийин ё ўтуз тийин бирла бир ўн тийинлик дастрўймолдур. Ёраб, мундай ҳам бетартиб ва бенизомлик бўлурмуму?!

Фарёд аз замонаи бемехри қажхиром,
Хунрез, жонситон, ғамангез, бенизом.

(«Тараққий». Ўрта Озиёнинг умр гузаронлиги газети, 1906 иш, 3 феврал, № 8; 9 феврал, № 9).

И з о ҳ л а р: жавон — ёшлар; афъоли қабоиҳ — қабиҳ, ярамас феъл, автор; гайри машруъ — шариатдан ташқари; авомуннос — оддий халқ, қора халқ; шоєъ — ёйилган, машҳур, ошкора; мартабаи истеҳсол, суннат, вожиб — шариат бўйича бажарилиши турли даражада бўлган ҳаракатлар; куллиян — барча, ҳамма; аврат — номаҳрам эшитиши лозим бўлмаган нарса; фасех (фасх) — бекор қилиш; кўшиш — ҳаракат; мутобаат — изидан бориш, эргашиб; «Ҳар беша гумон мебарки холист, шоядки паланг хуфта бошад» — «ҳар чангалзорни хавфсиз дема, балки унда йўлбарс яширингандир»; ушбу сатр билан бошланган мақоланинг иккинчи қисми «Тараққий»нинг 9 февраль сонида босилган, шу боис биринчи қисмiga уламолар томонидан муносабат билдирилган; ижтимоъ — жам бўлмоқ; имсол — мисоли; самим қалб — чин дил; истеъдо (истидъо) — сўраш, ялиниш; қуззотул-ислом — ислом қозилари; некном — яхши ном; яхудийларни забиҳи — яхудийларнинг мол ёки қўйни сўйишлари; музд — ҳақ, меҳнат ҳақи; «Фарёд аз замонаи бемехри қажхиром, Хунрез, жонситон, ғамангез, бенизом» — «бемехр, қийшиқ ҳаракатланувчи, қон тўкувчи, жонни ҳалок этувчи, ғамга солувчи, тартибсиз замонадан дод».

БИЗНИ ЖАҲОЛАТ — ЖАҲЛИ МУРАККАБ

Ҳар миллатни мактаб ва мадрасаси ўлдиги каби бизни ҳам мактаб ва мадрасаларимиз гарчи бенизом ва беусул бўлса ҳам, йўқ демак даражада оз эмасдур. Ҳар миллат авлодини тарбият ва таълими улумда кўрсатган ҳиммат ва гайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодларини жаҳолат ва гафлат зулматида қолмоқига ҳеч бир ризолари ўлмай, қўлларидин келганича таълим ва тарбияти авлодда қусурлик кўрсатмакчи зотлар мавжудирлар. Ва лекин дунёга нима учун келганин билмай, илм ва маорифга асло рағбат қилмай, жонидин ширин болаларини кўча-бакўча кездуруб бечора маъсумни умрини жаҳолат оташина ёндиргувчи беҳамият ва бедиёнат оталар ҳам орамизда оз эмасдур. Кўб диндошларимизни кўрармизки, ўз фарзандларини асло мактабга бермай, орқаларидин эргаштуруб руслар эшикида ўзлари каби хизматчиликга ўргатуб дунёи ва охиратни саодати ўлғон илм ва маорифдин маҳрум қўймоқдин ҳеч бир ибо қилмаслар. Баъзи азизларимиз бордурки, ўғлини қўлидин тутуб мактабга олиб борур. Муаллимдин талаб қилурки, «Тақсир, шу ўғлимни гўшти сизники, устухони бизники, бир илож қиilib тезлиқ ила нақд ва насия ёзмоқни ўргатиб берурсиз», дер. «Эшакига ярашур тушови» деган сатрларни мақолича, муаллимларни ҳам аксарлари қонуни таълим ва тарбиятдин бутун-бутун бехабар кишилар ўлуб, балки ўкув ва ёзувни ҳам лозиминча билмасликлари важҳидин бечора маъсумларни истеъодд үз-зотиясиға назаран икки йил зарифида ҳеч лавозимоти динийяни билдурмоқ мумкин ўлғон ҳолда тўрт-беш йилгача ҳижжа усули бирла дунёи ва охиратга фойдаси ўлмағон Фузулий, Навойи, Хўжа Ҳофиз ва Бедиллар каби мушкул манзума китобларга умри азизини барбод этарлар. Эй ватандошлар! Диққати назар ила боқинг! Бир болани мактабга бермакдин мақсад ва ижобати диниямиз ўлғон илми қироат, масоили эътиқодийя, фарз, вожиб, суннат, мустаҳаби ҳаром, макруҳ, нағоз ва рўза, ҳаж ва закотларни ва ҳам зарурияти дунёвиямиз ўлғон илми ҳисоб, жуғрофия, таворих, ҳусусан тарихи ислом каби фойдалик илмларни билдурмоқ ўлғон ҳолда жоҳил домлаларни таълими «Фалоннинг қоши қаро, кўзи қаро, юзи оқ, сўзи ширин», деб болаларни фасод ахлоқига биринчи сабаб ўладурғон манзума китоблар ўлмиш.

Бу хусусда отада ҳам айб йўқ. Чунки бу бечорани эътиқодида болани ўқутмак ёлғиз нақд ва насия ёздурум оқдин иборатдур. Муаллимда ҳам айб йўқ. Чунки бу зикр қилингон умуми заруриятларни бечора муаллимни ўзи ҳам билмас, балки баъзиларини исмини ҳам эшиткон эмас. Бечора на қиссан? Ночор, бефойда бўлса ҳам, мактабларда болаларга ўқитгудек булардин бошқа бир китоб топилмағон замонларда ўзи ўқуб билғон китоблари шу китоблар ўлдиғ-чун эски ўрунларда эски тушларин кўрмакдадур. Мани бу сўзимдин Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз, Бедиллар каби улуғ зотларни таҳқиқ қилиди, деб гумон қилинмасун. Чунки мани гарзим бу китобларни зотини бефойда демак эмас. Балки ёш болаларга бу китобларни таълими бефойда демакдур. Масалан, бир болага Фузулий ўрнига илми қироат, Навоий ўрнига масоили эътиқодия, Хўжа Ҳофиз жойига масоили амалиёт, Бедил бадалига илми ҳисоб ўқутулса, дин ва дунёси учун қанча фойдалар ҳосил қилиб мусулмон ўлур. Бильякс, бу китобларни ўзи ўқитулғон ҳолда бу фойдалардин маҳрум қолиб, балки фасоди ахлоқға мубтало ўлмоғи ҳам эҳтимолдур. Чунки бу китобларни тасниф қилғон зотлар Аллоҳ таолоға қарибат пайдо қилғон кишилар ўлғонлари учун этгон сўзларини зоҳири шариатға мухолиф ўлса ҳам, ҳақиқати мувофиқдур. Чунончи, мавлоно Фузулий дерки, фард:

Санамлар саждасидур бизда тоат тангри-чун, зоҳид
Ким, ки кўрсанг, сан ўз динингда таклифи намоз айла.

Ёки

Хўблар меҳроб абрўсина майл этмаз фақъя,
Ўлса, коғирдур, мусулмонлар, анга қилманг намоз.

Мавлоно Ҳофиз дерки:

Май нўш, ки умри жозидонй ин аст,
Кайфияти рўзгорй фоний ин аст,

Ҳангоми гул лолау ёрон сармаст,
Хуш бош, дамеки зиндагонй ин аст.

Бу каби сўзларни зоҳири мухолифи китоби суннат бўлса ҳам, ҳақиқати бошқадур. Аммо ёш болалар, шубҳа йўқдирки, буни ҳақиқатини билмаслар. Балки, ўқутгун муаллимлари ҳам билмаслар. Ночор зоҳирий или амал қилиб, фасоди ахлоқға мубтало ўлмоқ хавфи бордур. Баъзи жуҳало дермишки, бу тартиб ҳазрат Имом

Аъзамни тартиблари, буни бузаман деган кишини ўзи бузилур. Ажабо, бу каби жаҳолат ҳам бўлурму? Бу жаҳл—жаҳли мураккаб эмасму? Чунки бу жоҳиллар ҳазрат Имом Аъзамни умрларида бу китоблардин ҳеч бир асар ўлмоғонини билмаслар. Билмаганларини ҳам билмаслар. Қачон ул жанобни замонларида Фузулий ё Бедил, ё Хўжа, Ҳофиз, ё Навоий бор эди? Қачон ул жаноб бу китоблардин болаларга таълим бердилар? У жаноб каби зотни хулқларига бу каби ёлғон, ифтиро, туҳмат қилғон жоҳилни иншоолло ўзи бузилур.

Баъзи нодонлар дермишки, шу китобларни ўқумагунча болаларни саводи чиқмас. Бу ҳам эътиқоди фосид ва даъвои бедалилдур. Чунки бу эътиқод дуруст бўлса эди, Туркистон вилоятидин бошқа вилоятларда ҳеч кимни саводи ўлмас эди. Ваҳоланки, бошқа вилоятларда хат билмайдурғон киши юздан ўн ўлса, Туркистон вилоятида юздин тўқсондур. Мундин ҳам маълум ўлурки, савод чиқмоқ бу китобларни ўқумоқфа мавқуф эмас. Балки бу китоблар гоят қийинлигидин болаларни бесавод қилмоғига ҳам сабаб ўлур. Чунки бу китоблар ўқулудурғон мактабларда эллик боладан ўн бола тўрт-беш йилда базур ушбу китобларни ўзинигина хатини тануб чиқур. Бошқа китобларни яна дуруст билмас. Аммо бу китоблар ўқилмайдурғон жадидий мактабларда икки йил ичиди эллик болани қирқ тўкузи, балки ҳаммаси алайалсавия неча хил илмлардин имтиҳон бериб чиқар. Боз бу китобларни ҳам билур. Хайр, дурустроқ ҳам билмасун? Лекин, билмагани бирла бу болани дунёсига вамна охиратига ҳеч бир зарар йўқ. Чунки бу китобларни ўзини дунё ва охиратга ҳеч бир фойдаси йўқ. Балки зарарини эҳтимоли болада зикр қилинди. Хайр, келалук садди каломга. Ўғлини мактабга бермакдин мақсади нақд ва насия ёздурум оқ, ўлғон жоҳил отани ўғлиға қилғон, муаллим бечорани тарбият ва чеккан машаққатини ва маъсум бечорага мактабда берган кулфатини ёзиб битурмак мумкин эмасдур. Кўргуси ва билгуси келган киши бизни Тошканд мактабларининг бирига кириб, икки соат истиқомат қилсун. Чунки, демак мумкиндирики, муаллим афанди қўлида зўр бир таёқ, қайси болани боши ҳаракатдан қолса, ушбу таёқ шу болани бошида ўлур. Аммо ўқуғон-ўқумагон ила ҳеч кимни иши йўқ. Бошини қимирлатиб ўлтурса, кифоя қилур. Ҳаттоқи, ўткан йилларда бу тариқа золим муаллимларни таёқини остида вафот қилмоқ ҳам воқеъ ўлди. Бу тариқа золим ва бадхулқ жоҳил

муаллимларни тарбиясида ўскан болалардин нима умид қылмоқ керак. Фасоди ахлоқдин бошқа бир иш ўрганмас. Жоҳил оталарни умид этдуклари нақд ва насия ёзмоқ ҳам танҳо ўндин бир, йигирмадин бир болага ҳосил ўлуб, бошқалари эса «Мактабда ўкумоқ итна илиа чоҳ қазимоқдан ҳам қийин (мушкүл) экан», дея-дея қочар-кетар. Бунга сабаб муаллимнинг бадхулқилиги, мактабни бенизомлиги ўлур. Агар бизларни мактабларимиз бошқа миллатлар мактаблари каби бир низомга қўйилуб, яхши муаллимлик вазифасини лозиминча адо қилурлиқ кишилардин муаллимлар тайин қилинса эди», маъсум авлодларимизни руҳоний ҳаётига, дунё ва охиратини саодатига биринчи сабаб ўладурғон ҳам ва маорифин бу даражада маҳрум ўлмоқига сабаб ўлмас эдук. Эй қардошлар ва эй миллатдошлар!! Кўзумизни гафлат уйқусидин очиб атрофимизга назар сол-макимиз лозимдур. Ҳар миллат ўз саодати, ҳол ва истиқболини муҳофазатига биринчি восита илм ўлмоғига қаноат ҳосил қилуб, илм ва маорифга ортуқ даражада кўшиш қилғон бу замонда бизлар бу гафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлиқ ўлуб, ҳамма оламга масхара ва кулгу ўлмоғимизда шубҳа йўқдур. Балки бу жаҳолат зулматига саодати охирядан ҳам маҳрум қолмоқ хавфлидур. Бу жаҳолат на-тижасидурки, ўзимиз ерлик мусулмонлардан ўлдуғимиз ҳолда, мусоғир ва рус ва яхудийлар эшиклида мардикор ва хизматчи ўлдук. Ва бу жаҳолат хоҳиши-дурки, миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоқға лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқариб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва фивахоналарга сарф этмакдурлар.

(«Тараққий» газетаси, 1906 йил,
14 июнь, № 1.)

И з о ҳ л а р: низом — қоида, тартиб; улум — илмлар; оташ — ўт, олов; устухон — суюк; нақд ва насия — асримиз бошларида дўконлардаги молларнинг нақд ёки насияга сотилганини приказчиклар махсус дафтарга ёзиб борганлар. Бу ерда ана шу дафтарни юритиш назарда тутилмоқда; истеъдод уз-зотия — табиий, тұғма истеъдод; илми қироат — Қуръонни ўқишилми; масоили ёзтиқодия — ёзтиқодга оид масалалар; фарз, вожиб, суннат — мусулмонларнинг шариат нұктай назаридан бажарышлари керак бўлган нарсалар-

нинг лозимлик даражаси; мустаҳаби ҳаром, макруҳ — ҳаром ва макруҳ (чала ҳаром)нинг белгиларини аниқлаш; таворих — тарихлар; фасод — бузук; манзума китоб — назм, шеърий асарлар; тасниф қилмоқ — ёзмоқ, асар яратмоқ; қарибат — яқинлик; зоҳир — ташқи томон, ташқи кўриниш; жуҳало — жоҳиллар; жаҳли мураккаб — билмаган нарсасини биламан дейишилк; асар — бу ерда дарак, нишона маъносида; ёзтиқод — ишонч; дуруст — бу ерда тўғри, чин маъносида; боз — яна, бунинг устига; садди калом — бу ерда холоса, асосий фикр, сўз чегараси маъносида; руҳоний — руҳий, маънавий дунё; кўшиш — ҳаракат; саодати охиря — нариги, бокий дунё саодати; ерлик — маҳаллий.

*Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи:
Бойбўта Дўстқораев.*

ТОШКАНДА МУСУЛМОН ЖАМИЯТИ

Тошканда бундан дўрт сана муқаддам очилмиш бир мусулмон жамияти хайрияси вор. Бу жамият бошда ёшлиарнинг саъий ва ижтиҳоди ила очилган бўлса ҳам, баъзи сабаблара мубанний Тошканд афниёларина топшурулмиш. Ва шул замонгача ёшлиардан фақат биринки кишининг таҳрик ва иштироқи-ла бойлар тарафидан идора қилинмагда эди.

Жамият афниёи киром қўлларида ўз шаънига муносиб зўр ишлар ишламаган бўлса ҳам, моддий жиҳатдан хийли кувватланди. 7 минг сўмдан зиёда сармояга молик бўлди. Ҳар йил икки-уч маратоба умумий мажлис ва ўн-ўн икки маратоба идора мажлислари ясаб, аззолардан пул йигди. Ариза беруб иона сўровчи бешён фақир ва ожизларга ёдам беруб турди.

Афниёи киром ҳам жамиятдан ўз ёрдам ва ионаларини дариг тутмадилар, бунинг исботи учун Тошканд афниёларидан ҳурматлуда Орифхўжа эшон жанобларини ўткан йил жамиятта бирдан минг сўм иона берганларини ва шаҳарнинг ўртасидан бир ҳавлиларини доруложизин учун инъом қилганларин зикр этмак кофий ўлса керак.

Лекин олти-етти миллион мусулмонли Туркистоннинг маркази ўлон Тошканда очилмиш бир мусулмон жамиятининг бундай жузъий (майда) ишлар илагина қаноат этуб турмогидан Тошканд ёшлиари ҳар вақт сиқиладурлар ва санавий ҳисботнома ва сарфномала-

зини газеталарда ёзуб нашр этмакдан уёлурлар эди, биноан алайҳа Тошканд жамияти ҳалқ ҳам ҳукумат қошинда бутунлай эътибордан тушмиш ва ўлмакка маҳсум оғир хасталикка дучор ўлмиш каби эди.

Жамиятнинг эски обрўсими қайтармак ва уйқудан йиготмак учун бирдан-бир чора идора ишларини бутунлай ёшлар қўлина бермак, лоақал идора аъзоларининг аксарини ёшлардан сайламак фикри такрор-такрор талқин ўлинса ҳам, бунга эътибор этувчи оз эди. Балки, жамият ёшлар қўлина берилса, йифилган пуларни сарф қўлиб тамом қўлурлар, ўзлари пуд йиголмай, шунинг ила жамият бепул бўлуб ёпилур, деевшилар кўброк топилур эди, ёшлар эса жамиятдан ҳамон мид узмийлар, энг оғир ишларини ишлийлар ва ҳар йил бир-икки маратоба қўзғотуб, умумий мажлислар за сайловлар қилиб ва ўзларидан кўпроқ киши ўткармакка мулоиймона ҳаракатларда бўлиналар эди, лекин селажакда ағниёларнинг иона ва ҳимматлари жамият чун биринчи даражада лозим ўлдигини эътиборга олуб, онларга қаршу жиддий ҳаракатлардан мумкин қадар ақданар эдилар.

Ёшларнинг бу совуққонлик ва собирликлари бу сана ихши натижалар верди. Бойларнинг ўзлари иттифоқ қилуб, ўз ароларидан фақат бир раис ва бир машварат ъзоси веруб, бошқа аъзоларнинг барчасин ёшлардан сайлатдилар, ёшлар ҳар ишда бойлар или машварат қилуб турмакни, бойлар ҳам ҳар вақт қўлларидан келан ёрдам ва ионаларин дариг тутмасликни бир-бираина ваъда қилушуб, қўл-қўлга беришуб иттифоқ ила ишка тутундилар.

Бу иттифоқнинг натижаси ўлса керак, Тошканд жамияти бу йил бутунлай бошқа туска кирди. Уйқудан йғонуб, кўзларини уқалаб атрофга назар сола бошлани. Қонунида зикр этилган моддалардан бирин-бирин фойдаланмакка шурӯй қилди. Бошлаб бир неча йилдан ёри қарор берилуб-да очилмай ёткан доруложизинни ясман очуб, бир неча мискин ва ожизларни тарбияга ўлди. Бир неча мактаб ва мадрасаларга юз сўм ва икки оз сўмлаб ионалар берди. Ва бир неча бева ва бечораларга ойлик ионалар бермакда ва олтмиш қадар фақир ва ятим болаларни турли мактабларда ўқутуб тарбия қилуб турмакладур.

Жамиятнинг янги аъзолари бундай сарф илагина қаноатланмади, балки молия жиҳатини қувватламак чун аъзоларнинг йилда берадурган олти шар сўм сада-

қаларигина кифоя қилмаслигини билуб, йўл топмакка ҳам янги йўллар излади, бошлаб грамофун общаствосила сўйлашуб ҳар бир пластинкадан ўн тийин олмак шарти-ла бир неча ҳофизларни ва ўз тарбиясидаги мактаб шогирдларини товшин сотди, бундан фақат шу йил ичиндагина лоақал икки минг сўм кирса керакдур.

Ўнинчи июлда шаҳар боғининг ёзлик театрусида бир мартаба испектакл кўюб олти юз сўмга яқин фойда қилди, бунинг устига, ушбу августнинг 8 ичнини рамазон муносабати-ла Шайхховандаҳур боғида биринчи мартаба «Томоша кечаси» ясади, ушбу тамоша кечасининг даромад ва буромади ушбу тариқа бўлди:

Сотилган билетлардан	1387 сўм 54 тийин.
Чойхонадан доҳил	59 сўм 42 тийин.
Жамъи даромад	1446 сўм 96 тийин.
Масориф билет маркази	126 сўм 14 тийин.
Бошқа масорифлар	233 сўм 65 тийин.
Жамъи масориф	359 сўм 79 тийин.
Жамиятга қолган холис фойда	1087 сўм 17 тийин.

Мусулмонлар тарафидан биринчи мартаба ясалган ушбу тамоша кечасидан бунча фойда ўз-ўзидан чиқмади, балки бунинг учун Тошканд ёшларининг кўб файрат ва ижтиҳодлари ҳам чарчамай ва ҳеч кимнинг шикоят ва ҳақоратига қулоқ солмий қилган саъий ва ҳаракатлари ўлди.

Бу тамошалар жамиятга фақат моддий жиҳатдангина фойда келтуруб қолмади, балки маънавий жиҳатдан ҳам кўб фойдалар кетурди.

Тошканд жамъиятининг исмени унугкан ёки ҳеч бир жамият деган сўзни эшитмаган Тошканд мусулмонларининг 7 яшаридан 70 яшаригача жамиятнинг вужудидан хабардор бўлди, рус, яхудий ва арманилар фойдаланиб юрган ўрунлардан фойдаланмак мусулмонларга ҳам мумкин эканлиги очиқ билинди, бу эса Тошканд мусулмонларининг хийли руҳларин кўтарилимоғига ва жамиятка муҳаббат ила қарамоқларига сабаб ўлди, шул сабабли ушбу тамошаларни бошқарган ёшларга ва буларга ёрдам беруб турган шаҳар политсамейстрияна жамият аъзоси чин кўнгулдан ташаккур этадур ва келажакда яна шундай хизматларда бўлинуб ҳалқ ва жамиятга фойда еткурадургон ёш йигитларимизнинг имсолларин кўпайтирумакни жаноб ҳақдан истеъдо қиласадур.

Жамият раиси муовини: МУНАВВАР ҚОРИ.

(«Самарқанд» газетаси, 1913 йил, 20 август, № 37
ва 23 август, № 38)

И з о ҳ л а р: афниё — бойлар; таҳрик — ҳаракат; доруложизин — мискин, камбағал, ожиз кишилар уйи; санавий ҳисоботнома — йиллик ҳисобот, собир — сабрли, бардошли; машварат — кенгаш, маслаҳат; шурӯъ құлмоқ — киришмоқ, бошламоқ; ятим — етим; олти шар — олтигина; масориф — сарф қилинган;

*Нашра тайёрловчи ва изохлар муаллифи:
Бойбұта Дүстқораев.*

ТОШКАНД, 21 СЕНТЯБР

Эй қариндошлар... Алло таоло биз, мусулмонларни шарифи ислом ила бошқа миллатлардан мұкаррам ва мушарраф қилди. Жумла китобларни ағзали Күръони каримни бизға йибордин, ҳамма анбиәи сарвари пайғамбаримиз афанди ҳазратларина бизни уммат қилди. Бас, биз на учун Аллоҳ амрини лозиминча тутmasмиз. Пайғамбаримиз ва ул жанобни халифалари ва асҳофлари ва итбоялари күрсаткан ва туткан йұлларидан биз на учун собитқадам ўлmasmiz? Шариат ава амрига қаршулық қилиб, бошқа миллатлар назарига ўз дину шарифимизни хор ва зализ суратда күргизирмиз. Буни сабаби ила оламни қайси тарафиға назар солсак, ўз диндош ва миллатдошларимизни хор ва бошқа мутамаррин ва мутараққый миллатлар қошида шармисор күрurmiz. Буни сабаби эса бошқа миллатларни илм ва маърифати, биз мусулмонларни гафлат ва жаҳолатимиз эмасму? Агар бу эса, биз ҳам ўзимизни бу сафолат ва разолатдан қутқармақ учун гафлат ва жаҳолатимизни ташлаб улум ва маорифға на учун қўшиш ва ҳаракат қилmasmiz? Ёки бошқа миллатларда бор истеъдод ва қобилият биз мусулмонларда йўқму? Ёки биз мусулмонлар ўз дин ва шариатимизча улум ва маориф таҳсилига ва талабига маъмур эмасмизму? «Билгонлар ила билмагонлар баробар бўлmasлар», деган ояти қарима мазмунини назари мулоҳазага олиб туриб ўз ҳолимиз ила кўз олдимизда турғон рус, ҳамсояларимизни ҳолини муқобила қилсан, ҳар бобда булардан камлигимиз ва булар бизларға хўжа, бизлар буларға қул суратда яшагонимизни сабаби замонаға мувофиқ улум

ва маорифдан маҳрумлигимиз эдугини ҳар биримиз иқрор ва эътироф құлurmiz. Модомики, ҳол бу ила экан, на учун «Бизға ул керакмас, бул керакмас» қалымаларини истеъмолдан ташлаб «керак, керак» лафзларини вирди забон этmasmiz. Россия давлатини жумла фуқароси балки курраи арзда инсонни ҳаммаси бу дунёда роҳат ва саодатда яшамак учун энг бириңчи восита ҳукумати мустабиддан низом ва қоидаларини фосихий, ҳурriят ва озодият қонунларини ижросини ўлдигини жону дилдан қабул этуб ҳукумат ҳам бунга лозим ҳаракатларда бўлундиги бир замонда биз ҳамон истибoddан ўзимизга еткан меҳнату мешқатларни роҳат ва саодат гумон қилуб ҳурriят душмани ўлғон чиновникларга ихлос ва эътиқодимизни кундан-кунга зиёда ошурмакда давом этмагимиз гафлат ва жаҳолатимизнинг натижаси ўлmasa надур? Бу истибод бизни бошимизга на қаро кунларни солди. Низоми олам ҳар миллатни ўзидан ва шариъати иқтиносинча ҳаракат қилмогига мусоида вермиш экан, на учун биз мусулмонларни шариатимизга чанг урилуб қозийи исломларимиз ҳукмларни «фоложина» дастурильамалға мувофиқ қилмакга мажбур ўлдилар. Мусулмон қозилари мартабада рус судьялари ила баробар эканлар, на учун кўча қаровули ҳукмидаги ўлғон фолитсаларни таъзим қилмак ва алардин ҳақоратлар эшитмак ва ҳам уч юз сўмдан зиёдага ҳукм қиолмаслик ва шулар каби мухолифи адолат ўлғон низомлар жорий ўлди. Масжид ва мадрасаларимизни вақғлари хазинаға олинди. Дұмахона оқчасидин руслар учун зўр-зўр диний мактаб ва мадрасалар очилди. Аммо мусулмонлар учун ҳеч бир диний мактаб ва мадрасалар очилмас, очилғонлари эса ёлғуз русча ўқитмак учун очилди. Мусулмончадан ҳам бир оз таълим берилмоги фақат мусулмонлар хавф этmasun деб қурулғон тадбир эканлигига мазкур мактабларни идора ва назорати руслар қўлида ўлуб, имтиҳон вақтларидаги ҳам ёлғуз русчадан имтиҳон олинмоғи зўр бир далил ўлса керак. Чунки мусулмончани ўзига маҳsus мусулмондан бир нозир таъмин қилинмағони учун мусулмондан олинган имтиҳон имтиҳон қаторида саналмас. Рус нозирлари эса, мусулмончани лозиминча билмаслар. Ваҳоланки, дұмахонаға мусулмонлар русларға икки баробар ақча тўламаклари ҳар кимни маълумидур. Бас, на учун мусулмонлар ҳам ўзларига маҳsus бир мактаб ё мадраса очуб бошқа мамлакатлардан таълим ва тадрис ишларига лозимин-

ча муқтадир муаллимлар келтурууб аларни вазифаларини думахона ақчасидин беролмаслар. Ёки мусулмонларни ақча тұламақда ҳақлари ўлуб, у қоидай динийдә ва дунёвийяларига сарф этмакда ҳақлари йўқуму? Хайр, афандиларим... Бу хусусда мусулмонларни ҳақлари руслар ила баробардур... Лекин бу ҳақларини талаб қылмоқға мусулмонларнинг тиллари ўйқудур. Чунки бир сўзни тилға олмоқға аввалан дилға келтурмак керак. Дилға келтурмак эса ул ишни фойда ва зарарини фарқ қылмоқға мавқуфдур. Фойда ва зарарни фарқ қылмоқ эса замонаға мувоғиқ улум ва фунундан хабардор ўлмасунча ҳосил бўлмаслиги табиийдур. Гарчи ота-бобомизни одатларига хилоф ўлса ҳам, замона иқтизоси ўлдиғи-чун телегром, темир йўл, ламфа, пучта ва босма китоблар каби янги асбобларни қабул этдук. Ҳаммадан зарур ва фойдабахш ўлғон замона улум ва фунунларини қабул этмай, ҳамон алкалимматани алиф ломи ила шамсияни салошо валийси ила салаш соңисини қайси бирин зиёдалигини билмакга умр ўткармогимиз темир йўл ила ҳажға бормакдин парҳез қилуб эшак миниб бориб, йўлда қанча меҳнат ва машаққатларни тортиб охири чўлдами, дарёдами, ўлуб кетмак каби ўз жонимизға мухолифатчилик ўлмасун деб, ламфани қўюб қаро чироғ ёқмог дурустми?

(«Хуриид» газетаси,
1906 йил, 21 сентябр)

И з о ҳ л а р: асҳоб — суҳбатдош, ҳамфикр; атбоъ — тобеъ; залил — хор, тубан; улум — илмлар; муқобала — қаршисида турмоқ, бу ерда кўз олдига келтирмоқ; вирд — доимо бажариб туриладиган иш, вазифа; забон — тил; курраи арз — ер, замин; фасх — бузиш, бекор қилиш; низоми олам — дунё қоидаси, тартиби; иқтизосинча — талаб қилганича; мусоида — ёрдам қилувчи, қулаги; «фоложина» — бу ерда чор хукуматининг Туркистонни бошқариш юзасидан чиқарган «положение»си, низоми назарда тутилмоқда; муқтадир — қодир, кучли; мавқуф — тўхтатилган, тўхталган.

*Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи:
Бойбўта Дўстқораев.*

ТУРКИСТОНДА ВАҚФ ИШЛАРИ

Туркистонда ҳозиргача маълум бир йўлға кўйилмагон чатоқ ишлардан бири вақф ишларидир. Инқилобдан бери вақф ишлари учун юзларча комиссиялар тузилди. Турлук лойиҳалар ясалди. Лекин кутилган бир натижа чиқмади.

Кейинги вақтларда вақфларни ҳалқ қўлига бериш сиёсати майдонга чиқди. Бунинг учун ТурЦИК томонидан бир лойиҳа тузилуб, қози ва мударрислар қурутойидан ҳам ўтказилди. Самарқанд, Фарғона областгарида вақф шўролари тузилиб ишга ҳам киришилди. Сирдарё обlastидаги ҳам мундан бир ой муқаддам турлуқ ташкилотлар тарафидан вақф шўроси учун вакиллар сайланиб тегишилик ўрунларга топширилди. Эски шаҳар ижроқўмидаги сайлов қарорномалари ойлаб ётғондан сўнгра тасдиқ қилинуб, музофот ижроқўмига топширилганлиги эшлиладир. Ҳар ҳолда у ерда ҳам ётатёта зериккач, ундан ҳам тасдиқ қилиниб, Сирдарё-мизда ҳам вақф шўроси ишга киришса керак.

Вақф шўролари ишга киришган билангина қутулган натижа чиқарми, йўқми? Унисини келгуси кўрсатур. Ёлғуз ҳозиргача вақф ишларини бу тариқа чатоқ ҳолда қолдируб келган туб сабабларнинг энг каттаси вақфларни сарф ва бошқариш тўғрисидаги фикрларнинг турлуклигидир. Бир-бисисига тамом тескари бўлғон бу фикрлар бирлашмаган тақдирда вақф ишлари тагин чувалур. Ҳар ким ҳар томонга қараб тортар. Уришилур, сўқишилур. Натижада, тақрор воқифларнинг тоф каби мадрасалар бино қилишдан ва улардаги ўқуғувчи ва ўқитгувчиларнинг таъминоти учун қолдирғон милионларча вақфларидан куткан мақсади муқаддасалари шу чоқфача бўлуб келганидак поймол бўлур. Бунчалик вақфлар, бунчалик мадрасалардан ҳалқнинг маориф ва маданияти номига фойдаланиш мумкин бўлмас.

Бошқа мутараққий ислом мамлакатларда кўбдан буни тушуниб, бу тўғридаги ихтилофи афкорни орадан кўтарғанлар. Вақф ишларини маълум бир йўлға кўйиб маориф буджатенинг буюк бир қисмини вақфдан таъмин этканлар.

Биз ҳам вақфлардан маориф йўлида керагича истифода қылмоқ, воқифларнинг руҳларини шодлантиromoқ бўлсан, аввало, бу тўғридаги ихтилофларни бир ёслиқ қилуб, фикрларни бирлаширишимиз керакдур. Вақф ишлари тўғрисида инқилобдан бери бошлуча тўрт

фикр рул ўйнаб келди: 1-ҳасадчилар; 2-тафритчилар; 3-ифротчилар; 4-мўътадиллар фикри.

Ҳадисчилар кимлар? Маълумки, Туркистон вақфлари мусулмонлар тарафидан дин, маориф ва маданиятлари учун тахсис этилиб қолдирилғон хос ва холис сармояи миллиялариdir. Бошқа миллатлар қаторида умумий маориф сармоясидан фойдаланиш устига, ўзларининг ушбу миллий сармояларини ҳам яхши бир йўлга кўя олсалар, эҳтимолки, тез кўтарилиб (тараққий қиilib), ўзларини мустамлакачилар қуллугидан кутқарсалар, ерлик халқнинг доимо жаҳолатда қолуб қул бўлуб туришларини истаган мустамлакачилар, албатта, буни кўралмайдилар. Ҳасад қилурлар. Шунинг учун қайси йўл бўлса-бўлсун, вақфларни ё бутунлай хазинага олмоқ ва ё ҳеч бир яхши йўлга киришга йўл бермасдан, ҳамиша чатоқ бир ҳолда қолдириш ҳаракатида бўлурлар.

Вақф ишлари дуруст бир йўлга кира бошладими, даррав бир чатоқ чиқариб ишни бузадирлар. Бу жиноятни тўғридан-тўғри ўзлари қилмасдан, ерликлардан бир неча алданғон ёки сотилғон «кишилар» топиб, улар воситаси билан ишлайдилар-да, лабларини ялаб: «Ерлик ишчиларнинг ўзлари ундей истайдилар», деб кўзларини лўқ қиilib қараб тура берадилар. Жуда бўлмогон тақдирда, отини «Шарқ сиёсати» қўйиб, вақфларни подшоҳ замонасилик бутун муллоларни ўз ихтиёрларига қолдириш фикрини қувватлайдилар. Бундан мақсадлари эса, бир оз вақт шундай қолдириб, замони келганда: «Қачонгача муллолар вақфни ўринсиз еб ётадирлар, буни хазинага олмоқ керак», деган бир фикри қувватлаб ўткаришдир.

Мана бу фирқани биз ҳасадчилар, мустамлакачилар, ерлик халқ кўтарилишини истамагувчилар деб таъбир этамиз. Инқилобдан бери вақф ишлари шул фирманинг ҳабис фикрига қурбон бўлуб келди. Кейинги, ТурЦИК лойиҳаси ила шояд бу фирманинг фикрига хитом берилган бўлур, деб умидланамиз.

Тафритчилар кимлар? 19 нчи асрнинг бошларидан то Руслан инқилобигача бўлғон бир муддатда Туркистон мадрасаларининг тарихини ва бунда бўлғон тълим-тадрис йўлларини, вақфларда бўлғон суюистельмолларни ва етишдирган шогирдларини бир даража назардан кечирилса, кўнглида андак миллий ва диний ҳисси бўлғон ҳар кишининг кўзидан беихтиёр ёш оқадир. Бу хусусда ҳозиргача кўб ёзилди, сўзланди,

такрор тафсиллаб ўлтиришни лузуми йўқ. Фақат шунигина айтиш мумкинки, сўнг асрларда кўб мадрасаларимиз диний ва дунёвий илмлардан тамом тозаланиб, холис ишсизлар еткуза турган бир танбалхона ҳолига келган эди. Ўтканда Бу-Али, Форобий, Тафтазоний каби ҳакимлар ва олимлар етишдирган Туркистон мадрасалари кейинги кунларда тузукроқ бир мударрис ёхуд имом ҳам етишдира олмайтурғон бир ҳолга тушган эди. Ҳозирда мавжуд баъзи дурустров мударрис ва имомларимиз эрса, мадрасаларнинг тартиблиги соясида эмас, мадрасаларнинг тартиб ва қонуни хорижидан ўзларининг қилғон хусусий ташаббус ва гайратлари орқасидағина, фавкулодда заколари соясида-гина стишкандирлар.

Вақф тўғрисида шундай бир фикр борки, вақфларни илгаригидек ҳар бир мадрасанинг ўзига бериб ва ҳар бир мадрасага икки-уч мударрис белгулаб, уларнинг шогирдлари бўлсун-бўлмасун, мадраса вақфини баҳузур еб ётишларига йўл берилсун эмиш. Шундай бўлғон тақдирда, тадрижан шогирд ҳам йигилар эмиш ҳамда воқифнинг шартига ва шариатга мувофиқ бўлар эмиш. Қисқаси, Никалай замонида мадрасалар ва вақфлар қандай идора қилинғон бўлса ва нималар ўкутуғон бўлса, ҳозирда ҳам шундай бўлсун эмиш.¹ Ислоҳи масаллоҳдан ҳеч бир оғиз очилмасун эмиш.

Бу фикрнинг бошида турғувчилар ҳар кимга маълум. Биз буларни тафритчилар ва анфасачилар, замондан хабарсиз, халқни қоронғуда қолдирғучилар деймиз.

Ҳасадчилар ила тафритчилар баъзи моддаларда бирлашиб ҳам кетарлар. Фақат ҳасадчилар билиб ва тафритчилар алданиб бирлашурлар.

Ифротчилар кимлар? Ҳасадчиларнинг сиёсати ҳабисига тушунгган ва тафритчиларнинг жаҳолат таассубидан қўйтганлардан учунчи бир фикр келиб чиқадирки, булар «Қўй, бу мадрасаларнингдан ва бу муллоларнингдан ҳеч бир умид йўқ. Модомики, вақфлар ўз ихтиёrimизга берилди, халқ назарига бир неча мадрасаларни лиқилатиб қўяйлиқ-да, вақф бадаллари ила бир неча ибтидоий мактабларни тарбия қилайлиқ, бизнинг ҳаётимиз ва најотимиз шул мактабларга боғлиқдир. Эскини ҳар қанча ямасангда — эски. Эскини ямаб овора бўлуб

¹ Чорқароъит деган эски юон мантиқини ва унинг ҳошиялари-ни ўқуб, кун кечириш бўлса керак.

ўтиргандан кўра, бутун ташлаб, янгисининг ҳаракатида бўлғон яхши» дейдилар. Биз буларни ифрочилар, узоқни кўра олмагувчилар, янги қилиб бераман деб уҳдасидан чиқолмай, халқни эскидан ҳам маҳрум этиб, ялонгоч қолдиргувчилар, деб таъбир этамиз.

Мўтадиллар кимлар? — Бу ҳақда келар сонда.

M. K.
«Ҳақиқат» журнали, 1922 йил,
2-сон, 13—15-бетлар.

И з о ҳ л а р: Вақф — масжид, мадрасалар таъминоти учун белгилаб қўйилган даромадли ер, дўкон, сарой, тегирмон ва ҳоказо мол-мулклар, ТурЦИК — Туркестанский Центральный Исполнительный Комитет (Туркистан Марказий Ижроия Кўмитаси), собиқ Шўролар даврида Туркистан Автоном Республикасининг юқори ижро муассасаси. Мударрис — мадрасада дарс ўтувчи. Воқиф — вақф эгаси. Мутараққий — тараққий эттан, ривожланган. Истифода қилмоқ — фойдаланмоқ. Ихтилоф — қарама-қаршилик, келишмовчилик. Таксис — маҳсус. Сармояи миллия — миллий бойлиқ. Фирқа — гурӯҳ. Ифрогчилар — чегарадан оширувчилар, бирор нарсага ҳаддан ташқари ҳолатда бўлувчилар. Мўтадиллар — ўргача йўлни тутувчилар, меъерида иш олиб борувчилар. M. K. — Мунаввар Қори. Хабис — ёмон, ярамас, ифлос. Хитом — якун, охир, тугалланиш. Бу ҳақда келар сонда — навбатдаги сони чиқмаган, журнал чиқишдан тўхтатилган.

*Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муалифи:
Бойбўта Дўстқораев.*

ЖАМИЯТ ҚАНДАЙ ОЧИЛУР?

Маориф ва маданият боғчасининг биринчи дарвазаси — мактабдур. Ер юзидағи маорифли миллатларнинг ҳар бирлари маданият боғчасина шул дарвозадингина кирмишлар, яъни маориф ва маданият йўлина сафар программи ясаганда биринчи моддасина шул «Мактаб очмак» маъсаласини қўймишлар, ишларини шул «Мактаб»дангина бошламишлар. Мактаб очуб билғеъл иш бошлагонларидин сўнгра ҳар тарафдин турили-турли нуқсонлар ва эҳтиёжлар кўрила бошламишdir. Мактабни очуб қўяқолғон ила иш битмаслиги,

балки унинг тараққий ва давоми учун моддий ва маънавий ёрдам ва маъовинатлар, гайрат ва ҳимматлар лозим эканлиги онглашилмишdir. Бунинг учун энг яхши чора ўлароқ «жамият»ни очмишлар, яъни расмий бир қонун доирасинда халқдин иона йигиб, очилмиш ва очиладурғон мактаб ва дорулумларнинг нуқсон ва эҳтиёжларин енгиллик ила ислоҳ ва адo қилмақ усулини ижод этмишлар. Бора-бора бу «Жамият» шул қадар тараққий қилмиш ва аҳамият касб этмишки, маданий миллатларнинг бутун тараққиёти диния ва эҳтиёжати майллари учун энг ишончли суюнчуқ ва муттако эттихоз ўлумниш уларда маданият нарвонининг биринчи босқичи мактаб, иккинчиси жамият экан, ҳозир кўп ерларда мактабни иккинчиликка қолдириб, биринчи босқичлик ном мұқаддасасини жамият ўзина олмишдур.

Маориф ва маданият йўлина янги қадам қўя бошлиғон Туркистан мусулмонлари ҳам табиий шул босқичларни босмакка ва шул дарвозалардан кирмакка мажбурдурлар. Биноилло, ҳозирда бизим Туркистан тараққийпарварона кўпроқ шул мактаб ва жамият атрофида айланмақдалар. Лекин бу мактаб ва жамиятларни очмак учун қандай тадбурлар лозим? Ҳукуматдан қайси йўл ила ижозат олинур? Қандай устаф ва программалар ила очмак фойдали бўлур? Мана бу хусусларда идорадан йўл машваратлар сўраб мактуб ёзувлар. Бундай мактублар ниҳоятда кўб бўлғонлиги учун ҳар биррина айрим-айрим жавоб ёзуб ўлтурмак идора учун хийла мушкуллик берадур. Тараққий миллат маориф учун бундай фойдали ишларга ташаббус қила бошлиғон зотларга ташаккур айтмак ила баробар сўрагон саволларининг жавобини хусусий мактуб ила беролмаганимиз учун афгуларини рижо қилурмиз ва жамият очмак хусусидаги саволларина жавобан ушбу маколани тақдим қилурмиз: ҳозирда Тошканд, Үрунбурғ, Қозон, Баку ва Богчасарой каби мусулмони кўб бўлғон шаҳарларнинг ҳар бирида мусулмон жамиятлари вор. Бу ерда жамият очмоқчи бўлғон кишиларга аввало шу шаҳардаги жаридати идораларина ёхуд машхурроқ кишиларга мактуб ёзуб, жамият қонунномасини, яъни устафини сўрамак лозим. Мактуб олгон зотлар ҳам бундай фойдали илтимосни аҳамиятсиз қолдирмасдан, устафни топуб юборурлар. Мана бу устафлардан бир нечасини кўлга киритгандан сўнгра беш-олти киши бир ерда ўлтуруб, шул устафларни ўкуб чиқўрлар. Машва-

рат қилишуб, шулардан бирини айнан ёхуд бир оз ислоҳ ила қабул қилурлар ёхуд бунлардан интихоб қилиб, янги бир устаф ясарлар. Жамиятга муносиб бир исм топуб қўюрлар. Устаф сайламоқ ёхуд интихоб қилмак ва қайси моддаларини нима учун киритилганиги аҳли мажлиста яхшилаб тушундурмак учун мажлиса замондан ва илми ҳуқуқдан, ҳеч бўлмағонда жамият ишларидан хабардорроқ бир кишининг вужуди лозимдур. Устаф ясалуб тамом бўлгондан сўнгра «Ушбу аризамиз баробаринда топширулмиш қонун доирасинда бир жамият очмакка рухсат берсангиз экан», мазмунида бир ариза ёздуруб, лоақал беш кишидан устаф ҳам аризани имзолатуб ва айни губернаторга топшурилур. Ушбу ариза ва устафга қўл қўйғон кишилар жамиятнинг муассислари деб аталурлар. Ҳукуматнинг рухсат бермоғи осонроқ бўлсун учун устафнинг кўп кенгайиб кетмаслиги ҳамда муассисларнинг ҳукумат қошида эътиборлироқ кишилардан бўлмоқлари яхшироқдур. Бундай кишилар топилмогон тақдирда суд ҳукми ила айбланмағон ва ҳукумат қошида сиёсий жиҳатдан шубҳали саналмағон ҳар бир кишининг муассисликка киришмоғи мумкиндур. Ариза берилгондан сўнгра муассисларни тафтиш ва испрафка қилиб кўрмак учун аризалари полиса (полиция) идорасина топширилур. Бу вақтда эҳтимолки, баъзи билмогон кишилар тарафидан қўрқитувлар ҳам воқеъ бўлур. Жамиятга ижозат сўрамак мухолифи низом бир иш бўлмай, ҳалқ учун ҳам, ҳукумат учун ҳам фойдали бир иш бўлғонлиги учун бундай қўрқуш ва қўрқутишларга сабаб бўладурғон ҳеч бир нарса йўқдур. Биноилло, ҳеч бир қўрқмасдан, чарчамасдан бу ишнинг орқасидан юрмак лозим. Агарда бирор сабаб ила биринчи марта бада тасдиқ қилинмасдан рад қилинса, они тузатуб, иккинчи марта, иккинчи марта бада рад қилинса, ўнинчи марта мурожаат қилмакка аввалдан жазм ва қарор бериб қўймак керак. Агарда муассислар орасинда бу ишнинг орқасидан юрурга лойик кишилар бўлмаса, ёнларига бир адвакат ёллаб, шунинг воситаси ила иш юрутилса, яна енгилроқ бўлур. Жамиятга рухсат берилгондан сўнгра, аввало муассислар йигилишиб, ўз ораларидан бир садрнишин, бир саркотиб ва бир хазиначи сайдарлар. Қолгонлари идора аъзоси ҳисоб ўлинурлар. Бу кундан эътиборан жамиятнинг ҳақиқий хизмати бошланур. Пул топмак, аъзо кўпайтurmак ва қонун доирасида жамият воситасила манфаати умуми-

яга хизмат қилмак каби улуғ ҳиммат, гайрат ва фидокорликларга навбат келур. Фақат иш бу даражасига етганда муассислар ёнина яна бир неча ўzlари каби чин фидокор миллат ходимлари тўпланғон бўлуб, мақсудларина оҳиста-оҳиста ета бошлайдилар. Ишда миллий бир жамиятни вужудга чиқармак учун керак бўлғон йўл, тартиб ва тадбирлар шундан иборатдур.

Фард:

Күшеш бадасту по ёин аз асар
навмид нест,
Инзор дом охир мекашад нахжирро.

«САДОИ ТУРКИСТОН»,
1914 йил, 22-сон

Нашрга тайёрловчи: Улугбек Долимов.

КУЗ

Кузнинг совуқ ели эсиб,
Сарғайтириди ёз юзини.
Ўсимликлар титраб, қақшаб,
Тутолмай қолди ўзини.

Кўк юзини булат қоплаб,
Қишлоқ элин сиқишириди.
Экинчилар шошиб-пишиб,
Экинларин йиғиштириди.

Куз аскари келди босиб,
Кирилди япроқлар, ўтлар.
Гўё бунинг мотамида
Кўз ёшин тўқди булатлар.

Гулларнинг ранги сарғайди,
Тўқилди ерга япроқлар.
Қарғаларга макон бўлди,
Булбулдан айрилиб боғлар.

Эрталаб кўрсанг қировлар,
Оқартирган ер юзини,
Кечқурун булат қоплаган,
Кўкнинг ой ҳам юлдузини.

Севинганидан олақарға
Қагиллайди бўйин чўзиб.
Кўрқанидан боғчачилар
Узумларини олди узиб.

Эй куз. Сенинг ишларингдан
Бир яхшиси эсга келди:
Ёз бўйи ёпиқ турган
Мактаблар сенда очилди.

КИШ

Киш қиличин олиб келиб
Чопди чаманнинг гулларин.
Фунчаларини хазон этиб,
Кўкка совурди кулларин.

Битди тириклик олами,
Қотди ҳама ўлик каби.
Кор кафанига чулгади,
Боғ билан тоғу чўлларин.

Кишнинг ўзи каби (...)
Қаргалари қагиллашар.
Ёмғир ва қор аралашиб,
Лойга тўлатди йўлларин.

Уйида йўқ ўтин, кўмир
Киш куни камбагалларнинг.
Титрашади дириллашиб,
Ишқаб оёқ ва қўлларин.

Ишлаётибди ишчилар,
Кишнинг совуқ шамолида.
Кор билан муз орасида,
Ўйламай ўнг ва сўлларин.

Чилла туни, совуқ ҳаво,
Масжид ичида бир гадо
Кийгали бир тўн тополмади,
Устига ёпди жулларин.

Бор кишилар равомидир,
Кийса ўзи қават-қават.
Холига шафқат этмаса,
Юртнинг бева, туллари.

ЎЗИ ҲАМ ТОР ЭДИ

Бир кун бир кишининг тўпписи сувга
Тушшиб оқиб кетди, бошяланг қолди.
Тутмоққа сув бўйлаб югурди, елди,
Охирида чарчади, оёғи толди.
Ётиб кўл узотган эди, тирғониб
Йикилди, хўл бўлди бошдан-оёғи.
Ариқ бўйидаги тол тўнкасига
Тегиб кетди, бир оз қирилди чоги.
Ололмай тўппидан умидни узди.
Қайтиб келди дўстларининг қошига
Ўртоқлари сўзлашдилар ўзаро,
Кулишдилар қараб оёғ-бошига:
Бири сўрди: «Хормант ўртоқ, ов қалай?
Катта-катта балиқ сувда бормиди?»
Уялгандан деди: «Кетса майлига,
Бошимга ўзи ҳам бир оз тор эди».

ОРЗУ

Кўкламнинг исказ сунбулин,
узгим келар нозик гулин,
Товуши ёқимли булбулин,
бир лаҳза сайраттим келур.
Кўргим келар гулбогини,
ёзгим келар дил доғини,
Васлинг-ла кўклам чоғини,
бир-бирига ўхшаттим келур.

ЯЛҚОВЛИК ЁВИМИЗДИР

Кўзғолингиз, эй ўртоқлар. Келди бизга ишлаш чоги,
Биз барчамиз ёш ишчимиз, ишхонамиз мактаб боғи.
Туринг, тезроқ иш бошлайлик,
Ялқовликни биз ташлайлик.

Кўқдан булут ёмғир сочар, сувлар оқар, ўтлар ўсар,
Күшлар учар, озиқ излар, бутун дунё тинмай ишлар,
Сиз ҳам туринг, эй ўртоқлар,
Юрт обрўсинг ёшлар сақлар.

Танбалликдир бизга душман, ишламоқнинг
замонидир,
Тиниб турмас «Ёшман» деган иш инсоннинг
бир жонидир.
Тирик бўлсанг, қўзғол ўртоқ.
Кўлга ишни тез ол ўртоқ.

Жаннат каби гўзал юртинг йиглаб сендан иш кутадир,
Сенда кўргач ишсизликни ҳасрат чекиб қон ютадир.
Тур ўрнингдан, оч қўзингни,
Айт ёвинга сўнг сўзингни.

Ёвинг кимдир, биласанми? Нодонликдир,
ялқовлиқдир,
Ёвга қарши курашмаслик қўрқоқликдир, анқовликдир.
Иш қиличин тур, қўлга ол.
Ёвга қарши чиндан қўзғол.

ҲАР КИМ ЭККАНИНИ ЎРАР

Бир кишининг отаси
Кўп яшамиш, қартаймиш.
Соч-соқоли оқармиш,
Беллари кучдан қолмиш.

Нон еганда лаблари
Бурни билан сўзлашур.
Чой ичганда қўллари
Қалтирашиб титрашур.

Бели икки букилган,
Юрай деса, юролмас.
Бир ўтиrsa, ўрнидан
Кўтармасанг, туролмас.

Ўғил, келин, невара
Зериқдилар бу ҳолдан.
Кутулмоқчи бўлдилар,
Бир иш қилиб чолдан.

Кириб бир хилват уйга,
Сўзлащдилар учовлон.
Ўғил билан невара
Килди ўз фикрин баён.

Сўзлар бир оз чўзилди,
Мажлис узоқча кетди.
Навбат келди келинга,
У ҳам ўз фикрин айтди.

Келин деди: «Сизларнинг
Тўғри эмас ўйингиз,
Энг яхшиси саҳрора
Олиб чиқиб қўйингиз.

Бирор кўмар ўлигин,
Кўрмас бизнинг кўзимиз.
Машаққатсиз бу ғамдан
Кутулгаймиз ўзимиз».

Ўз фикрини сўзлашда
Келин уста йўл топти.
Бир оғиздан мажлисда
Келиннинг фикри ўтди.

Ўғил билан невара
Кун кеч бўлгач турдилар.
Кўтардилар у чолни,
Саҳро томон юрдилар.

Бир ўринга етганда,
Сўзга кирди чол.
Деди: «Ўғлим, сўзимга
Бир оз қулоқ сол.

Мен отамни бир замон
Бу ўринга келтириб,
Ташлаб кетган чогимда
Қолган эди термулиб.

Навбат келди ўзимга,
Сен ҳам мени келтирдинг,
Мен отамга на қилсан,
Энди менга сен қилдинг.

Менга яар шул ўрин,
Бир кун сенга ҳам яар.
Эл аро бор бир матал:
«Ҳар ким экканин ўраг».

Бу сўзларни эшитгач,
Ўғил хўнграб йиглади.
Отасига узр айтди,
Хизматга бел боғлади.

*Нашрга тайёрловчи:
Улугбек Долимов.*

ЗАМОНДОШЛАР МУНАВVAR ҚОРИ АБДУРАПИДХОНОВ ҲАҚИДА

«Миллий истиқол»нинг фаолларидан бўлган Тангрекулихози Мақсадовнинг тергов даврида ёзиб қолдиргандаридан:

1919 йилдаги январь воқеаси даврида эски Жувадаги босмахонанинг иккинчи қаватида ёшларнинг бирлашган йигилиши бўлди («Бирлик» ташкилотини ташкил этишга бағишланган — С. X).

Бу йигилишда Саъдуллаҳўжа Мунаввар Қори билан ўпишиб сўрашади-да, мен эсэрман, Ватан учун хизматга доимо тайёрман деб айтади. Бу ерда Акмал Икромов раҳбарлигидаги «Иҷчилар» музика оркестри ҳам бор эди. Музикачилар унинг бошқарувида «Яшасин Мунаввар Қори! Яшасин миллат!» деб ашула айтади.

Тошкентда уни билмайдиган одам йўқ. У жадидларнинг буюк кишиларидан бири «Шўрои Исломия»нинг асосий ташкилотчиси бўлган. Биринчи марта у билан 1918 йилда Мирҳабибининг уйидаги йигилишда танишганман. Менга, шунда тарғибот ишлари олиб боришим тайин бўлади. Буни мен Муродхўжа домла, Обидхўжа, Усмонхўжалар билан биргаликда бажарганман.

Лазиз Азиззоданинг тергов вақтида айтганларидан:

Мунаввар Қорига куйидагича баҳо бериш мумкин: у ташкилотнинг яккаю ягона раҳбари, теран ақиллик мафкурачи, илҳомлантирувчи, стратег, уста дипломат ва бошқа шу каби жуда ижобий киши ҳисобланади. Унинг ақд-заковати ҳар доим ҳиссиётдан устун бўлган, шунинг учун ҳам у ўз ҳаракатида камдан-кам хатоликка йўл қўйди. Агар Мунаввар Қори ташкилотга раҳбар бўлмаганида, у бу қадар муваффақиятларга эриша олмас эди.

* * *

Фитрат Мунаввар Қорини қучоқлаб йиглайди: «Биз бундай инқилобни хоҳламаган эдиқ. Биз фақат амирни ағдариб адолатли жамият барпо қилмоқчи эдик...»

* * *

1957 йилда Мунаввар Қори билан бирга қатагон қилинганиларни оқлаш учун тайёрланган маълумотномадан кўчирма:

Иш бўйича асосий бош айбланувчи М. К. Абдурашид (хон)овдир. У ўзининг шахсан иқрор бўлишича, 1904—1921 йилларда маҳаллий аҳоли орасидаги ҳар хил ташкилотларда фаол қатнашган. Уларнинг аксариятига раҳбарлик қилган...

«Миллий иттиҳод» асосан олдинги «Турк одами марказияти» (Турк федралистлари иттифоқи), «Иттиҳод ва тараққий» («Бирлик ва тараққий») каби миллатчи ташкилотларнинг иштирокчиларидан ташкил топган. Уларнинг фаолиятида Абдурашид(хон)ов фаол қатнашган. 1921 йилнинг бошларida «Миллий иттиҳод» (Миллий бирлик) марказий қўмитаси аъзоси Абдурашид(хон)ов ушбу иш бўйича айбланувчилардан Т. Х. Мақсудов, И. Ибрагимов ва У. Тўхтахўжаевларга Бухородан Тошкентга, ундан сўнг босмачилик бошлиқларидан бири Раҳмонкулов қароргоҳига бориб босмачиларни ҳарбий ишга ўргатиш учун буйруқ беради.

Раҳмонкул қароргоҳида бўлган У. Тўхтахўжаев («Миллий иттиҳод») Марказий қўмитаси аъзоси, кейин четта қочиб кетган) Садритдинхон диктовкаси билан Тошкентда ўтаётган Туркистон Компартияси курултойини адресига Фарғона вилояти мухториятини ташкил этишини талаб этувчи ультиматум хатини ёзди. 1926 йилда Абдурашид(хон)овнинг кўрсатмаси ва иштироки билан «Миллий иттиҳод» «Миллий истиқдол» деб қайта ташкил этилиб, ўзининг кўпорувчилик фаолиятини тиклайди. 1926—1929 йилларда Абдурашид(хон)ов «Миллий истиқдол»нинг гоявий илҳомчиси сифатида, унинг фаолияти устидан умумий раҳбарлик қилади. Ҳатто Тошкентдаги афғон консулиги билан яширин алоқа ҳам ўрнатади. Абдурашид(хон)ов «Миллий истиқдол»нинг Наманган ва Самарқанд бўлимларига маҳсус чопарлар юбориб, уларга гайришўровий миллатчилик ишларини олиб бориш учун амалий кўрсатма бериб туради.

«Миллий иттиҳод» ташкилотининг фаол бошлиқларидан бири Салимхон Тиллахонов шўрога қарши миллатчилик фаолияти юритишида шахсан Мунаввар Қори Абдурашид(хон)овнинг кўрсатмасига кўра, «Миллий истиқдол»нинг «учлик» раҳбарияти таркибиға кириб,

унга янги кишиларни жалп қиласди, шунингдек Наманган ва Самарқанд бўлимлари билан жинояткорона алоқада бўлади, Наманган бўлими учун шўрога қарши қандай қилиб ташкилий иш олиб бориш тўгрисида йўриқнома (инструкция) ёзди.

«Миллий истиқдол» ташкилотининг асосий вазифаларидан бири мунтазам равиша «Мустақиллик» гояси (шиори)ни тарғибот қилишдан иборат бўлган. Бунинг учун эса «гап» деб номланган йиғинлардан кенг фойдаланилган. Уларда фақат «гап»чиларнинг ўзларигагина эмас, балки бошқа кишиларга ҳам аксилшўравий руҳ сингдирилади. Масалан, улар, яъни «гапчилар» шўро ҳукумати — «собиқ рус империализмининг бошқача формаси», «Ўзбекистон қизил колония», «Руслар Ўрта Осиёни ўз колониясига айлантирмоқчи» деб арз қилмоқдалар.

Проф. доктор Иброҳим Ёрқин (55)

Туркистонда уйғониш миллий ҳаракатлари ва Мунаввар Қори

Туркистонда янги типдаги мактабларнинг очилиб, халқнинг маърифатдан баҳраманд бўлиши ва турклик шўүрининг уйғотилиши билан боғлиқ масалалар ўрганилаётган вақтда энг аввало узоқни кўра олган, маърифатпарвар раҳбар Мунаввар Қори ва унинг атрофида уюшган маслакий биродарларини кўрамиз.

Мунаввар Қори, Туркистонда 1930 йилгача бўлган даврда этишган миллиятчи ойдинлар учун сўзнинг том маъноси билан айтилганда, маслак ва юксак гоявий илҳомлари манбааси сифатида шуҳрат топган сиймодир.

Йигирманчи юзийилликнинг бошидан 1935 йилларга қадар бўлган вақт оралиғида Туркистонда кечган барча миллий ҳаракатларда Мунаввар Қорининг амалиёти ва маслакий раҳбар сифатидаги ўрни ва нигоҳбонлиги кўзга ташланади. Бу даврдаги мактаб таълими изланишларини ва миллий ҳаракатларни Мунаввар Қорини бир четда қолдириб олиб қараш жуда қийин. Шу сабабдан ушбу мақола сарлавҳасини юқоридагидек аташни ўринли деб топдим.

Мунаввар Қорини («Қори» атамаси Туркистонда «Хафизи Куръон», яъни «Куронни ёд олган ва ифода-

ли ўқий олувчи» иборасининг муқобилидир) майдонга келтирган маслакий ҳаракатларнинг ҳақиқий баҳосини бера олиш учун Туркистонда ана шу давр арафасидаги ахволни қисқача кўздан кечириш лозим.

Туркистонни ўрис истилосига дучор қилган фалокатлар орасида балки энг аввалида муайян қолипга тушиб қолган диний таълим-тарбиядан бошқасига йўл бермаган, қадимги эътиқодга кўр-кўронга боғланниб қолган, мутаассиб ва расмиятчи усуладаги мактаб ва мадраса тизимларининг юз йиллар давомида ҳеч бир ўзгармасдан муттасил давом этиб келганини бўлди.

Туркистон ўрис истилосига учрагандан кейин эса, маданият келтириш даъвосини қилган чор мустамлака идораси Туркистоннинг ерли халқини маърифатлашишига ва илм-фанинг ёйилишига ёрдам бериш ўрнига, аксинча, чириган эски усул мактаб ва мадрасаларни ҳеч бир янгилик ва ислоҳ қилмасдан давом эттиришга гайрат қилган, киришган эди. Мустамлакачи Ўрис идорасининг барча бу уринишлари халқни билимсиз, дунёдан хабарсиз қолоқлик ва қоронгилик ахволида тутиб туриш эди. Чор ўрусиyaси замонавий билим бериш ўрнига, фақат ўрисча ўқиши ўргатадиган ўрис-ерли мактабларни очиб, дунёдан хабарсиз чала-чулпа ўрисча ўқиб, ёза оладиган, манфаатларга кўра Ўрис идорасига боғлиқ ва Ўрусиyaга оид барча нарсага ром-маҳлиё бўлишдан нарига ўтмайдиган таржимонлар етиштиришни кўзлаган эди. Халқ жаҳолат ичидаги эзиш оқибатида кенг халқ қатламлари тобора фақирлашмоқда ва кун кечириш шарт-шароитлари қийинлашмоқда эди.

Чор Ўрусиyaси ўз қўли остидаги туркий халқлар орасида қадимдан мавжуд бўлган яқинлик муносабатларини узуб ташлаш сиёсати олиб борилар, мактабдорлар ва дин одамларининг бир-бирига ёрдамчи бўлишларига тўсиқ бўлишига гайрат сарфланар эди; шу билан боғлиқ қонунлар чиқарилар эди. Бунга мисол сифатида Туркистоннинг шимолидаги қозоқ турлари ўлкасига Туркистон жанубидан ва Идил—Ўролдан мактабдор ва дин одамларининг боришлиарининг таъкидланганлигини кўрсатишимиш мумкин.

Бошқа тарафдан ўрис ортодокс калисоси миссионерлари ва маҳсус мақсадлардан етиштирилмиш шарқшунос мутахассислар ҳам фаолиятда эди; халқни тарихидан, адабий тилидан, миллий маданият ва анъаналаридан ажратиб, ўрислаштириш учун замин ҳозир-

ламоқда эдилар: Ильминский ва у етиштирган Остроумов каби миссионерлар туркларни ўрислаштириш учун, бугун Совет Ўрусиyaси уста бир тактика билан ва зўрлаб қабул қилдирган шаклда, аввало ҳар бир элатга алоҳида-алоҳида ўрис (кирил) ҳарфларини қабул қилдиришга ва сўнгра эса маҳаллий шеъвалар асосида, мазкурлар (шеъвалар)ни бир-бирларига алоқаси бўлмаган, мустақил ёзув тиллари ҳолига келтиришга киришган эди. Бугунги Совет Ўрусиyaсининг турли туркий халқларига қабул қилдирган ўрис алифболари ва турли туркий халқлар шеъваларини мустақил ёзув тиллари сифатида қарор топтириш сиёсати янгидан ижод қилинган сиёсат эмас. Юқорида айтилганидек, бу сиёсатнинг илк наъмуналарини чор Ўрусиyaси ортодокс калисоси миссионерлари кўрсатган эдилар. Шу типик мисол, Советлар Москва империализмини бартараФ этганликлари ва Совет тузумининг миллий маданиятларини уйғунлаштирганликлари ҳақидаги даъволарга қарамай, бу тузумнинг ҳам жуда қўйинни пуч ёнғоққа тўлдирадиган узоқни кўзлаган, гаразли сиёсатида чор Ўрусиyaсининг туркий халқларни бир-биридан айриш, муштарак адабий тил ўрнига қабила (бу ерда «элат» маъносидаги) шеъваларнинг ёзув тили сифатида қарор топтириш ва уларни миллий маданият ва анъаналаридан маҳрум этишга қаратилган гаразли режаларнинг маккорона, бироқ янада таъсирили шаклда ва қизил тузумнинг барча зўрлов-қатағонлар ва бошқа воситаларидан фойдаланган ҳолда тадрижий давом эттирганини кўрсатади.

Туркистонда ўйғониш ҳаракати

Чор Ўрусиyaси бўйинтуруғидаги турклар орасида қолоқликдан қутилиш, замонавийлашмоқ ва миллий маданиятни қарор топтириш ҳаракатлари Идил—Ўрол, Крим ва Озарбайжон туркларида Туркистонда бирмунча эрта бошланган эди. Туркистонда 19-юз йилликнинг охири арафаларида, ўрис мактабларида етишган ёхуд бўлмаса эски мактабларда етишиб, бошқа туркий ўлкаларнинг замонавийлашиш жараёнларини ўрганиб ва энг аввало Туркиядаги, яқин ислом ўлкаларидаги хуррият ва таълим-тарбиядаги ислоҳ ҳаракатларини ўз кўзлари билан кўриб, ёки бўлмаса китоб, газета, мажмуалар ва шахсий алоқалар воситасида ўрганиб кўзи очилган ва истиқлол йўлига кирган кишилар чиқа бош-

лаган эди. Улар янги усулда мактаблар очиш, бошқа ўлкаларга талабалар юбориш йўли билан ўқимишлиларни етиштириш учун уюшма жамиятлар («жамияти хайрийя»лар) ташкил этиш, китоб, жарида ва мажмуалар чоп этиш йўли билан миллатни уйғонтиришга гайрат қиласр эдилар. Талабалар жўнатилар экан, энг аввало Туркияга талаба юборишга қаттиқ киришган эдилар. Маданий ҳаётни Фарб маданияти анъанаси асосига кўра янгидан жонлаштириш йўналишидаги ҳаракатни йўлга қўйганларни «Жадидлар» ёхуд бўлмаса «Жадидчилар» дейилар эди. Улар муъалим, зиёли дин одамлари, ёзувчилар ва жаридачилардан иборат бўлиб, миллатта бирон жабҳада бўлса-да, фойдали бўлишга киришган эдилар.

Туркистондаги бу замоновийлашиш, тамомила янги асосдаги таълим йўли билан ўлкани қолоқликдан кутқариш ва миллий шуурни уйғотиши ҳаракатларини илк бор бошлаган кишилар орасида энг кўзга кўринган ва бошида келган сиймо, халқ орасида соддагина қилиб «Мунаввар Қори» номи билан танилган Абдурашидхон ўғли Мунаввар Қоридир. Қори 1880 (56) йилда Тошкентда дунёга келди. Отаси Абдурашидхон жуда кичик ёшлигига ёқ вафот этганилиги учун уни эски усулдаги таълим билан шугулланган (Отин ойилик қилган) онаси Хосият Хоним ўстирди. Мунаввар аввало Ҳофизи Куръон бўлди, унинг «Қори» лақаби билан машҳур бўлиши ана шундан. Сўнгра, бир мuddат Бухоро мадрасасида ўқиди, Тошкентга қайтгач бир маҳалла Жомеъсида имомлик қила бошлади.

Бу сурода Крим, Кафқозия ва Идил—Ўролдан бир қатор нашрлар келар эди; шахсий муносабатларнинг ҳам таъсирида янги миллий усулдаги таълим ва масалакий жараёнлари ёйла бошлади. Янгилашиш гояси-нинг қарор топишида энг аввало Туркиядан келган, қисман Эрон ва Ҳиндистондан келган нашрларнинг; Туркияга қилинган саёҳатлар асносида қозонилган интибоҳларнинг ва шахсий учрашувларнинг ҳам буюк таъсири бўлганлиги бир ҳақиқатdir.

Мунаввар Қори Бухорода мадрасада ўқиркан таълим тизимининг фойдасиз бўлиб қолганлигини кўрди. Тошкентга қайтгач, бу тизим билан, жаҳолат билан мужодала олиб бориш лозимлигига қаноат ҳосил қилиди. Янги усулга оид нашрларни қидира бошлади. Юксак закоси соясида, янги усулда мактаб очишга ярарли билим тўплашга муваффақ бўлди. Бу Мунаввар

Қорининг Фаспирали Исмоил «Таржумон» жаридасидан ва айрим бошқа брошюралар ҳолида янги усулдаги таълимга оид чоп этилган нарсалардан фойдаланиши ва баъзи хусусларда ўзининг фаразлари натижасида ҳосил бўлганлигини тахмин этиш мумкин. Бунда Озарбайжон ва Қозондаги нашр-матбаачилик ва гоявий ҳаракатларнинг ҳам таъсири бўлган. Айниқса ўтган юз йилликнинг сўнгти йилларидан бошлаб Туркияда хуррият жараёнларининг ва таълимда янгилик ва ислоҳот гояларининг Жанубий Туркистонга катта таъсири бўлгани ва келтирилган асарларнинг ўқиб-ўрганилиши маълум ҳақиқатлардир. Мидҳат Пошо, Намиқ Камол ва Зиё Пошоларнинг мақолалари ва гоялари Туркистонда ўша давр зиёлилари томонидан ўрганилар эди. Ҳусусан, Машрутiet (Конституцияли султонлик) эълон қилиниши арафасида ва ундан кейинги йилларда Туркиядаги янгилашиш ва хуррият гояларининг зиёлилар орасида жуда катта эътибор билан ўрганилганлиги ва ўзлаштирилганлигини, ёшлигимда муаллимларимнинг ва зиёли қариндошларимнинг кўлларида кўрганларимдан ва қилган сұхбатларимдан яхши хотирлайман. Уларнинг кўпчилиги Мидҳат Пошо ва Намиқ Камолнинг суратларини китоблари орасида сақлардилар.

1908 дан сўнгра эса, Туркиядан мужоҳидлар билан маслакий кишиларнинг расмлари ва бир қатор китоблари ва мажмуалари турли йўллар билан, яширинча келтирилар ва ўқилар эди.

Мунаввар Қорининг янги усулда мактаб очиши. Бу-хорода Жўрабой очган, фақат уч ойгина қисқа вақт ўтмасдан ёпилган мактабни назардан соқит қилинса янги усул мактабларининг дастлабкиси Мунаввар тарафидан 1901 йили июнь ойлари бошларида Тошкент шаҳрида очилди. Қори мактабнинг ўқиши-ёзишни қисқа вақтда ўргатишини, фойдали билимлар беришини кўрсатиш учун битириш имтиҳонларини талабалар валийлари ва бир қанча муҳолиф дин одамлари хузурида ўтказа бошлади. Унинг мактаби, айни замонда янги очиладиган бошқа мактаблар учун таълим методлари ва тартибни, амалий жиҳатдан ўрганадиган жой вазифасини ўтади. Кейинчалик Фарғонанинг бир қатор шаҳарларида, Самарқанд, Хўжанд, Чимкент каби шаҳарлarda янги усулда мактаб очган кишилар ундан таълим тартиби ва методларини ўргандилар. Мунаввар Қори етиштирган ёшлардан қобилиятли ва муаллимликка ҳаваслиларнинг бир қанчалари унинг ёнида қол-

дилар, билимларини орттиридилар ва муаллим бўлиб етишдилар.

Мунаввар Қори яна сўнгроқ, тўрт синфлик ибтидоий мактабда, кўшимча сифатида икки босқичли Рушдий (юқори) синфини ҳам очишга муваффақ бўлди; бу мактаб «Наъмуна мактаби» номини олди.

Мен илк таҳсилимни Эсон Ҳожа Хоннинг мактабида битирганимдан сўнгра, икки йиллик рушдий таҳсилимни Мунаввар Қорининг «Наъмуна мактаби»да рушдий синфида ўқидим. Янги усул мактабларининг сони ортган сари мактаб китобларига (дарслклари-га) эҳтиёж ҳам ортди. Буни қўлга киритиш учун, биринчи синфларга алифбо китоби сифатида «Адаби аввал» ва иккинчи синфлар учун дарслик сифатида «Адаби соний» китобларини ҳозирлади. Яна сўнгра эса, жуғрофия китобини ҳам чоп этди. Яқин қариндошларига ҳам бу йўлда юриш учун ташвиқ қиласарди. Шу туфайли яна бир қатор дарслик китоблари ҳозирланди. Рушдий синфлари учун Қозонда нашр қилинган ва ҳатто Туркиядан яширинча келтирилган китоблар қўлланилди.

Чор идораси ёш авлоднинг маърифат олишга ва ҳалқни уйғонтирилишига ярайдиган бу янги усулдаги мактабларнинг очилишига монеъ бўлишига ва очилганларини ҳам қаттиқ назорат остида тутишга киришди. Мунаввар Қори ва унинг яқинлари бу тўсиклар ва қийинчилклар олдида енгилмадилар ва чор пошшо ағдарилилган 1917 йилга қадар Туркистоннинг ҳар тарафидан янги усулдаги мактабларни очиш ишини ёйишга муваффақ бўлдилар.

Ёрдам жамиятчиларининг қурилиши

Очилган янги типдаги мактабларни моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш, факир ўқувчиларга ёрдам қилиш ва бошқа ишларга фойдали бўлиши учун «Жамияти Хайрийя» номли ёрдам жамиятлари қурилди. Бу жамиятлар, Мунаввар Қорининг ташвиқи билан, юқоридағи ишлардан ташқари, илк мактабларни битиргандан сўнгра Туркия, Ўринбург, Уфа ва Озарбайжонга яширин юборилган талабаларга ёрдам ишларини бошқарар эди. Мунаввар Қори талабаларига Туркия ва ёхуд Идил-Урол ва Озорбайжоннинг янада юқори даражали таълим бериш имконини берадиган таълим муассаларига кетиб, юқори маълумот олишларини ҳар фур-

сатда ташвиқ қиласар ва хорижда ўқишлари учун йўл кўрсатар ва айни замонда моддий имконлар яратишга ҳаракат қиласар эди. Бир қанча ёшларни Туркияга юбориб, ўқиттани маълумдир.

Мунаввар газетчилиги

Халқни уйғотиш, янги ғояларни ёйиш, миллий муаммоларни ҳал қилиш ишларини қўлга олиш, ўрисларнинг Туркистонга ўрис келгиндишларини жойлаштириш сиёсаларини тушунтириш учун жарида ва мажмуаларга эҳтиёж сезилар эди. 1905 йилга қадар Туркистон туркларига жарида чиқариш мусассар бўлмаган эди, биргина Валийлик (генерал-губернаторлик)нинг амирнома ва бўйруқларини чоп этадиган ва туркистонлиларни бир-бирларига англатмаслик ўзига вазифа деб билган «Туркистон вилояти газетаси» номли бир газета бор эди. Бу газета таникли ўрис миссионери Остроумов раҳбарлигига эди ва ҳалқ орасида ҳеч бир ишқибозлик қозонмаган эди. 1905 йил иҳтиололи оқибатларидан фойдаланган ҳолда илк газетани Мунаввар Қори чиқаришга киришди. Унинг «Хуршид» номда чиқармоқчи бўлган газетини нашр этиш учун мурожаатини чор идораси ўрисча бўлмаганлиги сабаб кўрсатибрад этди. Шундан сўнг баъзи аҳволлардан фойдаланиб, Исмоил Обид номига нашр этиш ҳукуқини олишга мусассар бўлиб, қўлга киритилган «Гарақий» газетасида Мунаввар Қори жуда катта рўль ўйнади. Газета ёпилиб, мухаррири ҳибсга ташлангач, Мунаввар Қори «Хуршид» газетасини чиқаришга мусассар бўлди. Бу газета мактаб ва мадрасаларда ислоҳот ишларини ташвиқ қилиш ва барча турклар орасида муштарак ёзувтилини майдонга келтириш йўлида курашишни ўзи учун мақсад қилиб олган эди. Иқтисодий масалалар, жаҳолат, қолоқлик ва мутаассиблиқ билан мужодала, қаламга олинган мавзулар орасида эди. Газета ҳалқ орасида жуда катта қизиқиш уйғота олди. Ўрис ҳукуматига ёқмайдиган ғояларни ўйган бу газетани кўп ўтмасдан ёпди. Шундан сўнгра Абдулла Авлоний томонидан чиқарилган «Осиё» (Азия) газетасининг идораси ва ҳайъатларида ҳам Мунаввар Қори раҳбарлик қилди ва жуда унимли рўл ўйнади.

1914 йилда адвокат Убайдулла Ҳўжа тарафидан нашр этилган «Садойи Туркистон» газетасининг идора ва ёзув ишларининг энг оғир юки яна унинг устида эди.

Ўрусияда чорлик тузумини ағдарган 1917 йилги февраль инқиlobидан сүнгра Мунаввар Қори «Нажот» газетасини чиқарди. Бу газетада қозоқ, қирғиз, татар ва бошқа номлар билан бир-бирларидан узоқлаشتарилишига маҳкум этилган барча турклар Мунаввар Қори бир миллат авлодлари эканликларини англатишга қаратилган бир қатор мақолалари эълон қилинди. «Нажот» газетасида чорликнинг мустамлакачилик ва зулм идорасининг ички анатомиясини (тешҳир) кўрсатиб, янги туғилган ҳуррият тузумидан фойдаланган ҳолда, миллатнинг ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиш йўлида мақолалар ёзди. Бир оз кейинроқ чиқарилган «Кенгаш» (Данишма) газетаси ҳам қисқа муддат Заки Валиди ва кейинчалик эса Мунаввар Қори тарафидан бошқарилди. Бу газета «Бутун Туркистон Марказий Шўроси»нинг (Консейинин) нашри бўлган эди.

Мунавваринг ташкилотчилиги

Мунаввар Қори туркистонлиларнинг сиёсий ташкилашиб ишларида ва мустақил давлат қуриш гоясининг қарор топишида кўзга ташланиши мумкин бўлган ишлардан узоқроқ турган, бироқ узоқни кўра олган бир ишончли доҳий эди. 1913 йиллардан бошлаб, энг кўп ишонган гоявий маслакдошлари билан яширин гуруҳлар ҳолида кураш бошлади.

1915—1916 йилларида унинг атрофида яхши ташкил этилган, яширин бир миллятичилар гуруҳи бўлганилиги маълум. У чорликни йиқитган 1917 йил февраль инқиlobидан сүнгра, барча миллий кучларни бир ташкилот атрофида тўплаш зарурлигини англаб етган эди. Шу мақсадда «Шўрои Ислом» ташкилотини тузди, ташкилотнинг бошида бўлгач, яна сўнгроқ «Туркистон Марказий Шўроси»да масъул ишлар юкланди.

1916 йилда бўлган ҳалқ исёнини чор маъмурияти қонли бир шаклда бостирди. Бу ҳодисалар ўлканинг иқтисодий ва социал ҳаётини остин-устин қилди. Баъзи кичик маъмурияtlардан ташқари барча идора воситалари ўрисларга берилди. Турклар давлат ишлари ташқарисида қолди. Мунаввар Қори ва бошқа миллатчи зиёлилар туркийларнинг фойдаси йўлида кўлларидан нима келса қилдилар.

Чорлик ағдарилганидан сўнги аҳвол

Чоризмнинг йиқилишидан туркистонлик зиёлилар миллий манфаатлар юзасидан баъзи илгари силжишларнинг амалга оширилишини умид қилган эдилар. Ҳокимият тепасига келган Керенский хукумати, хуррият, ҳалқларнинг тенглиги ва демократия каби амалий принципларни илгари сурар экан чоризмнинг мустамлакачилик, ерларни босиб олиш ва қозоқ-қирғиз туркларини қирғин қилиш сиёсатини риёкорона давом эттиради.

Чоризм даврида туркистонлилардан тортиб олинган ерларни эски эгаларига қайтариш учун эса бирон-бир иш қилмас эди. Февраль инқиlobидан кейинги ойларда, Ўрусиya асоратидаги бошқа туркий ўлкаларда бўлгани каби Туркистонда ҳам Ўрусиya билан федерал давлат черчеваси доирасида бутун ўлкага шомил муҳтор хукумат ўрнатиш талабидан ортиқ бир талаб йўқ эди. Керенский бу кўп мутавозе истакни ҳам қабул қилмаётган эди. Ўша даврнинг барча ўрис фирмалари эса фақат Ўрусиya бўлинмас бирбутунлиги ҳақида сўз юритар ва уларнинг барча гайратлари туркистонлиларни идора мавқеидан узоқда тушишга қаратилган эди.

Большевиклар эса ҳокимиятни кўлга киритишларидан олдин ва ҳокимиятни кўлга киритгандаридан кейинги дастлабки ойларда, ўрис бўлмаган миллатларга ва барча мусулмонларга истиқлолларини, ҳатто Ўрусиядан ажralиб кетишга бўлган ҳақ-хукуқларини эътироф этишларини билдирап ва айниқса чор Ўрусиининг мустамлакачилик сиёсатини ва асоратда тутган миллатларга нисбатан қилган адолатсизликларини шиддат билан қоралар эдилар. Юқоридаги ваъдалар Совет Ўрусииси маъмуриятига кўра, ҳақиқий маънода ҳеч бир вақт кўлланимайди, фақат ўлкаларда, хусусан, Осиё ва Африка ўлкаларида ташвиқот олиб борилар экан, юқоридаги ваъдаларни гўё ҳақиқатда амалга оширилгандек риёкорлик билан фойдаланилар эди.

1917 йилнинг охирларида Ўрусиya асоратидаги ўлкаларда қудратли ҳуррият ҳаракатлари бошланди. Полъша, Финляндия ва Болтиқ денгизи соҳилидаги ўлкаларнинг истиқлолларини эълон қилдилар. Бу даврда Туркистонда ҳам, шимолдаги қозоқ турклари яшайдиган ўлкаларда ҳам ва жануб қисмда ҳам миллий ҳаракатлар оловланди. Бироқ Жанубий Туркистонда дин одамларининг бир қисми бу даврнинг аҳамиятини баҳолай

билишдан ожиз эдилар ва ҳатто уларнинг курган байзи ташкилий янгиликлари бўлмиш душманликларнинг таъсири остида ўрис фирмалари билан ҳамкорлик қилишдан ҳам тап тортмадилар. Ўрис мактабларида етишган ва ўрис сиёсий фирмаларининг таъсири остида бир қисм зиёли ва ярим зиёлилар миллий масалаларимизни биргаликда ҳал қилиш мумкин деб топдилар. Мунаввар Қори ва унинг атрофидагилар мусулмон ўлкаларида, энг аввало Туркиядаги хуррият ҳаракатларини яқиндан билганлар Туркистон учун истиқлол истар эдилар. Шу кейингилар мухторияти гоясини ҳам ўлканнинг ички ишларида ўз-ўзича тугал хурлик доирасида тушунар эдилар ва бунга ҳақиқий маънодаги истиқлол учун ташланадиган бир қадам деб қарар эдилар.

1917 йили охирларида коммунистлар (большевиклар) Туркистонда ҳокимиятни кўлга киритиб, эски дабдабали ваъдаларнинг тамомила акси ўлароқ армияни ва барча идора механизмини ўрисларнинг тасаруфига тутдилар ва туркистонлиларнинг давлат қурилишига иштирокини рад этдилар. Бундай вазиятга қараб, 1917 йил ноябрь ойида Кўқон шаҳрида тўпланган 4-мусулмонлари конгресси Туркистон мухтор миллий ҳукуматининг қурилганлигини эълон қилди. Мухтор ҳукумат эълон қилингунга қадар бўлган даврда ва ундан кейин миллатнинг ажнабий-ётлар ҳукмронлигидан кутилишига қаратилган уринишларда Мунаввар Қорининг ва унинг маслакдошларининг қилган хизматлари жуда буюк ва самарали бўлди.

Кўй ўтмасдан Кўқон шаҳридаги миллий мухтор ҳукумат кўп сонли совет ўрис аскарий кучлари томонидан тутатилди, шаҳар ёқиб юборилиди, талон торож этилди, кўплаб кишилар ўлдирилди. «Шўрои ислом» ва «Туркистон Марказий Шўроси» каби ташкилотлар тарқатилди. Шундан кейин Туркистон туркларининг совет-ўрис ҳокимлигига қарши «Босмачилик» номи билан машхур бўлган буюк тўдалар шаклидаги ҳалқ исъёнлари даври бошланди. 1917 йил охирлари арафасида Жанубий Туркистон Мунаввар Қори билан Маҳмудхўжа Беҳбудий атрофида уюшган миллатчилар, истиқлолни бош мақсад деб билганлар яширин бир ташкилот туздилар. Қозоқ турклари ҳам 1917 йил февраль инқилобидан кейин «Алаш Ўрда» номли бир миллатчи бир фирмә туздилар. «Алаш Ўрда» фирмасининг бошида Алихон Букеҳон турарди. Жанубий Туркистондаги «Алаш Ўрда» маҳаллий ташкилотлари, миллий мухтор

ҳукумати советлар томонидан қурол кучи билан тарқатилгандан сўнг юқорида баҳс кетган «Алаш Ўрда» фирмаси Ўрусиya империализмидан кутулишни мақсад қилиб олган яширин бир ташкилот сифатида фаолият кўрсата бошлади (Миллий мухтор Туркистон ҳукуматлари ҳақида Турк, культурининг 1964 йил, 23 сентябр сонига қаралсин). Юқоридаги ташкилотлар ўз ораларида ва Туркистон ташқарисидаги туркларнинг яширин миллий ташкилотлари билан алоқаларда бўлдилар. Тарихий воқеаларнинг бориши ўлгадаги бу яширин ташкилотларнинг бирлашишини ва энг аввало, Туркистоннинг ҳақиқий маънода истиқлолини мақсад қилиб олишларини тақозо этарди. Бу гоянинг ҳақлигини исбот этишга киришган энг қувватли ва ҳалқ орасида энг кўп таъсирга эга бўлган ҳаракат яна Мунаввар Қори етакчилик қилган миллятчилар ташкилоти бўлди.

Ҳалқ исъёнининг бутун Туркистонга ёйилиши ва Марказий Ўрусиядан Туркистонга келтирилган кўп сонли қизил армия дасталарининг бу исъённи бостиришига киришиши, 1918—1924 йиллар орасидаги даврда миллятчи яширин ташкилотларнинг яна бир қатор конгреслари бўлиб ўтди ва оқибатда Туркистоннинг истиқлоли учун курашган, сиёсий принциплари бирбиридан озми-кўпми фарқли барча миллий фирмә ва ташкилотлар ягона лагерга бирлашдилар; мазкур бирлашиш оқибатида майдонга келган янги ташкилотта «Туркистон Миллий Бирлиги» номи берилди.

Бу ташкилот ялпи ҳалқ исъёни кенг авж олган даврда, 1922 йилда совет-ўрис истилосига қарши қаратилган ҳаракатларни қарор топтириш ва миллатнинг овозини мамлакат ичкарисида ва ташқарисида эшиттириш юзасидан бўлиб, мустақил миллий ҳукумат курган ва буни бутун дунёга эълон қилган эди.

Мана шу барча гоявий кураш майдонларида ва маслакий ҳаракатларда Мунаввар Қори жуда табиатан ижобий, шовқин-суронсиз ва кўзга ҳа деб ташланавермайдиган вазифаларни бажарди. Ана шундай хислатлари билан у барча миллятчиларнинг эътиномиди ва юксак баҳосини қозонди.

Туркистон қизил Масков режимига қарши кенг ҳалқ қатламлари оёққа турган ўша йилларда совет режими, хусусан, Лениннинг ўзи бевосита чиқарган директиваси билан Туркистонли зиёлиларни маълум даражага қадар давлатни бошқариш ишларига жалб этди; таъ-

лим ишлари олиб борилаётган мактабларда тарих, тил ва адабиёт мавзуларида туркистонлик миллиятчиларнинг принципларига сабр-тоқатлилик намоён қилди; ҳалқда ва зиёлилар орасида миллий ҳисларни чалғитиш сиёсатини кўзлади. Бу сиёсат ижобий мактабларда маълум бир муддат ислом дини дарслари ўқитилишига ва шариат маҳкамаларининг ҳам очилишига рухсат берилишига олиб келди. Туркистон совет маъмурияти хукмрон бўлганидан сўнг «қўйинни пуч ёнгоққа тўлдирадиган ваъдалар» сиёсий режалари «камалга оширила бошлади». Коммунист бўлгандарни ҳолда совет тузуми ичкарисида Туркистон учун баъзи маъмурий, иқтисадий ва маданий ҳақ-хукуқларнинг берилишини истаган кишилар ишдан узоқлаштирилди, айбланди. Шундан сўнгина маданий ва таълим-тарбия ишларida советлар режалари татбиқ этила бошлади.

Мунаввар Қори совет режимининг маданий, таълим-тарбия ишларида мазкур чалғитиш доирасида бўлсада, кўп сонли мактабларнинг очилиши ва мульимлар етиштирилиши зарур эканлигини ташвиқ қилди. Бутунлай отиб ташлангунга қадар шу йўлда курашди.

Мунаввар Қори ўрис мустамлакачилиги, хукмронлиги билан мужодалар қилиш билан чекланмади, у ўз юртини маданиятда илфор ва мустақил, замонавий билимлар билан қуролланган, ривожланган ва бой бир ўлкага айланганлигини кўришни истар, орезу қилар эди. Ўрисларнинг «парчала ва хукмронлик қўл!» сиёсатини жуда яхши англағанлиги учун бунга қарши жон-жаҳди билан курашди.

Мунаввар Қори тақдирлари

Советлар Мунаввар Қори ва унинг биродарларини илк дафъа 1921 йилда ҳибсга олдилар. Шу йилдан кейин бир неча вақт кейин яна ҳибсга олинди, но маъкул, шубҳали одам деб қарабади. Ана шу барча ўзгартириб бўлмайдиган қийин шарт-шароитлар уни жуда эҳтиёт бўлишига унади, бироқ кўрқмасдан курашди. Мунаввар Қорини оддий ва маънавий босқинлар ва таҳдидлар билан йўлга сололмаган советлар уни сўнгти бор 1932 йилда ҳибс эттилар [57].

Мунаввар Қори тарбиячи, ҳалқ ичидан етишиб чиқкан бир жамоат арбоби ва Туркликтининг ва Туркистоннинг қутқарилиши гоя-идеалининг фидокор, саботли,

жъясур курашчиси ва гоя-маслак чашмаси (булоғи) бўлган шахс эди.

Ўрисларнинг уни моддий (жисмоний) вужудини йўқ қилишларининг сабаби ана шудир (матннинг остида қавс ичидан то 85-бетдан то 85-бет кўрсатилган). «Турк културу» журнали, 1966, № 4 (46) (мақолани Туркия туркласидан ўзбек туркласига фалсафа фанлари номзоди Абдулқодир Зоҳидий таржима қилган).

Салимхон Тиллахонов

Тошкентдаги «Миллий истиқол» ташкилоти ҳақида

Унинг иш фаолияти Азиз Лазиззода (Лазиз Азиззода — С. X.) 1926 йил Москвага кетишидан сал олдин бошланган. Бу ташкилотни тузиш, аникрофи, олдинги «Миллий иттиҳод» фаолиятини тиклаш тўғрисидаги Мунаввар Қори дастлаб Азиз (Лазиз) билан гаплашган. Мен бошланишида ундан, тўғридан-тўғри кўрсатма олган эмасман. «Миллий иттиҳод»нинг раҳбарлари учлиги қўйидаги таркибда тузилган эди: Мен (Салимхон Тиллахонов), Азиз (Лазиз Азиззода) ва Гофуржон Мусахонов. Амалда эса раҳбарликни Мунаввар Қорининг ўзи олиб боради.

Мунаввар Қорининг кўрсатмаси билан раҳбаријатга ташкилотнинг эски аъзолари киритилмайди, чунки улар хукуматга, ГПУга танилиб қолган эди. Уларнинг раҳбаријатга кириши шубҳа туғдириши, оқибат натижада эса ташкилотни барбод қилиши мумкин.

Шунга қарамай, Учлик аъзолари айрим масалаларни қандай ҳал қилиш тўғрисида маслаҳат учун, ташкилотнинг эски фаолларидан айримларига уларга «Миллий истиқол» борлигини билдиrmай туриб мурожаат қилиши мумкин бўларди. Бундан албатта Мунаввар Қори эса амалда раҳбар ва илҳомлантирувчи бўлгани учун бундан мустасно эди.

Мунаввар Қори Азиз (Лазиз)га бу ташкилотни тузишга кўрсатма бериб, эски раҳбаријат аъзолари тўзиб, иш тугаб бораётганлигини ташкилотни бутунлай тугатишига йўл қўймаслик зарурлигини уқтириди. Бугун бўлмаса, дейди у, эртага ҳокимиятни қўлга олиш учун ташкилотга зарурият туғилади, шунинг учун ҳам ҳеч бўлмаганда, ташкилотни ташкилий ядро сифатида сақлаб қолиш керак. Унинг асосини шундай ташкил қилиш керакки, агар бунга қабулиятли кишилар топилса, за-

рурият туғилған тақдирда ишни ташкилий шакл (форма)да давом эттира оладиган бўлсин. Гап шундаки, Мунаввар Қори вақти келиб, ҳокимият масаласи ташкилотнинг кун тартибига қўйилишига шўро ҳукумати охир оқибатда мағлубиятга утраши ва ҳокимиятни ўз қўлига олишига ишонади. У бу ўринда, Сербия, Болгария, Финландияни мисол қилиб, улар ҳам бир вақтлар мустамлака бўлиб, кейинчалик ўз мустақилитини қўлга олганини кўрсатиб, бизлар ҳам истиқтолга эришамиз деб айтар эди. У фирмә ва шўро ҳукуматининг ўз-ўзидан айниб кетишига ишонади. Коммунистларнинг катта қисми (маҳаллий миллатдан чиқсан коммунистлар) кўз ўнгимизда шавинистлашмокда, бу шунга олиб келиши мумкинки, коммунистларнинг ҳаммаси шавинист бўб кетиши мумкин, ана шунда (ташкилот утун) ҳукумат тўғрисидаги масала пайдо бўлади.

Мунаввар Қори ўзининг бу тўғридаги фикри тўғрилигини исботи учун шўро ҳукумати хусусий мулкни ва синфларни тугатиш йўлида олиб бораётган кураш туфайли ҳалқ оммасининг аҳволи тобора оғирлашиб бораётганлигини кўрсатар ҳамда маҳаллий коммунистлар бу ҳолатни кучайиши сабаб комфиқадан юз ўтириб, ўз ҳалқи манфаатини ҳимоя қилишга ўтади деб айтар эди. Мунаввар Қори озиқ-овқат танқислиги ва бошқаларни кўрсатиб, кооперация ва давлат савдоси аҳоли талабини мунтазам равишда қондира олмайди деб, хусусий мулк эгасининг рўйини ошириб, бундай ҳолатга жуда борса 5—10 йилга чидаш мумкин, шундан сўнг эса бизнинг партияларимиз мана шу вақтинчалик қийинчиликлар асосида миллатчиликка оғиб, бутун миллат манфаати ҳимоясига отланади деган хulosага келади. Мунаввар Қори ҳеч қандай социализмга ишонмайди, у ҳақида жуда ҳам хира тушунчага эга. Суҳбат чогида маълум бўлдики, у ички қарама-қаршиликлар ривожланишидан ташқари ташқи босқин (интервенция)га ҳам умид боғлайди. У ўзининг нуқтаи назарини Оврупо ва Америкадаги буржуа давлатлари, айниқса Англия СССРни яшаб қолишига йўл қўймаслигини тушунтириш билан исботлашга ҳаракат қиласи. Унингча Ўрта Осиё ҳамон олдиндагидек мустамлака. Фарқи шундаки, дейди у, агар олдин бир губернатор ҳукмронлик қилган бўлса, ҳозир губернаторларнинг сони кўп, агар олдин подшо фуқораси губернатор билан судлаша олган бўлса, энди бу мумкин эмас, агар олдин ҳар бир киши ўз хўжалиги ерига ўзи хўжайн

бўлган бўлса, ҳозир бунинг тескариси, агар олдин кўчириб келтириш чекланган бўлса, эндиликда бунинг акси, шундай қилиб оқибат натижада маҳаллий аҳолининг ҳамма ерлари овруполиклар қўлига ўтиб кетади...

Ҳозирги Ўрта Осиё республикаларининг аҳволини Ҳиндистон билан солишириб, айтар эдики, агар англичанлар босиб олган бўлганида яхши бўлар эди. Масалан, Ҳиндистонда матбуот эркинлиги бор, ҳамма ҳам ҳукуматни матбуотда очиқ танқид қила олади, миллий урф-одат таъқиб қилинмайди, у ерда савдо эркинлиги мавжуд, ягона фирмә диктаторлиги йўқ, ҳар ким ўзича эркин ҳолда бой ва камбағал бўлишини танлаши мумкин.

Унинг айтишича, агар Ўрта Осиёни англичанлар босиб олган бўлса, улар ўлкага ўзларининг губернаторлари орқали ҳукмронлик қиласи, бошқа чиновниклар эса маҳаллий халқлардан бўлиб, улар мамлакатни бошқаради.

Бизнинг ташкилотимизни дастури йўқ эди, унинг дастури Мунаввар Қорининг ўзи бўлган. Шунингдек, у илҳом берувчи ҳам, раҳбар ҳам эди. Ташкилот фаолияти асосий мақсадга — истиқолни қўлга киритишга йўналтирилган эди.

* * *

1928 йил 28 декабрда Афғонистоннинг Тошкентдаги консули Фулом Жайлонийнинг Афғонистон Ташқи ишлар вазири Фулом Содикхонга ёзган хати

Мен Тошкентга келиб, Туркистон миллатчилари айниқса, бу ердаги мусулмонларнинг ҳаракатидан четда туришни хоҳламадим. Шунинг учун ҳам уларни излаб топишга интилдим. Ниҳоят, ажойиб бир оқшом кечасида маҳсус жойда Мунаввар Қори билан учрашишга мусалласар бўлдим. У зиёли шахслардан бири бўлиб, тошкентлик мусулмонлар орасидаги таъсирчан кишилардан ва миллатчилар партиясида катта ўринга эга. Уларнинг аҳволи, ютуқлари ва камчиликлари тўғрисидаги бир неча саволларимга Мунаввар Қори жавоб бериб шундай деди: «Ҳозирда бизнинг миллатчи партиямиз бемалол иш олиб бораолмайди, бизлар бир жойга йигилиша олмайиз, ҳаммамиз ҳам ҳукуматдан кўрқон ҳолда Туркистоннинг бирор шаҳарида ҳар хил майда ишлар билан банд бўлиб турйбимиз. Масалан, мен Самарқандда музейда ишляпман. Аммо қаттиқ

умидим борки, миллатчилар партияси ўз йўлидан қайтмайди, фаолиятни сира ҳам бўшаштирмайди. Ўзимизнинг миллӣ қарашибимизни тўла амалга оширамиз, уни етарли даражада ёш зиёлилар онгига сингдира оламиз. Миллатчилар ҳозир юқори давлат ва куйи ташкилотларда катта ва кичик лавозимларда ишлайти. Бизнинг Мунаввар Қори, Салимхон, Миён Бузрук ва шулар каби миллатчиларимизнинг ҳар бири майдага ишлар билан банд бўлса-да, маълум даражада ёшлар орасида ўз мақсадларини амалга оширишга муваффақ бўлмоқда».

Кейин Мунаввар Қори ўз сўзини давом эттириб шуни айтди: «Бизларнинг баъзи бирларимиз, қайсики, Москвадаги элчи жаноблари Мирза Муҳаммад яхши билган 10—13 кишиларимиз, қандай йўл билан бўлмасин Туркистондан Афғонистон томонга чиқиб кетишга мажбур бўлиб турибмиз. Чунки ўзимизни хавф остида сезаяпмиз, ҳар куни қандайдир сабаб билан бирортамизни қамоққа олиб сўроқ қилмоқда.

Агар афғон ҳукумати рухсат берса, бизлар Афғонистонга бориб Ҳошим Шоиқ каби маориф соҳасида ишлаган бўлур эдик. Ҳозир бизларнинг Туркистонда бўлишимииздан фойда йўқ, балким бизларни йўқ қилиб ташлар. Шундай бўлса-да, ишончимиз комилки, бизнинг ёшларимиз ҳозир Ватанини севадиган миллатчи бўлиб ҳисобланади. Бизлар миллатчилар кечака ва кундуз кўпайиб олга кетишларига умид қиласиз».

Ушбуни хабар қилаяпман, уларнинг дастурини ҳам кўлга киритгач сизга тезда юбораман. Улар Афғонистонга яширин боришига хошиш билдириб, менга мурожаат қилиши мумкин. Шу тўғрида Сизнинг фикринизни билмоқчиман.

Сизга ҳурмат билан Гулом Жайлоний.

Фатхитдин Махсум Исламтуллаевнинг терговдаги кўрсатмаларидан

Мунаввар Қорининг боғида кенгаш бўлди. Ташкилот дастури ва қўмитанинг уезд бўлимларини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди.

Мунаввар Қори ҳамма жойларда беш кишилик раёсат (президиум): раис, котиб, хазинадор ва иккى аъзодан иборат ташкилотлар тузилганлиги тўғрисида ахбо-

рат берди. Шунда у эски ташкилот ва дастур ҳозирги турмуш шароитига тўғри келмаслиги ва уларни ўзгартириш, ташкилотга эса ёшларни жалп қилиш зарурятини ҳақида айтди. У яна шуни ҳам таъкидладики, ҳозир мактабларда миллӣ руҳ қолмади, бу масалада ҳеч қандай иш қилинмаялти. Агар аҳвол шундай давом этаверса ўзбекларда миллӣ руҳ йўқолиб кетади, Ўзбекистон руслар оёғи остида қолади. Бунинг оддини олиш учун ташкилот кадрларни тайёрламоғи керак, бизлар эса қариятмиз, бизларга ўрин босарлар зарур...

Молия масаласи муҳокама қилинганда ташкилот аъзоларидан 100 сўм, ўзига тўқ бойлардан эса 250 сўмдан кириш бадали олиш, тўплантган пул ўлиқ капитал бўлмаслиги учун, уни оборотга қўйиб қўпайтиришга келишиб олинди.

Тўхтахўжаев Усмонхўжанинг терговдаги кўрсатмаларидан

...Мен Мунаввар Қорига яқин маслакдош кишиларни юқорида санаб ўтилганлар билангина чеклай олмайман. Менимча, бу жуда кенг доирани ташкил этади. Масалан, ўқитувчиларнинг Тошкент конференциясида Мунаввар Қори жадидчиликни ўзича «ёритди». Кўпчилик унинг чиқишини чапак чалиб олқишилади.

Ватанимиз озодлиги учун коммунистик босқинга қарши кураш ташкилотчиси, Бухорода (1921 йилда) яширин ҳолда ташкил топган «Туркистон Миллӣ Бирлиги» раиси Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг «Хотиралар» ясаридан кўчирма:

«...Умумкомитетни бир қанча вақт тузолмай қийналдик. Бунинг сабаби бухороликлар билан ташкентликлар орасидаги қабилавий зиддиятлар... бўлди. Шу боис Умумкомитетнинг раислигига ким тавсия қилинган такдирда ҳам қабул бўлмас эди. Биз бошқирдлар тошкентлик Мунаввар Қорини тавсия қилдик. Лекин бухоролик вакиллар буни қабул қилмадилар. Иккинчи ёқдан, Комитет раиси зарур бўлса, очиқ яшашдан воз кечиб, яширин яшашга ҳам тайёр бўлиши керак. Му-

наввар Қори шу шартларга ҳам рози эди. Тожикларнинг таниқли кишиларидан Садриддин Айнийни тавсия қилиб кўрдик. Лекин у яширин ҳолда яшашга ўтмаган тақдирдагина раислик қилишга рози бўлди...

Шундай қилиб 2 августда мен Туркистон Миллий Бирлигининг, яъни Умумкомитетнинг раиси сифатида иш бошладим.

«Самарқанддаги конгресс йиғилишида Жамият (Туркестон Миллий Бирлиги — С.Х.)нинг 24 банддан иборат Устави ва Туркестон байробги қабул қилинди. Байроқни тайёрлаган комиссияда мен, Мунаввар Қори ва Жонзок, яна бир киши иштирок этди».

«Туркестондаги маънавий ва маориф соҳасидағи курашда Мунаввар Қори Тошкентда қандай ўрин тутса, Самарқандда Қори Комил ҳам шундай ўрин эгаллади».

ИЗОҲЛАР

- 1) Ризаев Ш. Жадидчиликка доир икки ҳужжат. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, 4-сон, 36-бет.
- 2) Ўша жойда, 35-бет.
- 3) Ўша жойда.
- 4) Сироэжиддин Аҳмад. Мунаввар Қори. // Шарқ юлдузи, 1992, 5-сон, 111-бет.
- 5) Ўша жойда, 112-бет.
- 6) Буни биринчи бор С. Аҳмад эълон қилган.
- 7) Ризаев Ш. Кўрсатилган мақола, 35-бет.
- 8) Мажид Ҳасаний. Туркестон босқини, Т., «Нур», 1992, 32-бет.
- 9) Хотиранинг матни бизда сақланади — С.Х.
- 10) Маҳамадхон ота 1992 йилда вафот этдилар. Илоҳим, жойлари жаннатда бўлгай.
- 11) Бу ташкилот бундан кейин «Иттиҳоди тараққийпарвар», «Тараққийпарварлар», «Иттиҳод ва тараққий» деб ҳам номланди.
- 12) Бу кишилар турк мұхожирларидан бўлган, ҳозирча уларнинг шахси аниқланганича йўқ. Мунаввар Қори буларни биринчи, ўзини иккинчи ўринда кўрсатса-да, унинг ўзи жамиятнинг асосий раҳбари бўлган.
- 13) 1919 йил 19 январга ўтар кечаси Тошкент шўроларига қарши Осипов уютирган исён, Туркестон комиссарлари ўлдирилиши воқеалари назарда тутилмоқда.
- 14) Жадидлар аслида динга қарши бўлмаган. Улар шаригатта қатъий риоя қилган ҳолда мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш, маданиятни тараққий этириш соҳасида катта ишларни амалга оширади. Мутаассиб руҳонийлар бунга қаршилик қилган. Шу сабаб жадидлар руҳонийлар билан курашган.
- 15) Жамият аслида тарқатилмаган эди.
- 16) Бу зоти улуғларнинг шахси ҳали тарихимизда аниқланганича йўқ. Улар каби кишиларнинг номи кейинчалик ҳам учрайди.
- 17) Тўла айтилиши аслида Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжасев.
- 18) Унинг ташкилотчиси ва раҳбари Мунаввар Қорининг ўзи бўлган.
- 19) Кобозев П.А. (1878—1941 й.) шўро давлати ва комфириқа арбоби, февраль инқиlobидан сўнг Тошкент темир йўл комиссари, Бутун Россия МИҚ ва РСФСРнинг Фарбий Сибир ва Ўрта Осиё фавқулодда комиссари. Турк АССР МИҚ (1918), РСФСРнинг Туркестон ишлари бўйича алоҳида муваққат комиссияси аъзоси (1919).

20) ТАССР шўроларининг VIII қурултойи 1919 йил 6 сентябрь — 3 октябрда бўлиб ўтган.

21) Шарқ ҳалқлари қурултойи 1920 йили Бокуда бўлиб ўтган. Унда қатнашганлар: Т. Рискулов, Мунаввар Қори, Ҳожи Сафо Жўрабоев, Ражаб Муҳамедов, Салимхон Тиллахонов, Қурдатилла Юнусий, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Обиджон Маҳмудов, Гиллер ва бошқалар.

22) Зиновьев Г. В.— ҳалқаро ташкилот «III Коммунистик интернационал» раҳбарларидан бири. Қурултой шу ташкилотнинг ташаббуси билан чақирилган.

23) Анвар пошо (1881—1922 й.) турк сиёсий ва давлат арбоби, генералларидан бири. Умрининг сўнгги даврида Ўрта Осиё, хусусан Шарқий Бухорога келиб, Шўро тарихида «босмачилик» деб номланган миллий-озодлик урушида коммунист босқинчиларга қарши жанглардан бирида ҳалок бўлади.

24) Рисқулов Турор (1894—1943 й.) — шўро давлати ва комфириқа арбоби. Туркистонда инқилобий ҳаракат қатнашчиси, Туркистон АССР Соғлиқни сақлаш ҳалқ комиссари (1918—1919 й.), Туркистон комфириқаси мусулмонлар бюроси раиси, Туркистон МИҚ раиси (1919 й.), Туркистон ХҚС раиси, Коминтернда бўлим мудирининг муовини.

25) Қурултой делегатларидан бири Салимхон Тиллахоновнинг ёзишича, Анвар пошо Мунаввар Қори ёткочонасида меҳмон бўлган. Бошқаларни ҳам йигиб, узоқ сұхбатлашган. С. Тиллахонов ундан Туркистон инқилоби ҳақида сўраганида, «босмачилик» ҳаракатини йўлга солиш керак, деб жавоб берган. Шунингдек, унинг ўзида ҳам бундан четда турмаслик нияти борлигини айтган.

26) Туркистон комфириқасининг V қурултойи назарда тутилмоқда. У 1920 йил 12—18 сентябрда бўлиб ўтган.

27) ТАССР шўроларининг IX қурултойи назарда тутилмоқда. У 1920 йил сентябрда бўлиб, Рискулов ва бошқалар ноҳақ миллий оғмачиликда айланади.

28) Тўрақулов Назир (1892—1939 й.) — шўро ва фирмачи арбоби, Москва савдо институтини тамомлаган. Қўқон шаҳар шўроси котиби (1917—1928 й.), Фарғона вилояти инқилобий кенгаши аъзоси, ТАССР МИҚ раиси, СССР ҳалқлари марказий нашриёти бошқармаси раиси (1922—1928 й.), СССР нинг Ҳижоздаги бош консули ва муҳтор элчиси (1928—1936 й.).

29) Сафаров Г. И. (1891—1942 й.) большевистик фирмачага 1908 йилда кирган. Брест сулҳи шартномасини тувишда «сўл коммунист» Троцкий тарафдори бўлган. Турккомиссия бюроси аъзоси, 1934 йилда фирмадан ўчирилган.

30) Бу ерда Ватандан зорланиш ва безиш маъносидан гап кетаётган бўлса-да, аслида шундай эмас. Мунаввар Қорининг ўз Ватани — Туркистонга муҳаббати чексиз бўлган. У Ватан озодлиги ва мустақиллиги, унинг келажаги тўғри-

сида жонини гаровга қўйиб, ўзини аямай қурашди ва қурбон бўлди. Муштарийлар Мунаввар Қорининг бу сатрларини қамоқхонада тақдири аниқлашиб қолган бир пайтда ёзганилигини эътибордан соқит қўймасликлари лозим. Бу каби ҳолат бошқа ўринларда ҳам учрайди.

31) Мунаввар Қори Зайнуддин Қори Насриддиновни назарда тутаётганга ўхшайди. У 1927 йил ёзида Наманганда ерсув ислоҳоти ва «Хотин-қизларни очиш» ҳаракати «Хужум»га қарши қишиларнинг яширин ташкилотини тузади. Бу кейин Тошкентдаги «Миллий истиқдол»нинг вилоят бўлимига айлантирилади.

32) Мунаввар Қори «ифлос» сўзини сиёсий бўлимни назарда тутган ҳолда ишлатмоқда. Аслида эса унинг ўзи жумхуриятдаги барча яширин ташкилотларнинг ғоявий раҳбари бўлган.

33) Бу гаплар ГПУни ҷалғитиши учун айтилаяпти. Буни сезиб олган ГПУ уни қаттиқ азоблайди.

34) Бу ерда ҳам Мунаввар Қори «Советларга қарши ҳаракатга муросасиз» бўлганлиги нотўри. Аксинча, бундай ҳаракатнинг илҳомчиси бўлган.

35) Бу «Миллий итиҳод» деб ҳам берилган. Иккаласи ҳам бир хил маънени билдиради.

36) Юқорида айтилганнидек, бу ерда ҳам маҳбус-муаллиф терговчини ҷалғитиши умидида.

37) Мунаввар Қори ташаббуси билан 1922 йил декабрда ташкил топган бўлиб, таъсисчилари қўйидагилардан иборат эди: Умархон Акрамхонов, Маннон Рамзий, Муҳитдин Усмонов, Ҳолмуҳаммад Охунов, Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон), Сайдинор Миржалолов, Толибжон Мусобоев, Шокиржон Раҳимий, Ҳамидуллахон Орифхонов, Комил Алиев, Эшон Ҳўжаев.

38) Бу ерда Мирза Муҳитдин Мансуров ва унинг фарзандлари Мирза Ислом, Мирза Хайрулло, Мирза Абдулқодир, Мирза Исҳоқ Муҳитдиновлар назарда тутилмоқда. М. М. Мансуров «Ёш буҳороликлар» фирмасида бўлган. Баъзи ҳужжатларда у Бухоро шўро ҳукуматида фавқулодда Комиссия раиси бўлган пайтда амир бойликларининг катта қисмини узаштириб олган деган тахминлар бор.

39) Бу пайтда сиёсий қатағонликка учраган ва чет элга кичганинг кишилар кўп бўлган. Афсуски, ҳозир уларнинг ҳам масини аниқлашиб қўйин. Муҳими шундаки, жадидлар уларга ғриб бериш учун ҳар хил фондларни ташкил қиласан.

40) Бу сўзларни тергов сўроғидага жон сақлаш умидида берилган жавоб маъносидан тушунмоқ керак. Аксинча, бу пайтда Мунаввар Қори бошчилигидаги истиқдолчилар уюшган равнишда иш бошлаган эди.

41) 1919 йил 19 январга ўтар кечаси шўроларга қарши Оинов уюштирган исён назарда тутилмоқда.

- 42) Муаллиф ОГПУ терговчисини назарда тутяпти.
- 43) *Н. А. Йөвмудский* Каражон ўғеди.
- 44) Делегатларнинг «натижасиз» қайтиши ҳали аниқла-ниши керак. Бу ОГПУ терговчилари учун берилган жавоб бўлиши мумкин.
- 45) Беҳбудий ва бошқаларнинг ўлдирилганлиги аниқ, аммо улар нима учун ўлдирилганлиги ҳали-ҳануз аниқланган эмас.
- 46) 1917 йил 16—23 апрелда бўлиб ўтган «Шўрои исломия»нинг биринчи қурултойи назарда тутилмоқда. Унда Туркестон мусулмонларнинг Ўлка Шўроси сайданиб, унга М. К. Абдурашидов, М. Чўқай, М. Беҳбудий кирган эди.
- 47) Бу ўринда зиёлилар, шу жумладан, Мунаввар Қори ҳам ҳеч нимага ақли етмай кўл кўтарибди, деган тушунча бўлмаслиги керак. Бу шунчаки ўзини гўлликка солиш, холос.
- 48) 1917 йил 26—29 ноябрда бўлиб ўтади.
- 49) Мунаввар Қори ҳақиқатдан ҳам мухториятта қарши экан деб тушунмаслик керак. Чунки у мухториятнинг фаол ташкилотчиси бўлганини, унинг дастур ва низомини тузишда қатнашганлигини яхши биламиз. Бу сўзларни тақдиди қил устида турган бир пайтда ёзганлигини унутмаслик лозим.
- 50) 1919 йил 22 январда Шарқий фронт кўшинлари Туркестон қуроли кучлари ёрдамида Оренбургдаги «Оқлар» фронтини ёриб, марказга йўл очади. Шу йил 13 сентябрда эса иккинчи марта ва узил-кесил марказ билан Ўрга Осиё ўртасидаги йўл очилади.
- 51) 1919 йил 6 сентябрь — 3 октябрда бўлиб ўтган ТАССР-нинг VIII қурултойи назарда тутилмоқда.
- 52) *М. Салихов* 1929 йили РСФСРнинг Афғонистондаги ваколатхонасида ишлаган. 1927 йили Истамбул дорилфунунини тутатиб, Тошкент дорилфунунида ишлайди. 1937 йилда қамалади.
- 53) Русча «националистический» — «миллатчилик» атамаси бу ерда, бундан кейин ҳам «миллийлик» деган маънода олинди. Чунки, жадидларнинг «миллатчилиги» бизнинг онгимизга сингдирилган, бир миллатни иккинчисига қарама-қарши кўйувчи миллатчилик эмас, балки, аввало «миллийлик»ни, ундан сўнг умуминсоний байнамилалликни билдиради.
- 54) Буни Ш. Ризаев «Ўзек тили ва адабиёти» журналида (1990, 4-сон) эълон қилган.
- 55) Юртдошимиз Туркияда чорвачилик соҳасининг йирик олими. Тошкентда тугилиб, Мунаввар Қори мактабида ўқиган. Унинг ёрдамида 1922 йили Германияга ўқишга кетган. Коммунистик таъқиб туфайли Ватанга қайта олмай, тақдир тақозоси билан Анкара университетида кўним топган, Ватан озодлиги учун курашганлар ва коммунистик босқин ҳақида бир қатор мақолаларнинг муаллифи. Унинг ушбу

мақоласининг туркча матнини лутфан бизга филология фанлари номзоди, таниқли олим Шерали Турдиев берди. уни фалсафа фанлари номзоди Абдуқодир Зоҳидий ўзбекчага агадарган.

56) Муаллиф мақолани ўз хотираси асосида ёзганлиги сабаб бироз адашиб, Мунаввар Қори туғилган йилини 1878 ўрнига 1880 деб кўрсатган.

57) Бу ерда ҳам янглиштан. Бу машъум воқеа 1929 йил 6 ноябрда содир бўлган.

МУНДАРИЖА

Миллатимизнинг маънавий отаси (Сотимжон Холбоев)	5
Хотираларимдан	21
Менинг сиёсий бошқармага берган ваъдам	21
Январ воқеалари ва «Бирлик» уошмаси	24
VII курултой ва «Миллий гурӯҳ»	25
Шарқ халқлари курултойи ва Анвар Пашо билан бўлган воқеа	26
Бухоро воқеалари	28
Бухоро воқеалари хусусида	29
Ташкилотнинг тузилганлиги, унинг мақсад ва вазифалари	46
Қандай ҳукумат ташкил этиши ҳақидаги масала	50
«Иттиҳоди миллий» ташкилоти	56
Ер масаласи ҳақида	61
Хотин-қизларни озод қилиш масаласи ҳақида	62
Камсонлик миллатларга муносабат	63
Иттифоқ марказига муносабат	64
Ташқи давлатлар билан бўлган ўзаро алоқалар ҳақида	65
«Иттиҳоди тараққий» ташкилоти аъзолари ҳақида	65
«Бирлик» ташкилотининг аъзолари ҳақида	66
«Миллий иттиҳод»нинг аъзолари ҳақида	66
Шарқ бўлими ўртоқ Ағидулинга (нусхаси Коротский ва Москвадан келган ўртоққа)	67
«Маҳаллийлаштириш» соҳасидаги иш хусусида	71
Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг маъруза, мақола ва шеърлари	73
Тошкент округи маданиятчилари курултойида (1927 йил)ги маъруза	73
Никоҳ тўғрисида	75
Бизни жаҳолат — жаҳали мураккаб	79
Тошканд мусулмон жамияти	83
Тошканд, 21 сентябр	86
Туркистонда вақф ишлари	89

Жамият қандай очилур?	92
Замондошлар Мунаввар Қори Абдурашидхонов ҳақида	101
«Миллий истиқлол»нинг фаолларидан бўлган Тангрекулихожи Мақсудовнинг тергов даврида ёзиб қолдирганларидан	101
Лазиз Азиззоданинг тергов вақтида айтганларидан	101
1957 йилда Мунаввар Қори билан бирга қатағон қилинганларни оқлаш учун тайёрланган маълумотномадан кўчирма	102
Проф. Иброҳим Ёрқин. Туркистонда уйғониш миллий ҳаракатлари ва Мунаввар Қори	103
Салимхон Тиллахонов. Тошкентдаги «Миллий истиқлол» ташкилоти ҳақида	115
Афғонистоннинг Тошкентдаги консули Фулом Жайлонийнинг 1928 йил 28 декабрда Афғонистон Ташқи ишлар вазири Фулом Содикхонга ёзган хати	117
Фатхитдин Махсум Исматуллаевнинг терговдаги кўрсатмаларидан	118
Тўхтахўжаев Усмонхўжанинг терговдаги кўрсатмаларидан	119
Ватанимиз озодлиги учун коммунистик босқинга қарши кураш ташкилотчиси, Бухорода (1921 йилда) яширин ҳолда ташкил топган «Туркистон Миллий Бирлиги» раиси Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг «Хотиралар» асаридан кўчирма	119
Изоҳлар	121

МУНДАРИЖА

Миллатимизнинг маънавий отаси (Сотимжон Холбоев)	5
Хотираларимдан	21
Менинг сиёсий бошқармага берган ваъдам	21
Январь воқеалари ва «Бирлик» уюшмаси	24
VIII қурултой ва «Миллий турӯҳ»	25
Шарқ халқлари қурултойи ва Анвар Поро билан бўлган воқеа	26
Бухоро воқеалари	28
Бухоро воқеалари хусусида	29
Ташкилотнинг тузилганлиги, унинг мақсад ва вази- фалари	46
Қандай ҳукумат ташкил этиши ҳақидаги масала	50
«Иттиҳоди миллий» ташкилоти	56
Ер масаласи ҳақида	61
Хотин-қизларни озод қилиш масаласи ҳақида	62
Камсонолик миллатларга муносабат	63
Иттифоқ марказига муносабат	64
Ташқи давлатлар билан бўлган ўзаро алоқалар ҳақида	65
«Иттиҳоди тараққий» ташкилоти аъзолари ҳақида	65
«Бирлик» ташкилотининг аъзолари ҳақида	66
«Миллий иттиҳод»нинг аъзолари ҳақида	66
Шарқ бўлими ўртоқ Ағидулинга (нусхаси Коротский ва Москвадан келган ўртоққа)	67
«Маҳаллийлаштириши» соҳасидаги иш хусусида	71
Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг маъруза, мақола ва шеърлари	73
Тошкент округи маданиятчилари қурултойида (1927 йил)ги маъруза	73
Никоҳ тўғрисида	75
Бизни жаҳолат — жаҳли мураккаб	79
Тошканд мусулмон жамияти	83
Тошканд, 21 сентябр	86
Туркистонда вақф ишлари	89

Жамият қандай очилур?	92
Замондошлар Мунаввар Қори Абдурашидхонов ҳа- қида	101
«Миллий истиқлол»нинг фаолларидан бўлган Танг- рикулихожи Мақсудовнинг тергов даврида ёзib қолди- ранларидан	101
Лазиз Азиззоданинг тергов вақтида айтганларидан	101
1957 йилда Мунаввар Қори билан бирга қатагон қилингандарни оқлаш учун тайёрланган маълумотнома- дан кўчирма	102
Проф. Иброҳим Ёрқин. Туркистонда уйғониш миллий ҳаракатлари ва Мунаввар Қори	103
Салимхон Тиллахонов. Тошкентдаги «Миллий истиқ- лол» ташкилоти ҳақида	115
Афғонистоннинг Тошкентдаги консули Фулом Жай- лонийнинг 1928 йил 28 декабрда Афғонистон Ташқи иш- лар вазири Фулом Содикхонга ёзган хати	117
Фатхитдин Махсум Исматуллаевнинг терговдаги кўрсатмаларидан	118
Тұұтахұјаев Усмонхұжанинг терговдаги кўрсатмала- ридан	119
Ватанимиз озодлиги учун коммунистик босқинга қар- ши кураш ташкилотчиси, Бухорода (1921 йилда) яши- рин ҳолда ташкил топган «Туркистон Миллий Бирлиги» раиси Аҳмад Заки Валидий Тұғоннинг «Хотиралар» аса- ридан кўчирма	119
Изоҳлар	121

МУНАВVAR ҚORI АБДУРАШИДХОНОВ

**ХОТИРАЛАРИМДАН
(ЖАДИДЧИЛИК ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР)**

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2001

Муҳаррир *I. Шоймарданов*
Рассом *Темур Сабдула*
Бадиий муҳаррир *Ф. Башарова*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахмонова*
Мусаҳҳиҳ *Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 16.10.2000. Босишга рухсат этилди 30.11.2000.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табори 6,72. Нашриёт ҳисоб табори 6,9. Адади 3000 дона. Буюртма
№ 1170. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буоқ Турон» кӯчаси, 41.